

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҚЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЗОРГУЛ ЎРИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ТАРИХИЙ БАДИИЙ
АСАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

(“Номалар” мисолида)

Бухоро -2020 й.

УДК – 69.3.(БУ)

Масъул мухаррир: С.И.Иноятов .т,ф.д.профессор

Тақризчилар: Ҳайитов Ш.А.- т.ф.д. Профессор

Хусайнова А.А ф.ф.д. Профессор

Ўзбекистон тарихи мустақил давлатимиз ижтимоий ҳаётида фаол катнаша оладиган, идрокли ва қобилиятли ўзининг тарихий илдизларин англашга қодир юртига ватанига она халқига чексиз меҳр –мухаббат туйғулари билан тўлиб тошган авлодни камол топтиришга уларнинг онгида миллий истиқлол тафаккури ва халқпарварлик ғояларини шакллантириш куролидир. Бу тарихни ёзиш учун Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда:”Тарихинг битмакка халким мингта Фирдавсий керак”- деганда нақадар ҳақ эканлигига ,китобни ёзишда фойдаланган манба ва адабиётларни уқиб амин булдик.

Мазкур монографияни ёзишда шу мавзуга оид ёзилган дунёга машҳур аллома шоир ва ёзувчиларнинг қимматли ва бой ёзма меросларидан ижодий фойдаланилди. Айниқса матбуот саҳифаларини беаган диний ва дунёвий билим соҳиблари доно мутафаккирлар қаламига мансуб бадиий мемуар асарлари таҳлил этилган мақолалар,манбавий асос бўлиб хизмат қилди.Китоб Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ёритишдаги талаб ва эҳтиёжларга қисман бўлсада жавоб беради деб умид қиламиз.

Монография олий ўқув юрти талабалари тарих фани ўқитувчилари, Ўзбекистон тарихини ўрганувчи ва қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

Матнни тайёрлашда менга яқиндан кўмаклашган Олима Қосимовага ўз миннатдорчилигимни билдираман.У мудом банд булишига карамай,матинни кайта-кайта компьютердан чиқариб мени ортикча ташвишдан халос қилди , вақтимни тежади.Ижод аҳли учун эса вақт илохий неъматдир.

Кириш

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Шавкат Мирзиёев

Истиқлол берган улуғ неъмат – бу тилимиз динимиз ва уларни зикр этувчи тарихимизнинг тикланиши натижасида буюк аجدодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва улар билан фахрланиш туйғусини кучайишидир.

Ҳар бир шахснинг камоли жамият тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Тарихни ўрганиш, билиш инсонни маънан бой этиб камол топтиради. Зеро, Ислом Каримов айтганларидек “Биз тарихмизни ёритишда уни давр, муаян сиёсий гуруҳлар айрим шахслар манфатига мослаб талқин этишни қоралаймиз, ғоят муракаб ва зиддитли тарихмизни холисона ва илмий ўрганиш тарихчи олимларимизнинг масъулиятли ва олижаноб вазифаси деб ҳисоблаймиз¹.

Ҳар бир шахс аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, ёднома ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугуги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамланган тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, сиёсат, математика, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Анашу осори- атиқалар орасида алоҳида қийматга эга бўлган “нома” лар мозий

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Ўзбекистон тарихи; №1. 1999й. 3-4 бетлар.

даракчилари сифатида Ўзбекистон тарихининг турли даврларидан бизга тўлалигича маълумот берадиган асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади. Ота – боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, бадиий қарашларини ифода этган бу каби ёдгорликлар ўлкада, биз яшаб турган заминда қадимдан буюк маданият мавжуд эканлигидан гувоҳлик беради. Худди шу маънода жонажон тарихимизнинг турли даврларини ўрганишимизда, баркамол авлодни ватанпарварлик ғоясида тарбиялашда бизга ёрдам беради. Буюк мутафаккирлардан бири Ватанпарварлик ҳақида гапириб шундай фикрларни билдиради. “Ватанпарварлик тантанавор ҳисоблар ва умумий гаплардан иборат эмас, балки у Ватанга қизғин мухаббат ҳисси билан ортиқча дабдабаларсиз ўз фикрини билдириш, фақат эзгуликда ҳайратланмай, балки муқаррар ҳар қаерда, ҳар қандай натижада ҳам бўладиган ёвузликни жинидан баттар ёмон кўриш демакдир...

...Ватан ғояси шонли йилларда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам унинг фарзандларига бирдек хос бўлмоғи зарур, бинобарин, бу ғояни чинакам ҳис этгандагина киши ўзини фуқаро деб ҳисоблашга ҳақлидир”.

Ўзбекистон ўзининг узоқ ва бой тарихига эга. Халқларнинг маданияти, турли урф-одатлари, ижтимоий турмуш шароитлари ва маънавий қадриятлари жуда кўп расмий манбаларда ўз аксини топган. Марказий Осиё халқлари олимларининг тарихий меросини ўрганиш орқали, ёшларни жисмоний баркамоллик билан бир қаторда уларда чин инсоний туйғуларни тарбиялаш, миллий қадриятларимиз Ватанга садоқатли бўлиш ва ота-она ҳамда Ватан олдидаги бурчини чуқур англаш руҳида тарбиялаш лозим. Ватан туйғуси – бу ўз ақл-идроки билан жаҳон маданияти, илм фанига улкан ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг меросини ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш ҳамдир.

Кўлимиздаги ушбу монография муаллифнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишга бағишланган илмий фаолиятининг айрим самараси бўлиб, Ўзбекистон тарихининг ҳали яхши ўрганилмаган ва турли тарафларини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган йирик олимлар каламига мансуб кўлёмаларидан таржималари асосида ёзилган асарлари, йигирмадан ортиқ катта – кичик мақолалар тахлилини ўз ичига олади ва Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш ишига яқиндан ёрдам беради. Китоб уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми: “Номалр”-мозий даракчилилари. Номаларнинг ёзилиш тарихи ва унга туртки булган шарт -шароитлар”, - деб номланган бўлиб, “Нома” нависликда ном чиқарган тарихчи олимлар, шоир ва ёзувчилар улар каламига мансуб икки юздан ортиқ номаларнинг номлари ва баъзиларининг ёзилиш тарихи ҳақида маълумот берилган. Монографиянинг “Маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган шоир ва ёзувчиларнинг “номалари”-тарихни ўрганиш манбаси сифатида” – деб номланган иккинчи бобида тарихни ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланган ноёб ва ҳали кам ўрганилган номалардан: Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Унсурулмаолий Кайковуснинг “Қобуснома”, Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланнома”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Хондамирнинг “Номаи номий”, “Хумоюннома” каби асарлари, улар муаллифлари ҳаёти ва ижоди, илмий мероси қисқача таҳлил қилинади. Бу асарларнинг тарихни ўрганиш учун муҳим тарафлари кўрсатиб берилади. Китобнинг учинчи қисми. “Урта Осиё мутафаккирларининг тарихий бадиий , автобиографик асарларининг баркамол инсонни тарбиялашдаги урни”- деб номланиб, унда тарихда из қолдирган шахслар, азиз авлиёлар томонидан ёзиб қолдирилган асарлар, ёдномалар насихатнома (Хотамнома, Асрорнома, Донишмона, Соқйнома, Сиёсатнома ва х.) кабилар ҳақида қисқа лекин муҳим маълумотлар келтирилади. Фикримизча, монографияга киритилган фактик материаллар Ўзбекистон тарихини ўрганишда зарур қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Албатта ҳар қандай асар бенуқсон бўлмайди. Бундан фақат Қуръони Карим билан муқаддас Ҳадис китоблари мустасно. Шундай бўлгач, мазкур монография ҳам баъзи жузъий камчиликлардан холи бўлмаса керак деб ўйлаймиз. Беайб парвардигор. Қуръони Каримда мана бундай оят бор: “Ким интиқом олишга қодир бўлган ҳолда, авф этиб (хатони) тузатса, унинг охири Аллоҳнинг зиммасидадур.” Шунинг учун мухтарам китобхон, ушбу китобда бирон бир хатога кўзингиз тушса, бизни маломат қилмай, тузатиб ўқийсиз деган умиддамиз, мутахассислар ва ҳурматли китобхонларнинг мазкур монография хусусида билдирган фикр ва малоҳазаларини бажону дил қабул қиламиз ва чексиз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Айни чоғда бу фикрлар кейинги китобларимизни ёзишда муаллифга беқиёс ёрдам беради.

I.Номалар мозий даракчилари

Номаларнинг ёзилиш тарихи ва унга туртки бўлган

шарт-шароитлар

«Нома» ёзиш кишилик тарихида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, у ўша давр тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳақида мукамал маълумот берадиган муҳим манба бўлиб ҳисобланади. А.Қодирийнинг: «Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир» -деган сўзларидан келиб чиқадиган бўлсак тараққиётимиз учун бугунги ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда мозий даракчилари булган номаларнинг ўрни бекиёсдир. Номалар ҳақида гапирганда дастлаб, кўз ўнгимизга Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари келади. Асарнинг номидан бу китоб шоҳларга аталган бўлса керак деган фикр ҳаёлимиздан утади, аслида бу асар «нома» ларнинг «нома» си асарларнинг шоҳи ҳисобланади. Худи шунингдек «Нома» нависликда ном чиқарган буюк адиблар ва кишилик жамияти ривожига ижобий таъсир этиб инсонларда инсоф, виждон, ор-номус, адолат, мардлик, ватанпарварлик каби миллий ва умуминсоний ғояларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган:

- | | | |
|------------------|-----------------|-----------------|
| 1. Шоҳнома | 12.Қобуснома | 23.Хотамнома |
| 2. Қобуснома | 13.Ҳангоманома | 24.Орифнома |
| 3. Пайғамбарнома | 14.Мухаббатнома | 25.Ибратнома |
| 4. Худойнома | 15.Пулнома | 26.Меҳнатнома |
| 5. Талабнома | 16.Меҳмоннома | 27.Иқболнома |
| 6. Иқболнома | 17.Жаҳоннома | 28.Искандарнома |
| 7. Юсуфнома | 18.Солнома | 29.Жангнома |
| 8. Насабнома | 19.Фикрнома | 30.Гаашуқнома |
| 9. Шарафнома | 20.Одобнома | 31.Васиятнома |
| 10.Зафарнома | 21.Сиёсатнома | 32.Бухоронома |
| 11.Тағбирнома | 22.Саломнома | 33.Ташаккурнома |

- | | | |
|-----------------|-------------------|--------------------------|
| 34.Йилнома | 64.Жангнома | 94.Латофатнома |
| 35.Ҳангоманома | 65.Оламнома | 95.Чойнома |
| 36.Жаҳонгирнома | 66.Таомнома | 96.Дилнома |
| 37.Бобурнома | 67.Хотамнома | 97.Ойнома |
| 38.Темурнома | 68.Раҳматнома | 98.Гиждувоннома |
| 39.Абдулланнома | 69.Толибнома | 99.Арзнома |
| 40.Шайбонийнома | 70.Қорақалпоқнома | 100.Шофирконнома |
| 41.Хумоюннома | 71.Зафарнома | 101 Нусратнома |
| 42.Акбарнома | 72.Шартнома | 102. Расулнома |
| 43.Сўровнома | 73.Соқийнома | 103. Шарафномаи
шоҳий |
| 44.Имомқулинома | 74.Фироқнома | 104. Чингизнома |
| 45.Қомуснома | 75.Ўзбекнома | 105. Рўзнома |
| 46.Тошкентнома | 76.Дарднома | 106.Фотихнома |
| 47.Саодатнома | 77.Тарихнома | 107. Жавоҳирнома |
| 48.Иқрорнома | 78.Хўп-Хўпнома | 108Сулаймоннома |
| 49.Тақдирнома | 79.Даъватнома | 109. Фаредуннома |
| 50.Ҳикматнома | 80.Асрорнома | 110. Заҳҳокнома |
| 51.Маълумотнома | 81.Навоийнома | 111. Низомнома |
| 52.Рўшнонома | 82.Номаи-Номий | 112.Маромнома |
| 53.Садоқатнома | 83.Муслимнома | 113.Сафарнома |
| 54.Саёҳатнома | 84.Далнома | 114Толенома |
| 55.Хабарнома | 85.Маншурнома | 115Манзиратнома |
| 56.Ҳафтанома | 86.Ёднома | |
| 57.Саволнома | 87.Даҳнома | |
| 58.Шаҳодатнома | 88.Олтмишнома | |
| 59.Садоқатнома | 89.Ҳаётнома | |
| 60.Таҳлилнома | 90.Йўриқнома | |
| 61.Сургуннома | 91.Наврўзнома | |
| 62.Таклифнома | 92.Сургуннома | |
| 63.Таъзиянома | 93.Рометаннома | |

116.Вақфнома

120.Охиратнома

124.Офариннома

117.Тансукнома

121.Гулистоннома

125.Ахрорийнома

118.Кавснома

122.Илохийнома

126.Хотиранома

119.Гушаспнома

123.Футуватнома

каби ва

бошка

асарлар фикримизга тула асос бўлиб ҳисобланади

.

Абулқосим Фирдавсий

"ШОҲНОМА"

IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмда адабиёт ва бадиий ижод ривож топди. Бу даврда етишиб чиққан сўз санъатининг бадиий усталари мамлакатимиз шон шухратини узоқ узоқ юртларга ҳам таратдилар. Ўлкамизда сомонийлар ва ғазнавийлар сулолалари ҳукмронлик қилган даврларда яшаб ижод этган бадиий ижод усталари Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий ва бошаларнинг номлари тарихимиздан муносиб ўрин олган. Номи жаҳонга машҳур бўлган Абулқосим Фирдавсий асли Хуросоннинг Тус шаҳри яқинидаги Таборон қишлоғидан бўлиб, ўзининг “Шоҳнома” асари туфайли шухрат топди. 60 минг байт, 120 минг мисрадан иборат эпик дostonни ёзиш учун шоир ўзининг 35 йиллик умрини сарф қилган. Ривоят қилишларича, “Шоҳнома”га дастлаб қўл урган шоир Дақиқий бўлган. У минг байтдан иборат “Гушасп” дostonини ёзиб тугатганда, ўз кули томонидан ўлдирилади ва бошланган иши чала қолади. Дostonни ёзиб тугаллаш вазифасини Абулқосим Фирдавсий ўз зиммасига олади. Шоир дostonни ёзиб тугатгач, ўша даврда ғазна давлатининг ҳукмдори бўлган султон Маҳмудга уни ҳадя сифатида тақдим этади. Маҳмуд Ғазнавий билан Фирдавсий ўртасидаги муносабатларга оид ҳар хил ривоятлар ва ёзма манбалар мавжуд. Уларнинг маълум бир қисми Маҳмуд Ғазнавийни камситиш, уни жоҳил ва қонхўр, каллақесар султон сифатида талқин қилишга қаратилган. Аслида эса Маҳмуд Ғазнавий илм – маърифатга ҳомий, адолатпарвар ва диёнатли султон бўлган. Жумладан тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий берган маълумотларга қараганда, султон Маҳмуд пойтахти Ғазнада ўша даврда 408 ижодкор олимлар, шоир ва ёзувчилар бўлган. Улар орасида Унсурий, Фаррухий, Монучехрий, Асжадий, Маншурий, Уторидий, Маъсудий, Розий, Набибий, Зийнатий, Мансур ва бошқалар бор эди. Ғазнада Беруний ва Ибн Синолар ижодий ҳамкорлик қилганлар. Ҳатто Фирдавсийнинг ўзи ҳам Маҳмуд Ғазнавий марҳаматидан баҳраманд

бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Навоийнинг шогирди тарихчи Зайниддин Восифий “Бадое ул вақое” асарида ёзишича оддий деҳқон Али Дайламнинг ўғиллари Абулқосим ва Абул Мансурга Тус шаҳри ҳокими зулм ўтказди. Шунда Муҳаммад Аскарний деган дўсти Абулқосимга Ғазнага бориб султон Маҳмуд билан учрашишини айтади, у шаҳарда 70 кун юради-ю аммо султон Маҳмуд ҳузурига кира олмайди. Бир кун кўз боғлағич Мохан Абулқосимнинг бир достонини Маҳмудга беради. Достон султонга маъқул бўлади ва Абулқосимни саройда уюштирилиб туриладиган анъанавий шеърхонлик кечасига таклиф қилади. Султон Маҳмуд Абулқосимнинг сарой хизматкори Аёз ҳақида ёзган рубоийсини эшитиб “Мажлисимни фирдавс боғидек обод қилдинг” дейди ва бу билан Абулқосимга Фирдавсий тахаллусини беради. Султон Маҳмуд Фирдавсийга “Шохнома” асарини тамомлашни топширади. Асарни ёзиб бўлгач, Абулқосим уни Маҳмуд Ғазнавийга хадя қилади. “Шохнома” султонга маъқул тушади. Унда шоир асарнинг муқаддимасида “Ситойиши Султон Маҳмуд” деб, султонни улуғлаб қасида ёзган. Аммо “Шохнома”да шоирнинг Эрон ва Турон урушларида туронликларни камситиб, вахшийлардек тасвирлагани Маҳмуд Ғазнавийга ёқмаган эди. Бу табиий бир ҳол эди албатта. Чунки Маҳмуд турк султони бўлган. Бироқ шундай бўлса-да, Маҳмуд Ғазнавий Фирдавсийга ваъда қилинган 60 минг байт достон учун юз минг дирҳам олтин беришни вазири Хожа Маймандийга топширади. Лекин хасис вазир қизғаниб, Фирдавсийга 100 минг олтин ўрнига 60 минг кумуш дирҳам беради. Шоир унга тақдим этилган тиллаларни олади-ю, уни учга бўлиб, ҳаммомчи, бўзачи ва тангаларни олиб келган хизматкорга беради. Воқеадан хабар топган Маҳмуд шоирни ўлимга маҳкум этади. Фирдавсий султон оёғига йиқилиб, узр сурайди. Маҳмуд шоирнинг гуноҳидан ўтгач, Фирдавсий саройни тарк этиш олдидан Аёзга бир хат беради ва бу хатни 20 кундан сўнг Маҳмуд Ғазнавийга топширишни илтимос қилади. Бу хатда у султон Маҳмудни хажв қилиб шеър битган эди. Бироз вақт ўтгач, Маҳмуд Ғазнавий масаланинг моҳиятини тўғри тушунгач, ваъда қилинган олтинларни карвон орқали Фирдавсийга Тус

шаҳрига жўнатади. Аммо шоирга аталган карвон Тус шаҳри дарвозаларидан кириб келган бир пайтда шаҳарнинг бошқа бир дарвозасидан Фирдавсийнинг тобутини олиб чиқишаётган эдилар. Ривоятларга қараганда, карвонни Фирдавсийнинг қизи қабул қилиб олишдан бош тортади, отамга вафо қилмаган бойлик менга вафо қилармиди, дейди. Султон Махмуд буйруғи билан олтинлар Абулқосим Фирдавсий мақбара ёдгорлиги учун сарфланган. Шоир умрининг охирини хор-зорликда ўтказиб, 1030 йилда вафот этган. 80 ёшлардан ошиб қолган шоир Фирдавсий сўнгги йилларда Бағдодда яшаган ва Қуръондан олинган ривоятлар асосида “Юсуф ва Зулайхо” достонини ёзган. Достоннинг бошланғич қисми “Тавбаном” деб аталади. Унда шоир энди қадимий паҳлавонлар ҳақида оғиз очмасликка қасамёд қилади ва бутун умрини сарф этиб, вужудга келтирган “фарзанди” – “Шоҳнома” дан вос кечади.

Шоҳлардан ёзмайман энди мен асло,
Даргоҳи кўнглимга урди мутлақо,
Бу достонлар бари қип-қизил ёлғон,
Бир қисм тупроққа арзимас чунон.

Абулқосим Фирдавсий ўрта аср тонгида етишган улуғ сўз санъаткорларидан биридир. Унинг номи Гомер ва Данте, Руставели ва Низомий, Жомий ва Навоий, Рафаэл ва Леонардо да Винчи, Сервантес ва Шекспир, Пушкин ва Толстой, Лу Синь ва Рабиндранат Тагорларнинг номи каби мангу барҳаётдир. Фирдавсий “Шоҳнома” эпопеяси билан Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг кўп асрлик қадимги маънавий маданияти тараққиётига маданий сўз санъатига, ҳамда бадий адабиётнинг такомиллашишида, қаҳрамонлик эпосида янги давр бошлаб берди. Халқ оғзаки адабиётининг қадимий ва бой ёдгорликларидан ёзма манбалардан ижодий фойдаланган Фирдавсий Шоҳномадаги қаҳрамонлик қисматларида Рустам, Кова, Зол, Наримон, Сухроб, Сиёвуш, Исфандиёр, Гударз, Бижон ва Манижа каби образларда халқнинг ватанпарварлик, қаҳрамонлик, фидокорлик, дўстлик,

мушфиклик, донишмандлик ва ижодкорлик каби олийжаноб фазилатларини юксак санъаткорлик билан бадий мужассамлаштиради. У халқнинг бахт – саодатини, осойишталиги ва фаровонлигини орзу қилади, феодал муҳитнинг бир қатор иллатларини фош этади. Бироқ, Фирдавсий ўз даврининг фарзанди эди, у феодал муҳитнинг зиддиятлари билан бирга яшади, бу зиддиятлар унинг дунёқарашида, бадий ижодиётида “Шоҳнома” эпосида ўз ифодасини топди.

Ўтмишнинг жуда кўп маданият арбоблари, мутафаккирлари каби Фирдавсийнинг ҳаёт ва ижодий фаолияти ҳам фожиалидир. Феодал муҳитнинг реакцион доиралари, руҳонийлар ва мустабид ҳукмронлари бу улуғ сўз санъаткорларини таъқиб ва таҳдид остига олдилар. Жоҳил султон Маҳмуд Ғазнавий “Шоҳномани” тақдирламади, ўттиз-ўттиз бш йил заҳмат чекиб жаҳон адабиётининг ўчмас обидасини яратган муйсафидни қувғин қилди. Бироқ султон Маҳмудлар янглишди. Улар улуғ санъаткор номини йўқотишга, адабий даҳосини барбод қилишга ожизлик қилдилар. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си тарихнинг минг йиллик синовидан ўтди. “Шоҳнома” замонларга, авлодларга ҳамроҳ бўлди, китобхонларнинг қалбидан жой олди. Кўп асрларни ва даврларни кечиб ўтди. Фирдавсий мероси ниҳоят бизнинг улуг заминимизга етиб келди. Гарчи, “Шоҳнома” даги бир қатор масала ғоялар ўз умрини тугатган ҳамда ўтмишга айланиб кетган бўлса-да, “Шоҳнома” адабиётнинг нодир ва улкан бир ёдгори сифатидаги қимматини, умумбашарий хусусиятларини ва эстетик самимиятини сақлаб келмоқда. Ўтмиш маданият арбоблари ва уларнинг меросларини кадрловчи кишилари – инсониятнинг идеали бўлган демократик жамиятнинг қудратли бинокорлари учун Фирдавсий севиқли ва ҳурматга сазовор бир санъаткордир.

Фирдавсий ўзбек халқига яқиндан таниш ва манзур бўлган адибдир. Ўзбек халқи уни ўз классик шоирлари каби севади, ҳурмат қилади. Шоҳномахонлик ўзбек халқи орасида кенг тарқалган кўп асрлик тарихга эга

бўлган адабий – маданий урф одатдир. “Шоҳнома” ўзбек китобхонларига аслича ва ўзбек тилига қилинган насрий таржима орқали танишдир. “Шоҳнома” қаҳрамонлари ўзбек халқининг сўз санъатидан кенг ўрин олиб, қайта ишлангандир. Фирдавсий устоз сўз санъаткори сифатида Навоий бошқа ўзбек классик ёзувчиларининг юксак баҳосига сазовор бўлган. Фирдавсий Шоҳноманинг хотимасида бундай деган эди:

Бинохон обод гардад хароб,
Зи борону аз тобиши офтоб.
Паяфкандам аз назм кохе баланд,
Ки аз боду барон наёбад газан.
Намирам аз ин пас, ки ман зиндаям
Ки тухми суханро парокандаам.

"Обод бинолар ёмғирдан, қуёш нуридан хароб бўлиб кетади. Бироқ, мен шеърдан юксак бир қаср яратдимки, у шамолдан ҳам ёмғирдан ҳам зарар кўрмайди. Бундан кейин мен асло ўлмайман, чунки сўзнинг уруғини сепганман". Ҳа Фирдавсий янглишмади. Унинг юксак қасри - махташам шеърий ҳайкали “Шоҳнома” минг йилдан бери яшаб келмоқда, даврлар ва авлодларга манзур бўлмоқда. Халкимиз жаҳон маданияти хазинасининг аъло инжунларидан бўлган “Шоҳнома” ва унинг муаллифини жуда қадрлайдилар

УНСУРИЛМАОЛИЙ КАЙКОВУС

"Қобуснома"

Эътироф этмоқ зарурки, қадимги аждодлар, хусусан, тақводор, ҳукмдор (подшоҳлар) ва буюк донишмандлар (фалсафа, табобат, адабиёт маънавият, ислом дини пешволари, ҳадислар илмининг фидойилари) таълим – тарбия ахлоқ – одоб, ҳурмат адолат касб – ҳунар, меҳнат ва улар билан алоқадор фаолиятлар (ақлий ва жисмоний тарбия) ҳақида ўз асарларида кенг ёритганлар. Уларнинг таъбирлари илмий-назарий фаразлари, мулоҳазалари ҳозирги давр замонавий таълим мазмунига сингдириб борилмоқда. Бу ўринда буюк донишманд Кайковуснинг “Қобуснома” асари ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқдир. Муаллиф ҳақида бир неча сўз.

Унсурулмаолий Кайковус Каспий денгизининг жанубий қирғоғида яшаган ғилон қабиласидандур. У 412-ҳижрий, 1021-1022-милодий йилида майда феодал оиласида туғилди ва “Қобуснома”ни 475-ҳижрий, 1082-1083 милодий йилида яратди. Бу ҳақида Кайковус ўз асарида: "Сана 475 да бошладим", - деб маълумот беради. Бу даврда Кайковус 63 ёшда бўлиб, анчагина кексайиб қолган эди, у ўғлига: “Писарам, мана пир шудам”- деб ўзининг қариганлигини айтади ва ўз асари “Қобуснома”ни ўғлига бағишлайди. Кайковус ўзининг ҳаётий тажрибалари билан ўғли Гилоншоҳни тарбиялашни истади ва панд насихатларни ўғли учун энг қимматбаҳо мерос деб таъкидлайди. Кайковуснинг “Қобуснома”сини биринчи марта Огаҳий форсчадан ўзбек тилига таржима қилган, уни адабиётшунос олим С. Долимов қайта ишлаб нашрга тайёрлаган.

Кайковуснинг бобоси Қобус Смонийлар сулоласида (IX-XI асрлар) хизмат қилган, Табаристон ҳукмдори бўлиб, ўта золим бўлган, яъни арзимаган айби учун жазолайверган. Бу тўғрисида замондоши бўлган олимлар, билимдонлар анча асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида Шамсул-

маолий Қобус ўз замонасида ҳамма билимларни эгаллайди. Шу даврнинг буюк олими Абу Райхон Беруний Қобуснинг ҳузуруда Журжонда яшади ва Қобуснинг саройида ката ҳурматга сазовор бўлди. Қобуснинг набираси Кайковус ҳам ўз замонасининг анча маълумотли зиёлиси эди. У қадимги шоҳлар, ҳукмдорлар, феодал давридаги бошқарувчилик, жамият тараққиёти, илм-фан ва маданият соҳаларини чуқур ўрганиб таҳлил қилади ва “Қобуснома”ни яратади. Эътиборли томони шундаки, “Қобуснома” асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган хоразмлик шоир Огаҳийдир. Маълумки, Огаҳий XIX асрда яшаб ижод этган, унинг асарлари эски ўзбек тилида яратилган. Табиийки, “Қобуснома” таржимаси ҳам форс-тожик тили билан аралаш равишда эски ўзбек тилида юзага келган.

“Қобуснома”даги таълим-тарбияга мансуб бўлган энг муҳим йўналишлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш давр тақозо этаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Уларни фақат таълим-тарбия жараёнидагина эмас, балки ҳар бир оилада хусусан, ёшларнинг мустақил фикр доираларига (компьютер-интернет, мобиль телефонлар, телевизор, ташқи муҳит-мулоқотлар ва ҳ.к. орқали) сингдириш, барқарорлаштириш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорида “...илмий, ўқув ва ўқув-методик адабиётлар ўқув дастурлари мониторингини олиб бориш ушбу соҳада илмий-тадқиқот, ўқув-методик ишларнинг сифатини яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” лозимлиги қайд этилган.

Маскур масалада таълим-тарбия жараёнининг салоҳияти, устуворлигини ошириш, замонавий таълим мазмунларини Қадимги Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари маданиятида эътиборга молик бўлган

адабий- тарихий, педагогик манбаалар билан тўлдириш, уларни янада бойитиб бориш асосида ўқувчи ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолотини таъминлаш, уларни ҳаёт, меҳнат, турмушга сафарбар этиш ҳар куннинг мавзуси, мазмуни ҳамда вазифаси бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, “Қобуснома”⁴⁴-бобдан иборат бўлиб, унинг илк тўрт боби диний масалаларга қаратилган. Қолган боблари эса таълим-тарбия жараёнларини ўз ичига олади.

Хусусан:

-Эй фарзанд, ...ақл юзасидан билгилки, ота-онанинг иззат ва ҳурматини бўйинга олиш лозимдир, чунки фарзанднинг асл асли ота-онадир, нима учун ота-онамни ҳурмат қиламан деб кўнглингга келтирма. Билгил, сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадилар... . Агар фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳри-муҳаббатини адо қилишдан бош тортмайди. Кайковуснинг ҳаётий тажрибалари, илм салоҳиятининг ўта баландлиги ушбу сатрларда абадий мазмун топганлигидан далолатдир. Инсоният борки, ота-она ва фарзандлар ҳаёти, амалий фаолияти, зийнати, ақл-заковати мужассам равишда янги анъаналар, маданий тадбирлар, муҳими эса таълим-тарбия жараёнларида шаклланиб, ривож топади.

“Ота – онани ҳурмат қилиш ҳақида”

Эй фарзанд, ота- онанинг кўнглини ранжитма, уларнинг қалбини азоблама. Сен ота – онанинг ҳаққига дин нуқтаи – назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл ва мурувват нуқтаи назаридан риоя қил. Бу ўғитда ҳар бир инсон, айниқса ёшларнинг ақл жиҳатдан устунроқ бўлиши, ота – онанинг меҳнат, эътибори ҳамда меҳрига жавоб бериши, сарфлаган вақтлари, моддий таъминотлари эвазига раҳмдиллик, саҳийлик, мурувват кўрсатиши билан келажақда беминнат ҳизмат қилиши талқин этилаётганини билиш мушқил эмас. Бу борада ҳозирги даврда содир бўлаётган баъзи бир фарзандларнинг ўз ота ёки онасини эъзозлаб уларга меҳрибонлик қилиш ўрнига уларни

“Мурувват уйлари”га олиб бориб кўйганлари ёки оила шароитида тўла гамхўрликнинг йўқлиги каби ҳодисаларга дуч келиниши сир эмас.

Бу каби ноинсоний ҳислатларнинг оқибатларини ўйлаш ва инсоний яхши фазилатларни болаларда шакллантиришда оила ва таълим муассасалардаги тарбия жараёнларида “Қобуснома” ва одоб – ахлоқ соҳасидаги асарларни компьютер сайтлари, мобиль телефонларга жойлаштириб, лойиҳа – илова сифатида фойдаланишни юқори даражага кўтариш лозимдир. Ана шунда болаларнинг бадий – тарихий китобларни ўқишга қизиқиши, келажакда буюк инсон, қаҳрамон, саҳий – муруватли бўлишга интилишлари ортиши мумкин.

Ушбу асар таркибида яна бир муҳим фазилат ифода этилган, яъни молсизликдан қашшоқ бўлсанг ҳам, ақлдан бой бўлишга ҳаракат қил. Чуки мол билан бой бўлгандан, ақл билан бой бўлган яхшироқдир, ақл билан мол тўпласа бўлади, аммо мол билан ақл тўплаб бўлмайди.

Кайковуснинг даъватларидан яна бир ажралиб турувчи жиҳати шундаки, “Жоҳил тезда камбағаллашади, аммо билгилким, ақл бир қимматбаҳо нарса, уни ўғри олиб кета олмас, ўтда ёнмас, сувда оқмас” дейишида чуқур маъно ва ўткир мантиқ мужассам. Шу туфайли, “Агар ақлинг бўлса, ҳунар ўрган, чунки ҳунарсиз ақл либоссиз тан, ёки афти йўқ одамдир, билим – ақл сиймосидир”, - дея донишмандликни изҳор этган.

Юқорида баён этилган ўғитлар, ҳикматлар ота – онага ҳурмат, ақл - идрокли бўлиш, билим – илм эгаллаш билан касб – ҳунарли бўлиш, бойликдан самарали фойдаланиш, эл–юртга саховатли бўлиш каби ҳислатлар ҳозирги замон таълимида чуқур ўрганилаётганлиги эътиборга моликдир. Аммо уларни барча ёшлар чуқур ўрганиб, ҳаёт, турмушда тадбиқ этмоқда, деб бўлмайди. Буларнинг ўзига хос у ёки бу сабабларини инкор этиш мумкин эмас.

Аммо юртимизда мактабгача таълим ва барча турдаги ўқув муассасалари, оила ва маҳаллаларда таълим - тарбия соҳаси бўйича ўзаро ҳамкорликдаги тарбиявий, маданий тадбирларда ислом маданияти мазмуни, унинг талаблари ва моҳиятида бадий – тарихий, педагогик, психологик, жисмоний тарбия каби соҳалар бўйича таълимни замонавийлаштиришни давр тақозо этмоқда.

Бошида зикр этилганидек, “Қобуснома”да ҳаёт, турмуш, давлатни бошқариш, хусусан, таълим – тарбияга доир ўғитлар кўп (44-боб). Улар қисқа, аниқ ва муайян мақсадга қаратилиши билан диққат – эътиборни жалб этади. Шу боиски, асарда асосан, таълим–тарбия, шахснинг улуғлиги билан боғлиқ жараёнларга алоҳида урғу берилади.

Хунарнинг афзаллиги ва қадри баланд, олий табиатли бўлиши ҳақида.

“Эй фарзанд, огоҳ бўлким, хунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди, ҳудди танаси бор – у, сояси йўқ тиканли муғилонга (ўсимлик) ўхшайди, ўзига ҳам, ўзгага ҳам фойдаси тегмайди. Агар киши олий насаб, ақс бўлса–ю, хунарли бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлади”, -деган хулосаси Кайковуснинг жамиятда бефойда яшаётган ва дангаса ёшларга тегишли васиятидир. Гўё бу мулоҳазалар бизнинг ҳозирги замондаги баъзи ишқмаслар, хунар эгаллашдан қочган ёшларга айтилаётгандек. Касб–хунар, билим эгаллашга интилмай, текинхўрликка ботиб қолган (ота – она бисоти, товламачилик оғриликдан йиққан мол – мулкига таяниб яшаш ва ҳ.к) баъзи бир нусхалар бу каби панд – насихатларни пухта ўрганиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришни билишлари керак.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида, айниқса сўнги йилларида мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислохотлар, Республика раҳбарияти кўрилаётган жиддий тадбир–чоралар ёшларнинг касб – хунар эгаллашларини давлат сиёсатининг устувор масалаларига айлантирмоқда.

“Қобуснома”да инсонлар, хусусан ёшларга ибрат сифатида баён этилган жиҳатлар орасида ёшларнинг хилма – хил касб эгаси бўлишини, хилма – хил ҳунар ўрганишини, яъни у халққа ҳунар ва касбни, ҳарбий кишига ҳарбий илмларни, сувда сузишни билиши, от минишни, чавгон уришни, кадам ташлашни ўрганиши лозимлигини тавсия этиши ёшларнинг ҳар томонлама жисмоний баркамол бўлишига даъват этади. Бу йулда эса билимни ўрганмоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасалиқдан қутқаришнинг фойдалилиги таъкидланади. Дангасалиқ, ишёқмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. “Агар меҳнат қилиб баданни ўзингга бўйсундирмасанг, соғлом ва баланд мартабали бўла олмайсан, чунки бадан ҳаракатсизликни, роҳатни дўст тутганлиги сабабли, ўз ихтиёри билан сенга бўйсунмайди, ўзидан – ўзи ҳаракат қилмайди, у ҳаракатни фармон билан қилади ва сен буюрмагунча, баданнинг ҳеч ишга рағбати бўлмайди”, - деган ҳикматлари ёшларнинг маънавий ва жисмоний тарбиясини уйғунликда амалга ошириш зарурлигини исботлайди.

Дўст танлаш ҳақида.

Ҳаёт ва турмушда инсонлар, айниқса ёшлар орасида бир – бири билан аҳил, яқин дўст бўлиб яшаш, меҳнат қилиш, таълимда сабоқ олиш муҳим аҳамият касб этувчи ижтимоий – тарбиявий ва маданият маҳсулидир.

“Қобуснома”да “Эй фарзанд, билгилким, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағусидир. Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил, чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошқора бўлмайди, фазилати кўпаяди. Янги дўст топганингда, эски дўстдан кечмагил, улардан юз ўгирмагил, токи дўстинг кўп бўлсин. ... Дўстларнинг дўстлари ҳам дўстларингдир. Дўстинг душманингни яхши кўрса, ундай дўстдан эҳтиёт бўл, агар сенинг дўстингга бошқа бир дўстинг душман бўлса, ундан ҳам эҳтиёт бўл. ... Яхши ёмон одамни билгил, икковига ҳам дўстлик қилгил. Яхшиларга кўнгил билан, ёмонларга тил билан дўстлик қилгил. ... Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагилки, ақлсиз

дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. ...Дўстим деб барчасига умид билан кўнгил боғламагил.

... Дўстликни мўл – кўлчилик, сир айтиш, таом ва тангдастлик билан, фойда ва зиён билан синаб кўр. ... Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қолса, уни яна қайтадан кўнглини олишга ҳаракат қилмагил”, - дейилади.

Дўстлик ҳақида айтилган ҳикматлар ҳозирги замон кишиларнинг феъл – атворлари, ўзаро муносабатлари, айниқса ўқувчи ва талаба ёшларнинг биргаликда таълим олиши, футбол ўйнаши, қизлар билан фикир алмашиши, мобиль телефонлар орқали мулоқотлар қилиши ва кўп жабҳаларда намоён бўлиши Кайковуснинг буюк донишмандлиги, яъни ўз давридаги воқеликларни тўғри баҳолаши, узоқ келажакни кўра билишлигидан даракдир.

“Қобуснома” асарининг ҳозирги замон талаблари, замонавий таълимдаги одоб–ахлоқ йўналишидаги маънавий ва жисмоний баркамолликни тарбиялашда педагогик – психологик ва бадиий – тарихий жиҳатдан муҳим ўринга эга деб айтишга асослар мавжуд.¹

АЛИШЕР НАВОИЙ

"СОҚИЙНОМА"

Алишер Навоий ўзбек шеърятига соқийнома жанрини олиб кирган шеърини беъжиз «Соқий. Тут қадаҳи шоҳона...» деб бошламайди. Шоир фикрлар занжирини олиб бориб шоҳ ва шоҳлик масаласига «улайди». Кўп ўтмай «Шоҳ ана шу қадаҳни ичиб, тагидаги қуйқасини менга берса-ю, мен мастона ҳолда унга бир неча сўз арз этсам”,- дейди. Навоийнинг замон шоҳи – Ҳусайн Бойқарога айтган сўзлари ҳам моҳиятан Каллисфеникидан, у тилга олган «Илиада» даги мисрадан фарқ қилмайди. Ортса- ортадики, кам эмас. Навоий –жуда зукко ва оқил зот. У шоҳга айтар сўзларининг хатосини «мастона» ликка тўнкайди. Ҳолбуки, Каллисфен каби у ҳам замонаси шоҳига

фалакнинг бевафолиги, унинг ҳаракатида муайян қонун бўлмаслиги, умр билан давлатга эса бақо йўқлигидан сўз очади:

Кўрки, ҳар шаҳки юруб олиб жаҳон,
Борча бордимۇ қаро ерда ниҳон.
Ҳам Қаюмас ила Ҳушанг қани?!
Иккита тож ила авранг қани?!
Қани Жамшиду Фаридун, ахир,
Бирини қўйдиму гардун, охир?!
Не Каёний бор-у. не – Сасоний,
Не Скандар доғи не Ашконий!
Қолмади Рустам ила Сом доғи
Яздижурд ўтти-ю, Баҳром доғи.
Қани хонлар хони Чингизхон,
Ўқдой қаники, эрди қоон?!

Қаюмарсу Ҳушанг, Жамшиду Фаридун, Каёнию Сасоний, Искандару Ашконий, Рустаму Сом, Яздижурду Баҳром, Чингиз-хону Ўқтойдек дунёни зир титратганлар ҳам ўтиб кетгани тилга олиндимиз, ахир. Ҳусайн Бойқаронинг бевосита бобларидан бўлмиш кимсан Амир Темур соҳибқирон бу қатордан тушиб қолмаса керак! Лекин... Навоий Ҳусайн Мирзога шундай улуғ бобосининг ҳам ўтиб кетганини айта олармикан?! Айтади:

Қани Темур – шаҳи исломпаноҳ-

Ки жаҳон олди, чекиб хайли сипоҳ?!

Жадду обо санга авлоди қани?!

Оға ини санга аҳволи қани?!

Чунки Навоий Каллисфен эмас! У –доно. Унинг ўз шаҳаншоҳига айтар сўзида ғараз йўқ, дўстона –хайрихоҳона насиҳат бор. Муддао –

хукмдорга на шоҳу, на гадога бақо қилмайдиган ўтар дунёда Тангри
ёдини унутмасликни, ҳамиша адолатпешаликни уқтириш:

Тенгри ёдини унутма бир дам,
Ўзни гайридин овутма бир дам.
Раҳматидин доғи бўлма новмид,
Газабидин доғи ваҳм эт жовид.
Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла.

“Соқийнома”нинг кейинги бир неча банди Ҳусайн Мирзонинг
ўғиллари-шаҳзодаларга бағишланади. Навоий лутфлар қилади, уларни
ўзларига ҳукм сураётган мулкларига мос ифодалар билан таърифлайди. Шу
тариқа улар кўнглига эзгулик уруғларини сочади. Уларда отага меҳр
ҳисларини кўзга кўради. Гап айланиб, яна Ҳусайн Бойқарога мурожаат этмоққа
кўчади:

Англадин шоҳлик аҳволини ҳам,
Курагон тахтию иқболини ҳам.

Кўрагон тахти эса Амир Темур тахти дегани. Бу тахт, чиндан ҳам,
Ҳусайн Бойқаро даврида иқболга юз тутган эди. Бироқ зимдан ана шу
иқболга путур етказилаётган, темурийлар салтанатининг истиқболи
кўринмаётган эди. Буни Навоийдек зукко зот сезмаслиги мумкин эмас эди.
“Соқийнома” нинг шаҳзодаларга мурожаатлар қилинган бандларида буни
яққол кўрамиз. Шоир салтанату сулола шону шавкатини улуғлаш орқали
темурий шаҳзодаларни ана шундай буюк насл – насабга муносиб чорлайди.
Улардан бирига қарата “Ким аё турт улуска ворис, Фахр этиб зотинга руҳи
Ёфас” дейди. Ёфас – Нуҳ пайғамбарнинг ўғли. Навоий туркий халқлар ана
шу Ёфасдан тарқаган, деган ривоятга ишора қилапти. Иккинчи бир
шаҳзодага насихатида темурийлар сулоласини Одам Атога элтиб боғлайди:

Шаҳлиғ Одамғача зотингға насаб,

Одам авлодида йўқ сенга ҳасаб.

“Соқийнома” нинг бу бандлари гўё буюк шоирнинг илоҳиёна бир башорат билан темурийлар салтанати айнан ана шу шаҳзодалар ўртасидаги тож – тахт талашувлари оқибатида заифлашиб, ўзаро бириколмай, шайбонийларга мағлуб бўлажагини сезгандай, шунинг олдини олишга чорловдай битилган.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг 14-мақолати инсон ҳаётининг ўткинчилиги, қисқа умрни фисқу фасод, макру хийла билан ўтқаришнинг нотўғрилиги, ўлимнинг барҳақлиги, кўп ҳам мол дунёга ўч бўлмаслик ҳақидадир. Унда не-не шоҳу- шаҳаншоҳлар ҳам бу оламни тарк этганлари таъсирчан сатрларда иншо этилади:

Даҳрда ул ҳайлки, шоҳ эрдилар,

Додгару мулкпаноҳ эрдилар.

Бирни қатл айламайин қўйдиму?!

Зору залил айламайин қўйдиму?!

Кўрки, каён борди Фаридун Жам,

Айражу Ҳушанг ила Заҳҳоқ ҳам!

Салму Манчеҳр ила Навзар қани?!

Баҳману Дорову Скандар қани?!

Албатта, бу доврўғи оламни тутган соҳиби тахтлар ичида Чингизхон билан Темур Кўрагон бор:

Қони жаҳон довари Чингизхон?!

Қони жаҳон хони Темур Кўрагон?!

Шоирнинг бу мулоҳазаларидан кейин айтадиган хулосаси ҳам тайин – дунёки бебақо, яъни ўткинчи экан, давлатингдан, бахту иқболингдан кўп ҳам шод бўлаверма, чарх сен тугул, не-не зўрларга ҳам вафо қилмайди:

Бирга вафо айламади чархи дун,

Кимники чекти, яна қилди забун.

Давлату иқбол била бўлма шод,

Меҳрига ҳам айламагил эътимод.

Абадий – бадий, фалсафий – тасаввуфий маъно – моҳиятларинини бир чеккага суриб қўйиб, «Хамса» ни шоир яшаган даврдаги темурийлар салтанати муаммолари таҳлил этилган, ҳукмдорларни аниқроғи, Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларини огоҳликка ундаш, кўзни очишга чорлаш, ҳис этаётган хавф – хатар, зимдан бостириб келаётган таназзул ҳақида олдиндан башоратлар қилиш, шу тариқа бу инқирознинг олдини олишга даъватнома деб ҳисоблаш мумкин.

Бу ўринда Абулфаворис Шох Ғариб Баҳодирнинг кимлиги, нега айнан шу дostonда бу шаҳзода танлангани ҳақида баҳс очсак, гап чўзилиб кетади. Бизни шоир подшоҳнинг балоғат айвонида от чиқарган бу ўғлига айнан нима дегани қизиқтиради. Чунки: Навоий асарларидан ҳамиша ва ҳар гал бугуннинг гапини топаверасиз. Сабаби – у ҳамиша ўз замонасининг олди фикрини айтган. Бир замонда долзарб бўлган масала аксаран бошқа давр учун аҳамият касб этади. Бу хулоса кишини оқар сувдек, ҳатто унданда тез ўтиб бораётган умрига, ҳатти-ҳаракатига очик кўз билан боқишга ундайди. Дунёнинг фонийлигини обдон англаган, дилдан ҳис этган одам эса ёмонликдан тийилади.

"ИСКАНДАРНОМА"

"Хирадномайи Искандарий" бошланишида шуни айтиш лозимки, идеал давлат барпо қилиш, адолатли ва маърифатли ҳукмдор тўғрисидаги ғоялар инсониятни қадимдан қизиқтириб келганлиги фольклор асарлари, тарихий манбалар, ўтмишнинг улуғ донишмандлари асарларидан, мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларидан маълум. Ушбу масала

Озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Иқболнома» Хисрав Деҳлавийнинг «Хамса», Абдурахмон Жомийнинг " Хафт авранг" асарлар мажмуасига кирган «Хирадномайи Искандарий» достонида ўз ифодасини топган. Ҳазрат Навоий ўз салафлари изидан бориб, ўзи орзу қилган идеал жамият манзараси ва одил шоҳ образини тасвирлар экан, биринчи ўринда ўзи яшаб турган ижтимоий муҳит ва тарихий шарт – шароитдан келиб чиқади.

Навоий ўзи орзу қилган мукаммал давлат тизимини «Садди Искандарий» достонида Искандар тимсоли орқали ифодалайди. Асар билан танишар эканмиз, идеал жамият ва давлат уларнинг тепасида турган давлат бошлиги , подшоҳсиз барпо бўлмаслиги тўғрисидаги фикр ётганига амин бўламиз. Шоир мусулмон Шарқдаги давлат тизимини тасвирлар экан, подшоҳ тимсолига мўъмин – мусулмонни эмас, қадимги юнон босқинчиси македониялик Александирни танлайди. Тарихнинг шоҳидлик беришича, Искандар дунёнинг кўп мамлакатларини запт этади, халқни аямай қиради, уларга зулм ўтказди, адолатсизлик қилади. Навоий, Жомий ва улардан олдин ўтган шоирлар ўз асарларида Искандарни бош қаҳрамон сифатида танлаганликлари сабабини рус шарқшуноси Е.Э.Бертельс тушунтириб берган эди. Олимнинг таъкидлашича, Искандарнинг юришлари, босиб олган мамлакат халқларига зулм ўтказганлиги, маданий бойликларини йўқ қилганлиги, талон-тарож билан шуғулланганлиги, Шарқ халқлари учун номаълум эди. Шунинг учун улар ҳақиқий Искандарнинг қабих ишларига аҳамият бермаганлар. Алишер Навоий тасвирлаган Искандар тимсоли тарихий шахс бўлмасдан, бадиий образдир.

Улуғ мутафаккир Искандар тимсоли орқали ўзининг мукаммал жамият ва одил подшоҳ тўғрисидаги фикр – ўйлари ва орзу умидларини баён қилади. Юнон подшоси Файлакус фарзанди Искандарни акилли ,илм -фан сирларини эгаллашини орзу қилиб, донишманд, фаласуф Арастуга тарбия қилиш учун топширади.

Киши йўқ ичра монанд анга,
Арастуйи фарзона фарзанд анга.
Чу тадбир ила дафъи офот этиб,
Анинг ройидин шаҳ мубоҳот этиб.
Бори илм аро, ўйла, соҳиб камол,
Ки комил анингдек топилмоқ маҳол.
Скандарни доноға топширди чувт,
Ки донишнинг авроқин этгай дуруст.
Ўзига шараф билди доно муни,
Ки ул воқиф эрди валодат куни.

Арасту юлдуз-у сайёраларга қараб Искандарнинг иқболи, келажagini башорат қилади. У Искандарни келажакда доно ва одил подшоҳ бўлиб етишишини айтади. Ҳазрат Навоийнинг тасвирлашича Искандар жуда ҳам қобилиятли шогирд бўлиб, билим сирларини тезда ўзлаштириб олади. У айниқса уруш олиб бориш санъатини, отда ва пиёда ғанимлар билан уришишда бошқалардан моҳирлиги билан ажралиб туради. Булардан ташқари, у уруш пайтида тез қарорлар қабул қилиш, душманга қўққисдан хужум қилиш гурзи билан уришиш ва жангда керак буладиган жаговарлик қобилиятини эгаллаган мард, жасур ва комил инсон булиб етишади.

Навоийнинг устози Абдурахмон Жомий эса ўзининг “Хирадномайи Искандарий” достонида Искандар тимсолини яратар экан, Арасту унга кўпроқ ахлоқий фазилатлар, касб-хунар ва адолат қоидаларини эгаллашга ёрдам қилганини ҳамда илм – фан сирларидан сабоқ берганини ёзади:

Искандарнинг таъби хунарманд эди.
Дилида хунардан ғазна ганч эди
Ҳеч зое кетмади чеккан машаққат
Қўлига киритди бир олам ҳикмат.

Зийрак аҳли билан дўстларидан ҳам

Ҳар соҳада ўзиб кетарди илдам.

Раҳбарлик ва ёрдам айлагач устод,

Жуда кўп нарсани фаҳми этди ёд.

Дилидан нодонлик кетиб бир йўла,

Табиий билимдан ясанди тўла.

Йиртилди табиат юзидан ниқоб.

Аён бўлди унга барча соғ-нотоб.

Синчиклаб қадимий фалак гардишин,

Тушунди адолат, назокат ишин

Шундай қилиб, мавлоно Жомий ва хазрат Навоий Искандарни ёшлигидан комиллик сари интилганини, Аллоҳ ато этган туғма қобилияти туфайли олам сирларини тезда фаҳм этгани, билим ва касб-хунарни эгаллаб комил инсон бўлиб етишганини, ҳарбий ишларни ўзлаштириб, моҳир саркада бўлганлигини тасвирлайди. **Инсонни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиш масаласи қадимдан шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг диққат марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кутарганлар, уни тирик мавжудодлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар. Мозийда яшаб утган мутафаккирларнинг инсон ва унинг яшашдан мақсади, озод ва обод Ватан, мукаммал жамият, одил ва маърифатли шох комил ва етук инсонни тарбиялаш ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозиргача уз кадрини йукотмасдан, инсониятга хизмат қилмоқда.**

ҚОБУСНОМА (ПАРЧАЛАР)

Ота ва она ҳақини билмак зикрида

Эй фарзанд, билгинки, ақл юзасидан фарзандига ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдур, нединким унинг асли- ота ва онадур. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб кўнглингга келтурмагил, билгинки, улар сенинг учун ўлимга ҳам тайёр турадилар. Ҳар фарзанд оқил ва доно бўлса, ҳеч вақт ота-онанинг меҳр ҳақини адо қилмақдан холи бўлмағусидир.

... Ота-онага иззат ва ҳурматини қанча кўп қилсанг, уларнинг сенинг ҳақингдаги дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур. Зинҳор мерос олмоқ хирси била ота-онанг ўлимини тиламағилки, чунки ота-она ўлмай турсалар ҳам ризқинг етишаверади...

Ҳунар афзунлиги баланд қадр ва оилӣ таб бўлмоқ зикрида

Эй фарзанд огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф келтурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг (Тиканли ут) тани бордур аммо сояси йўқтур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига на ўзгага фойда берур.

... Агар киши ҳар қанчаки оилӣ насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур.

... Барча ҳунардан сўз ҳунари яхшироқдур, нединким, ... ҳамма махлуқотдан одам яхшироқ яралади ва ўзга жониворлардан одам ўн даражада зиёдадир... Беши ташида зохирдур, беши ичида пинҳондур. Ул пинҳон нарсалар: бири бир нарсани ёд олмоқ; бири ҳамиша эсда сақламоқ; бири хаёлга келтирмоқ; бири ғазаб ва шиддат билан ҳужум этиш, бири сўзлаш... Шуларни билғонингдан кейин тилингни яхши ҳунар била ўргатғил ва мулойим сўздан бошқа нарсани одат қилмағил.

... Мулойим сўзга бахил бўлмағил, халқ мулойим сўз эшитмаса, мол ва дунёга мағрур бўлур. ... Қаттиқ сўз демағил, яхши сўз деғил, токи яхши сўз эшитгайсан.

Фарзанд парвариш қилмоқ зикрида

Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анча яхши от кўйгил, нединким отадан фарзанд ҳақларидан бири, унга яхши от кўймоқдур. Яна бири улдурким, Фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топшургайсан. Суннат қилур вақтида суннат қилгайсан, қудратингга лойиқ тўй ва томоша қилгайсан ҳамда ўқишни ўргатгайсан. Улуғроқ бўлгондан сўнг тобе ҳақ бўлсанг, унга ҳунар ва касб ўргатгайсан...

... Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмоқни мерос деб билгил. Агар сен хоҳ унга адаб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур. ...

Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ зикрида

Киши сухандон, сухангўй...(нотик) бўлиши керак. Аммо эй фарзанд сен сухангўй бўлгил ва лекин дурўғгўй (ёлғончи) бўлмагил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонгил, токим бирор зарурат юзидан ёлғон сўз айтсанг қабул қилгайлар. Ҳар сўз десанг ҳам рост дегил ва лекин ёлғонга ўхшагон демагилким, ростга ўхшаган дуруғ дуруғга ўхшаган ростдан яхшидур; ул дуруғ махбул бўлур, аммо ул рост махбул бўлмас.

... Ҳар бир сўзни андиша билан бошлагил, токи айтгон сўзингдан пушаймон бўлмагайсан; андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматидур. Ҳар сўзни эшитишдан дилтанг бўлмагил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшитгил, то юзингга сўз эшиги бекилмасун ва фойдаси фавт (йўқотиш) бўлмасин.

Совуқ сўзлик болмагил. Совуқ сўз бир тухумдир, ундай душманлик ҳосил бўлур... Дебдурларки, хомушлиқ, саломатлик сабабидур, чунки, кўп сўзловчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар.

Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар. Ҳар кеча пок, порсо (художўй), равиш (йўл) бўлсанг ҳам, ўзингни таъриф қилмагилки, ҳеч киши сенинг гувоҳлигингни эшитмас. Қўшиш қилким, ҳалойиқ сени таъриф қилсинлар ва шундоғ сўз дегилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун.

Эй фарзанд, ўзингни мол жам этмақдан ғофил тутмағил ва ҳар нарсани этмақ тиласанг жаҳд қилғил, токи ҳалоллик билан жам бўлсун ва ҳамиша сенга боқий ҳамда ёқимли бўлсун. Бироқ мол ҳар қанча азиз бўлса ҳам, дўстлардин дариг тутмағил. Ҳар ҳолда молни гўрингга олиб бормайсан.

... Ҳар нарса қўлингга тушса: бир тангадан икки ҳиссани ўз оиллангга харж этгил, бир ҳиссани қарилиғ ва ожизлиғ вақтининг зарурий ишларига эҳтиёт қилиб қўйғил.

... Фарзандинга ҳунар ва фазл ўрганмақда тақсир қилмағил ва ҳар илмни ўргатувда муаллимлар таълим учун урсалар, сен шавқат кўргузгил, майли урсинлар, нединким ёш ўғлон илим ва адабни таёқ била ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмағил, муаллимларнинг таёқи била кўрқитгил. Болаларга муаллимлар адаб берсинлар, токи сендан ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Аммо унинг кўзига ўзингни ҳайбатлиқ кўргузгил, то сени хор тутмасин ва ҳамиша сендан қўрқиб юрсин.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмағил. Ақлсиз дўст ва ақлли душмандан ёмонроқдир, чунки ақлсиз дўст шундоқ иш қилурки, ақлли душман уни қила олмас... Мурувватлиғ, илмлиғ ва вафолиғ кишиларни дўст тутгилки, то сен ҳам ул фазилатлар билан янада машҳур бўлғайсан.

... Илмнинг сифати уч важҳдандур: ё бир пеша била боғланган илм; илим била боғлиқ, пеша: хайр ва далолатга тааллуқли одат.

... Илимни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил... кеч ётғил ва эрта турғил, китоб ва дарсга харис (берилган) бўлғил, ишдан мадул (ғамгин) бўлмағил, хифс (ёдлаш) ётғил, такрор қилғил, тақлидга рози бўлмағил, китоб, қалам, қаламтарош ва бунга ўхшаш нарсаларни ҳамиша ёнингда сақлағил, булардин ўзга нарсани ёдингга алсо келтурмағил. Оз сўзлағил ва узоқни ўйлағил.

... Олим беамал бўлмағай. Илимни яхши ўрганғил. Билғон илимни яхши иборалар билан баён қилғил.

... Эй фарзанд, билғилки, барча ҳукмни китоб бўйича қилмаслар, ўз фикрлари билан ҳам ҳокум қилурлар ва бундоқ тадбирлар билан ҳам ишни билиб олурлар.

1. Шакиржанова К. Замоनावий таълим-тарбияда тарихий-бадий манбалардан фойдаланиш хусусида. (Кобуснома мисолида. Таълим, фан ва инновация. 2018, №3-49-54 бет.

Ануширавон пандларин ёд олмоқ зикрида

Эй фарзанд, Ануширавон деди: “Модомики, кеча ва кундуз келадурлар ва кетадурлар, барча ҳолларнинг тагайюри ва табаддулига таажжуб кўрғазмагил.”

Яна деди: “Халқ не важди бир бор пушаймон бўлгон ишдин яна пушаймон бўлур?”

Ва яна деди: “Кишининг тириклиги унинг муроди била бўлмаса, нечун ўзин тирик санағай?”

Яна деди: “Ҳунарсиз киши била дўстлик қилмағил дединким бундай киши дўстлик ва душманликка лойиқ эрмасдур”.

Яна деди: “Ўзини доно санагон нодондин парҳез қилғил”.

Яна деди: “Тарчанд ҳар қанча талх бўлса ҳам, ҳақ сўзини айтғил.”

Яна деди: “Агар розимни душман билмасин десанг, дўстингга айтмағил.”

Яна деди: “Ҳар бандани сотарлар ва сотиб оларлар. Аммо ул банда нафс бандасидин оздроқ бўлғай.”

Яна деди: “Ҳар кишининг билими бўлсаю, аммо унга лойиқ ақли бўлмаса бу билим унга зарар етказгусидур.”

Яна деди: “Агар ҳар кишини турмуш устоди доно этмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиш учун ранж чекмасун, ранжи зое бўлур.”

Яна деди: “Нодондин барча нарсани сақламоқ осондур, худди нодондин ўз таннин сақлағондек”.

Яна деди: “Агар халқ сенинг ҳақингда язши сўз айтарин тиласанг, халқ ҳақида яхши сўз айтғил”.

Яна деди: “Агар халқ ҳақидан чеккан ранжинг зое бўлмаслигин тиласанг, ўзинг ҳақингдаги халқ чеккан ранжин зое қилмағил”.

Яна деди: “Агар ёр-у дўст бўлмоқни тиласанг сергиналик бўлмағил”.

Яна деди: “Агар ғамсиз бўлмоқ тиласанг, ҳасадлик бўлмағил”.

Яна деди: “Осон зиндагонлик сурмоқ сенга муяссар бўлса, ўз ютуғингни қўлдан бермағил”.

Яна деди: “Агар ранжишдан узоқ бўлишни истасанг, битмайдиғон иш учун уринмағил”.

Яна деди: “Агар сени девона демасунлар десанг, топилмас нарсани ахтармағил”

Яна деди: “Агар беобрў бўлмайин десанг, яхшилиқни касб қилғил”.

Яна деди: “Агар шармисор бўлмайин десанг, қилмағон ишингни қилдим дема”.

Яна деди: “Агар ўз сирингнинг очилишини истамасанг, бировнинг сирини фош қилмағил”.

Яна деди: “Агар юзимнинг пардаси йиртилмасин десанг, бировнинг юз пардасин йиртмағил”.

Яна деди: “Агар изимдин кулмасунлар десанг, зердастларга шавқатлиғ бўлғил”.

Яна деди: “Узоқ пушаймонлиқдин холис бўлмоқ тиласанг, кўнгили ҳавоси била иш қилмағил”.

Яна деди: “Агар зийраклардан бўлмоқ тиласанг, юзингни халқнинг кўзгусида кўрғил”.

Яна деди: “Агар кадрли бўлмоқ тиласанг, халқнинг кадрини билғил”.

Яна деди: “Агар халқ сенинг сўзинг бирла иш қилмоғин тиласанг, сен ўз сўзинг била иш қилғил”.

Яна деди: “Агар халойиқ орасида марғуб бўлмоқ тиласанг, пинҳон сўзингни ошкор қилмағил”.

Яна деди: “ Агар барча одамдин (юқори) бўлмоқ тиласанг, вафолиғ бўлғил”.

Яна деди: “ Агар айбсизлар қаторида бўлмоқликни тиласанг, таъмани кўнгулга келтирмағил”.

Яна деди: “Агар додгорлар зумрасидин бўлмоқ тиласанг, зердастларни итоатингда яхши тутғил”.

Яна деди: “Агар халойиқнинг ёмон сўзларидин йироқ бўлмоқ тиласанг, улардан зўрлиғ билан ҳеч нарса олмағил”.

Яна деди: “Агар халойиқнинг севимлиси бўлмоқ тиласанг, улардин ҳеч нимани аямағил”.

Яна деди: “Агар тилинг узун бўлмоғин тиласанг, қўлингни қисқа қилғил”.

Эй фарзанд, Ануширавон одилнинг сўзлари ва пандлари бу турур. Буларни ўқиғил ва уни хор тутмағил, нединким бу сўзлардин ҳам ҳикмат, ҳам салтанатнинг иси келур. Буларнинг барчасин йигитлик вақтида ўқиғил ва билғил. Аммо қарифондан сўнг пандин эшитмоққа хожат йўқтур, қарилар ҳар бобдин хабардор бўлурлар ва улар панд эшитмоқдан ожиз бўлурлар.

**II. Маънавий хаётимизда учмас из колдирган шоир ва
ёзувчиларнинг “Нома”лари Ўзбекистон тарихини урганишда,
тарихий манба сифатида.**

ШАРОФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ

Зафарнома

Шарофиддин Али Яздий темурийлар даврида ижод этган тарихчи, шоир, Шохруҳ ва унинг ўғли Ибриҳим Султон саройида яшаган. Бу тарихчи олим ҳам “Зафарнома” асарини ёзган. У Темур юришлари, ҳақида расмий маълумотлар, тарихий асарлар ва юришлар гувоҳи бўлган шахсларнинг ҳикояларига асосланиб 1419 – 1425 йиллари ёзилган. Асар муқаддимасида чигатойлар ва Марказий Осиёдаги темурийларгача бўлган давлат тарихи ҳақида сўз юритилади. Асосий қисмида эса, Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистоннинг XIV асрнинг охири – XV аср бошларидаги тарихий воқеалар ёритилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Меъморлар турли шаҳарлардан ҳам келтирилган. Масалан, Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида келтирилишича Боғи Шамол қасрини қуришга ироқлик ва форс усталари жалб қилинган. Самарқандда қурилган масжиди жуманинг қурилишида ҳам Форс, Озарбайжон ва Хиндистондан усталар маҳаллий усталар билан бирга иштирок этганла. “Марказий Мовароуннаҳр шаҳарларида маданий кадриятларни яратиш, шужумладан, архитектура ёдгорликлари қурилишда хоразмлик усталар ҳам сезиларли ҳисса қўшганлар. Шаҳрисабздаги Оксаройни хоразмлик меъморлар қурганини Абдураззоқ Самарқанди аниқ кўрсатган... Амир Темур давридан Бухорода сақланиб қолган якка-ю ягона ёдгорлик–Чашма-и Аюб мақбарасининг қурилишида (1379) шубҳасиз, хоразмлик усталарнинг

хизмати бўлган ¹. Меъморчиликнинг бу давридаги ноёб намуналари математика илми, геометрия, физика, география илмлари ҳам тараққий этганлигини кўрсатади. Темурийлар давридаги инсоният тарихида илм ва маданият тарқатишнинг сосий йўналишларидан бири бўлган қўлёзма китобат санъати ҳам ривожланган. Бу даврда кўплаб китоблар таълиф этилган бўлиб, улардан баъзилари бугунги кунда мамлакатимиз ва хориж кутубхоналарининг нодир китоблар бўлимида сақланади. Масалан, Миср Араб Республикаси кутубхоналарида бу даврга оид сақланаётган китоблар сони 979 тани ташкил этади². Шулар жумласига Муҳаммад Кардарий Баззозий Хоразмийнинг “Ал – жоме-ал-важиз” асарини киритиш мумкин. Мазкур асар Искандария кутубхонасининг Нодир китоблар махсус бўлимида Б 428/1608 рақами остида сақланади. Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарадиган кўпгина устахоналар, хатотлар, китобга безак берувчилар ишлаган. Китобларни безовчи усталар Суғд, Бактрия, Хоразм халқ амалий санъати, тасвирий санъати, бошқа санъатларнинг асрий анъаналарига таянганлар.

“Қиблат – ул-кутуб” / “Китобларнинг илғори” / лақаби билан машхур бўлган настаълиқ хатининг кашфиётчиси Мир Али Хатот олти турли хат асосида алоҳида хат турини яратган. Бу хатга “насхи таълиқ” номи берилган. Қўйлай бўлиши учун “настаълиқ” деб аталган. Мир Али Хатот 1368 – 1405 йиллари, Амир Темур даврида яшаб, ижод этган. Унинг шогирдларидан, мавлоно Жаъфар Шохруҳ Мирзо даврида моҳир хатот бўлган, Мир Абдулхай Абу Саид замонида яшаб ижод этган, ўз даврининг китобат санъати бўйича ном чиқарган китоби бўлган. Султон Али Машҳадий Ҳусайн Бойқаро даврида яшаб ижод этган, насталиқ хатида юқори поғонага кўтарилган.

¹.Маликов А. Хоразмлик усталарнинг Амир Темур даврида Самарқанднинг қурилишларида иштирокига доир. //Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни мавзуидаги халқаро конференция тезислари. – Т.:Ўзбекистон, 1996. Б – 85)

² Мубашир Тарозий. Қоҳира шаҳри кутубхоналарда сақланаётган Амир Темур ва темурийлар даврига оид қўлёзмалар библиографиясига оид // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни мавзуидаги халқаро конференция тезислари. – Т. Ўзбекистон. 1996. – Б. II /

Алишер Навоий ҳам унга ҳурмат билан муносабатда бўлган. Али Машҳадий кўплаб шогирдаларига таълим берган. У 1513 йил Машҳадда вафот этган.

Низомиддин Шомий ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида яшаб ижод этган тарихчи олим .У ҳам Амир Темур топшириги билан "Зафарнома" асарини ёзган. Олим Амир Темурнинг 804/1401-02 йилдан кейинги юришларида сарой тарихчиси сифатида унга хамроҳ булган.

"Зафарнома" асари XIV-XV асрлардаги Темур ва темурийлар даври, Марказий Осиё, Хиндистон, Хитой, Олтин Урда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ирок, Сурия, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатлар тарихини уз ичига олувчи кимматли манба булиб ҳисобланади.

НИЗОМУЛМУЛК

“СИЁСАТНОМА”

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий-Низомулмулк Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг “Сиёсатнома” (“ёки Сияр-ул мулк”) асари билан ўчмас из қолдирган.Абу Али Ҳасаннинг бобоси Байҳақ қишлоғининг энг нуфузли деҳқонларидан бўлиб тўрт нафар ўғилнинг отаси эди. Унинг ката ўғли Абулҳасан Али отаси вафотидан кейин Хуросон волийси Абулфазл саройига бориб хизматга киради. 1018 йили унинг оиласида Туснинг Родкон вилоятидаги Навгон қишлоғида Абу Али Ҳасан дунёга келади. У бошланғич таҳсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач Балхга бориб Али ибн Шодон хизматига киради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади. Дабирлик мансабидан салжуқийлар шоҳи Алпарслон (1063-1072 йиллар) саройида вазирлик мансабигача кўтарилади ва “Низомулмулк” яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан шуҳрат қозонади. Вазирлик даврида у қарийб давлатнинг бутун ишларини ўзи олиб боради.

Низомулмулк сарой ва давлатдаги шунчалик ката обрўсига қарамасдан хасадгўй, ғаразгўй кишилар ва мансабдорларнинг иғволаридан хавфсираб

яшарди. Ҳатто Алпарслоннинг ўзи ҳам вазирини рофизийликда айблаб унинг шофей мазхабида эмаслигидан афсусланарди. Шохнинг шундай муносабатини Низомулмулк ўз асаида таассуф билан эслаиди.

1072 йили Алпарслон ўлдирилганидан кейин Низомулмулк унинг ўғли, 17 ёшида тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) саройида вазирлик қилиб, бу шохнинг давлатига ҳам ката мадад бериб, мулкни бошқариб туради. Маликшоҳ уни ўз ҳомийси – Отабек деб атаган. Вазирлиги даврида у кўп олимлар ва машҳур кишиларга ҳомийлик қилиб, моддий ёрдам кўрсатди. Улуғ олим ва шоир Умар Ҳайём ҳам Низомулмулкнинг оқлини сиёсатидан баҳраманд бўлганлиги яхши маълум. Маликшоҳ ва унинг вазири Низомулмулк давлатида иқтисодий шароит яхшиланган даврда 30 ёшли Умар Ҳайём (1040-1123) таниқли астраном эди. Уни 1074 йили сосонийларнинг шамсий тақвими (календари) ни ислоҳ этиш учун тузилган гуруҳга раҳбарликка таклиф қилишади.

Маликшоҳ салжуқийлар империяси пойтахти бўлмиш Марвда ката обсерватория қурдиради. Саройда илмий маданий муҳит шаклланади. Бўлғуси буюк олим – Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) бу вақтда энди ижодга берилаётган, арабийнавис шоирлар Муизий, Тантароний, Туғрой кабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эди. Низомулмулк 1067 йили Бағдодда оламга машҳур "Низомийя" мадрасасини қурдирган Муҳаммад Ғаззолий ўз вақтида шу мадрасада дарс берган.

Низомулмулк ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлмиш Ҳасан Сабоҳни ҳам Маликшоҳ саройига жалб этади. Аммо кейинчалик у билан келиша олмай, уни сарой хизматидан четлатади. Улар орасида очик душманлик муносабати пайдо бўлади. Ҳасан Сабоҳ Мисрга бориб таҳсил олиб, исмоилия мазхабининг доиси - тарғиботчиси бўлиб қайтгач, куч билан Қазвин яқинидаги Аламут қалъасини босиб олади ва Маликшоҳ Салжуқий ва унинг вазирига қарши ҳаракатларни бошлаиди.

Бундан ташқари Маликшоҳ улимидан кейин унинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш бошланади. Низомулмулк Маликшоҳнинг катта ўғли Барқайриқнинг тахт учун курашувига мадад беради ва бу билан Маликшоҳнинг хотини Турконхотиннинг ашаддий душманига айланади. Давлат ишларига тасири жуда сезиларли бўлган Турконхотиннинг бевосита иштирокида Низомулмулк вазирликдан олиниб, ўрнига шу хотиннинг яқин кишиси Тожулмулк Абулғаноим бини Хусрав Феруз тайинланади.

Низомулмулк ҳар бир ғояни исботлаш учун муайян тарихий ва афсонавий шахслар, сулолалар ва салтанатлар тарихидан, ўтмишидан фойдаланиб, тегишли воқеалардан мисоллар келтиради. Давлат бошқаруви ва ҳукуматчиликка у 875-999 йилларда ҳукм сурган сомоний ҳамда ғазнавий султон ва шоҳларни намуна қилиб кўрсатади. Бу сулолаларнинг намояндаларини ниҳоятда улуғлаб, баъзан уларга хос бўлган фазилат ва яхши хислатларни, хулқ атворларни эъзозлаб, замона шоҳларида ҳам шундай сифатларни кўрмоқчи бўлади ва шу йўл билан уларга давлатни бошқариш борасида самимий маслаҳат қилади.

Низомулмулк замонасидаги салбий муносабатларни баъзан очиқчасига баён қилади, лекин оқил инсон, давлат арбоби бўлганлигидан баъзи ҳаракатлари зое кетаётганлигини яхши тушунади. Ўша даврларда ҳам ҳасадчи ва ғаразли амалдорлар, саройдаги макрлар, амалдорларнинг бир-бирларига қасд ва душманликлари давлат ишларига, халқ ва салтанатга зиён эканлигини яширмайди. ”Бизнинг замонда – деб ёзади у, - амирлар бир ҳаром динордан чўчимайдилар, ҳақиқатни ёлғонга чиқариб, иш оқибатини ўйламайдилар. Бошқа жойда ҳозир шундай замон бўлганки, юз мусулмоннинг қони тўкилса ҳам, бировнинг заррача иши йўқ. Олтинларни олганда ҳам бировни жавобгар қилмайдилар, ишни ҳам охиригача олиб бормайдилар. Ажаб дунё, бундан кейин нима бўлар экан?!” – деб ёзади.

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишларини яхши тушунган Низомулмулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Ҳар қайси амалдорларни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканлигини тушунтириб, ҳокимларга қўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорларнинг хатосини кўриб, уни дарров ишидан олиш тўғри эмаслигини, уни биринчи мартаба кечириб яна хато қилмаслиги учун химоя қилиш кераклигини айтади.

Сиёсатнома асарининг баъзи қисмлари ва бобларида халифаларга қарши бўлиб ўтган кўзғолон ва урушлар, исломдаги ҳар хил мазҳаб ва жараёнлар, уларнинг намояндалари ва тарафдорлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маздак ҳаракати, Муқанна кўзғолони, Абу Муслим ҳаракати, Озарбайжон афшин Бобакнинг чиқишлари ҳамда карматий, ботиний, рофизий, қадария ва шиалар ҳаракатлари билан боғлиқ воқеалар ўз аксини топган. Муаллиф бу воқеаларни баён қилиб, уларнинг сабаблари ва оқибатларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг энг асосий хулосаси шундан иборатки, марказий давлат ягона бир ғояга соҳиб бўлмаса ҳар хил ғоя ва фикр тарафдорлари ҳукумат учун курашадилар, бу мақсад эса қон тўкишлар ва зулму ситамларга сабаб бўлиши мумкин. Марказий ҳукумат, давлат, шоҳу ҳокимлар халқ бирлиги, давлат- истиқлоли, қудрати ва мудрофаасини таъминлаш учун куч – ғайратларини сарфлашлари зарур, деган ғоя етакчи ўринда туради.

Сиёсатнома мавзу жиҳатдан жуда кенг қамровли ва сермазмун асар. Унда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар, саройдаги соқчилар посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилк (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, хазина ва байтулмол, элчиларга муносабат, ҳатто шоҳнинг оилавий ишлари, унинг базм ва мажлислари, хос ходим ва шахсий

соқчилари ҳақида маълумот ва маслаҳат бор. Асарда молия ва хўжалик ишлари, солиқ ва ҳирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Улар баъзан керакли даражада очиб берилган бўлмаса ҳам, муайян тадқиқотларга озуқа бўла олади.

Асар ҳозирги давр сиёсатчиларига, давлат амалдорлари ва мансабдор кишиларга, умуман ўтмиш тарихимизга қизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий руҳ ва куч беради, давлат ва жамият бошқарувида дастурил-амал булиб хизмат килади.

САЛОҲИДДИН ТОШКАНДИЙ

"ТЕМУРНОМА"

Салоҳиддин Тошкандий ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд эмас. Унинг ҳақида “Темурнома” орқалигина фикр юритиш имкони бор. “Темурнома”нинг бадиий савиясига қараб баҳо бериладиган бўлса, муаллифни ўз даврининг пешқадам зиёлиси, тегна билим соҳиби бўлганлигини қайд этиш лозим бўлади. Салоҳиддин Ҳожанинг диний илмлар бобида етуқлиги асаридан яққол кўзга ташланиб туради. Унинг яхшигина шоир эканлигини ҳам такидлаш жоиз.

Салоҳиддин Тошкандий тарихни мукамал билади. Халқимиз ҳаётининг энг нозик энг қалтис, энг мураккаб даври бўлган Х4- Х5 асрларни шу давр учун бош мавқени ўйнаган шахс ҳаёти мисолида ёритиш, табиийки, осон иш эмас. Бунинг устига Моварауннаҳрда мўғул хонлари образларини ишлаш ҳам муаллифдан ката куч, улкан билим талаб қилиши тайин эди.

Биз хусусан, “Темурнома”нинг айнан бир асардан таржима қилинган деган фикрни сира ёқлай олмаймиз. Гарчи муаллифнинг ўзи уни форсий тилдан таржима қилганини айтаётган бўлсада, бунда у ўзига қадар Амир Темур ҳақида форсий тилда ёзилган асарлардан баҳраманд бўлганлигини,

баъзи тарихий воқеаларни, шерий парчаларни улардан олганлигини кўзда тутаётган бўлса ажаб эмас. Асар шу ҳолида таржима эмас аслиятдир.

Қайд этилганидек, “Темурнома” уч йўналишдаги асарларнинг, охир-оқибатда, бадий мажмуаси сифатида майдонга келган. Китобни яратишда энг аввало тарихий асарлардан (“Китоб ул аҳрор”, “Тарихи Таборий” “Зафарнома”)сингари бадий асарлардан (“Искандарнома” А. Хотифий асари ва б.) диний асарлардан (масалан “Або Муслим”, “Қиссасул анбиё”) кабилардан ижодий фойдаланилган. Муаллифнинг XIV-XX асрларда вужудга келган тарихий-бадий китоблар билан танишлиги ҳам сезилиб турарди. “Темурнома” ниҳоясида Салоҳиддин Хожа: “Фақир муаллиф ҳазрат Амир Темур раҳматуллоҳ алайҳа дostonларини кўб мўътабар нусхалардан неча меҳнат ва машаққатлар чекиб, форсий тилидан турк тилига таржима қилдим. Илоҳи ҳаммаға маҳбуб ва марғил қилгин они”-дейди. “Кўп мўътабар нусхалар” (албатта форсий тилдаги) назмий асарлар бўлганлигини муаллиф ишора қилоётир, бироқ улар қайси шоирлар ёки адиблар қаламига мансуб эканлигини айтиш қийин.

Салоҳиддин Хожа кўп ўринларда Хотифий номини, унинг Амир Темур ҳақидаги асарини эсга олади. Аммо ҳали Хотифийдан таржима қилди дейишга асослар етарли эмас. Яна бир ўринда муаллиф: “Эмди бу боғни атрок афлозин гулларидин тартиб бергин ким турклар кўриб шод бўлсун. Илоҳи бу боғ атрок аро абадул абад обод бўлсун”, дейди чамаси, муаллиф форсий “Темурнома” ларга туркий жавоб айтишни зиммасига олган кўринади. Чунки асарда берилган 1030 мисра шернинг асосий қисми Салоҳиддин Тошкандийга тегишлига ўхшайди. Бундай дейишга малум асослар бор. Муаллиф кимдан шеър келтирмоқчи бўлса шоирнинг номини тилга олади масалан: Камол Хўжандий, Шайх Садий, Саййид Аҳмад, Имом Ҳофизиддин Бухорий, Хўжа Абдулла Хотифий, Шарафиддин Яздий, Хожа Исматулла Бухорий шеърлари турли муносабатлар билан келтирилган. Амир Темур унинг ўғиллари Мирзо Шоҳруҳ, Амироншоҳ Шўжо Шайх ул алам ва

бошқа тарихий шахсларнинг номидан келтирилган шеърлар шубҳасиз Салоҳиддин Тошкандийнинг ўз ижоди. Асар мана шу жиҳати билан билан ҳам “Бобурномани” эсга туширади. Салоҳиддин Тошкандийнинг билим доираси қамрови жуда кенг эканлигини этироф этиш керак.

Салоҳиддин Тошкандий Темурномани бир неча кадрдошларни илтимоси бирла туркий тилида тартиб бермоққа қўшиш қилганлигини таъкидлайди. Буни қуйидаги мисрларда янада очикроқ ифода этиб, ёзади:

Назм ила бўлсун дедимким илтимос этганлара,

Қофия, вазн ила тартиб айласак бу дафтара.

Назмнинг қадрига етмас даҳр аҳли, дедилар

Кошки назм ила бўлса ҳар китоб ўлғай сарара.

Кўринадики, муаллиф “Темурнома” ни дастлаб бошдан – оёқ шеърый йўлда яратмоқчи бўлган. Чамаси, дўстларининг истак – хоҳиши билан асарни насрий ўзанга бурган. Назмий асарларни тушуниш мураккаблиги, эҳтимол, шу йўлни тақозо қилгандир. “Темурнома” нинг асл бадиий асар эканлигини далолат этадиган яна бир жиҳат мана бу сатрларда ҳам очик ойдин кўриниб туради дейиш мумкин:

Жаҳд ила бу достона хома,

Турки тилда айтиб “Темурнома”

Боғлаб белинг, эй бу дам, қалам, сан,

Қутқар мени меҳнату аламдан.

Салоҳиддин Хожа мўғул ҳукмдорларнинг кам маълум бўлган, аммо асл қиёфасини очиб берадиган жиҳатларини топиб, қаламга олади. Масалан, “Тарих етти юз йигирмада (1320) Қазонхонким, Маликшоҳ машҳурдур, Бухоро тахтига ўлтурғон эрди... Қазонхон андоғ золим эрдик, ҳар кишини талаб қилса, аввал хотун ва болаларига васият қилиб, андин кейин Қазонхонни олдиға борур эрди, дейилади бир ўринда”.

Халк оғзаки ижодида тарихий шахслар -давлат ва жамоат арбоблари , эл меҳрини қозонган олим ва ижодкорлар ҳақидаги афсона ҳамда ривоятлар алоҳида силсилани ташкил этади . Уларда халқнинг уз замондоши ва салафига булган чексиз эҳтироми , ихлос эътиқоди ,эзгу уйлари бадиий ифода топган . Бу фикр, шубасиз, халқимиз орасида қуп тарқалган , Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи афсона ва ривоятларга ҳам дахлдор.

"Ёдномалар"

Авлод-аждодларимиз шух, хушчакчак булганлар,уйин қулғи ашула ва мусикани яхши қурганлар, қилли асбоблар, думбира, қарнай-сурнай қаби асбобларни ишлатганлар. Туркий халқлар дунёдаги қадимий ёзма маданиятга эган булган халқлардан ҳисобланади. Турк ҳуқумдорлиги даврида сугд ёзуви,оромий ёзуви, ҳоразм ёзуви билан бир қаторда қадимий туркий халқларнинг ёзуви, “Турк-Рун ёзуви,Урхун-Энасой ёзуви, “Қук Турк ёзуви” номаларида қенг ишлатилган. Яқинларга қадар (яъни 1970 йиларгача) туркий ёзув мелодимизнинг VI-VII асрларида шақилланган деган фикр етакчи булган.Лекин 1970 йилда Олмати яқинидаги Иссик номли қадимги қургон қабрда археологияга оид тадқиқот ишлари утқазилганда мелодимиздан аввалги биринчи минг йилликнинг урталарига оид қуплаб бюмлар қатори қумуш қосача топилди. Унинг сиртида қизма шақилари қадимги туркий ёзувига ухшаш битик булиб, у фанда “Иссик” ёзуви номини олди. Бу туркий ёзув таниқли олим А.С. Омонжулов уқиб талқин этди. Демақ, қадимги туркий ёзувининг илдизиларини анча узок утмишдан изламоқ қерак. Бу фикрни Афғонистоннинг Дашти Навур,Сурхондарёнинг Холчаён, Далварзинтепа, Фаёзтепа қаби ёдқорликлардан топилган мелоддан аввалги II-I мелодимизнинг I-II ҳамда V-VII асрларига оид ёдқорликларидаги

«Иссик» ёзувига ухшаш битиклар ҳам тасдиқламокда. Битик ёзувлар аввало туркийлар тарихи учун асосий манба булса, ундан кейин ёзма адабиётнинг илк намунаси ҳамдир. Ёш иқтидорли олим Насимхон Рахмоннинг фикрича туркийлар канчалик катта ҳудудни эгаллаган булсалар, улар яратган ёднома битиклар ҳам шунчалик кенг ёйилган. Улар куйидагилардан иборат:

Шимолий Мугилистон ёдномалари.

1. Лена-Бойкулбуйи ёдномалари.
2. Олтой ёдномалари.
3. Шаркий Туркистон ёдномалари.
4. Урта Осиё гуруҳи ёдномалари.
5. Ш
6. аркий Европа ёдномалари.

Хар бир битиктош Ватан ва халқ тақдиридан оғох этиб туради. Айниқса Турк ҳоконлари: Култегин, Билгахоқон, Тунюқук шарафига урнатилган битиктошларда эл ва будун (халқ) тақдиридан ҳавотирлик бош масала килиб кутарилган. Утмишдошларимиз юксак даражада қадимий ёзма маданиятга эга булган деб қатъий ҳулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз. Бу ёзув дурдоналари кейинчалик араблар ва мугиллар босқини даврида йуқ килиб юборилган.

Амир Темур битиктоши ҳудди ана шундай ёдномаларга мисолдир Эрмижада ватанимизнинг қадимий тарихи, маданияти ва амалий санъатига оид кўплаб осори атиқалар сақланади. Нафис санъат асарларию хайкаллар, тангаю суратлар, битиктошлар тарзида етиб келган айни меъросда буюқ бобокалонимизнинг нозик дид ва истеъдодлари, эътиқод ҳамда тафаккурлари муҳрланиб қолган. Шулардан бири диёримизнинг темурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга молик бўлган битиктошлардир..

"АМИР ТЕМУР БИТИГИ"

Олис ўтмишдан шоҳидлик берувчи ушбу битиктош иккинчи жаҳон урушидан илгари Қозоғистоннинг Улуғтоғ манзилидан топилган ва Санкт-Петербургга, эрмитажга олиб келинган.

Битиктошнинг юқори қисмидаги ёзув уч қатор бўлиб, араб имлосида ҳам араб тилида; қуйидаги ёзув эса саккиз қатор бўлиб, уйғур ёзувида туркий тилда. Бошдаги битик жуда майда атиги 1 см катталиқда, қолаверса у неча асрдан буён очиқ турган шунинг учун ҳам ёзувни ўқиш мушкул. Битикни илк бор туркийшунос олим, Н. Поппе ўрганган ва матнни аниқлашга ҳаракат қилган. Орадан 5 йил ўтгач шарқсунос олим А. Пономарёв ҳам уни қайта ўқишга уриниб кўрган. Олимларнинг фикрича дастлабки татқиқотчи битикнинг умумий маъносини ойдинлаштирган ҳолда баъзи ёзувларни нотўғри тушунган шунинг учун А. Пономарёв айрим сўзларнинг моҳиятидан келиб чиқиб чуқур таҳлил қилди ва матннинг бошқача йўсинини таклиф қилди. Агарда битикнинг рус тилига қилинган таржимасини ўзбек тилига ўгирадиган бўлсак қуйидаги мазмун келиб чиқади: “Тарихнинг 793-Қўй йилида турон султони Темурбек 100 минг черек билан Тўхтамишхон устига юрди. Шу ерда белги бўлсин деб ушбуни ўрнатди. Тангри нисбат бергай, иншаооллох “... Тошнинг тепа қисмидаги арабча ёзувнинг фақат “Марҳаматли ва муруватли Худованди Крим шарафига...” –деган жумласини ўқишга эришилган. Бошқа қисми хиралашиб кетганлиги учун аниқлашнинг иложи бўлмаган.

Муаррих Низомид Шомийнинг ёзишича, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон 1391-йилнинг 28-апрел куни Тўхтамишхон устига юриш қилган, бораётиб Улуғтов деган жойда тўхтаган . Баланд тепалик устига чиқиб, теварак-атрофга, узоқ-узоқларга назар солган ва мана шу ерда бир белги қўйиш хақида буйруқ берган. Шунга кўра, ҳар бир аскар биттадан тош келтириши, тошлар бир жойга тўпланиши, шуларнинг ичидан силлиқ бир тош танлаб олиниб, унинг сиртига икки имлода, икки тилда ёзув битилиши лозим

эди. Юқорида кўзда тутилган битик тош шу тариқа вужудга келган. Бу битик калбаки эмасмикан деган шубҳада айрим олимлар уни қайта текшириб тошдаги қайтларни тарихий манбалар билан солиштириб кўрганлар.

Битикда зикр этиланидек, Амир Темур ҳақиқатдан ҳам ўзини Турон Султони деб атаган ва Тўхтамишхон устига икки юз минг лашкар билан бостириб борган эди. Бу юриш 1391 йил содир бўлганлиги, шунинг шарафига битиктош ўрнатилгани Темурийлар даври йилномалари Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг асарларида қайд этилган. Хўш, ушбу битикда айтиб ўтилган Олтин Ўрдага юриш қандай бошланиб, қай тариқа яқун топган? Буни ойдинлаштириш учун, аввало Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатлар тарихига қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Малумки, соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамишхоннинг илк учрашуви 1375 йили Самарқанд шаҳрида бўлган эди. Ўшанда Олтин Ўрда хони Ўрисхон тақибидан қочиб юрган Тўхтамишхон Амир Темур ҳузурига паноҳ излаб келганди. Гарчи Амир Темур мўғуллар истилоси туфайли хароб бўлган Моварауннаҳрни қайта тиклаш билан банд бўлсада, Тўхтамишхонга иззат ҳурмат кўрсатди. Тўхтамишхон унинг жамики ёрдамини сидқидилдан қабул қилди ва унга содиқ қолиши ҳақида қайта қайта қасам ичди. Орадан йиллар ўтиб, 1380 йилдаги куликова жангидан кейин мавқеи йўқолган Мамайхонни тор-мор келтиргач, Жўжи усулида ҳокимятни қўлга киритган Тўхтамишхон салбий томонга ўзгарди. Табиийки у тасарруфидаги ерларни кенгайтиришга интилди – талончилик юришлари режасини тузди. Ҳатто ҳомийси Амир Темурнинг яхшиликларини ҳам ҳисобга олмай, унинг қўл остидаги юртларини босиб олиш учун 1387-1388 йилларда икки марта ҳамла қилди. Яқиндагина кўз ёш тўкиб паноҳ излаб келган Тўхтамишхон энди уялмай нетмай қўшин тортиб келиши, табиийки Жаҳонгирни каттик ғазаблантирди. У секин аста қад ростлаётган ватанини ҳимоя қилишга шайланди. Сирдарё бўйларида Тўхтамишхон қўшинлари кучли зарбага учради. Бундай булишини кутмаган тажовускорлар тирқираб кетишди. Амир Темур эса музаффар қўшини билан Самарқандга қайтди. Албатта бу

Тўхтамишхоннинг буткул мағлубиятига учраганини англамас, у катта кўшин тўплаб, ҳеч кутилмаганда Моварауннаҳрга бостириб келиши ҳам мумкин эди. Яъни шимолий ғарбий қисмларда Амир Темур салтанати осойишига путур етказувчи кучли душман пайдо бўлганди шу боис у Тўхтамишхонни тамомила янчиб ташлаш учун ҳозирлик кўра бошлади 1389 йили Олтин Ўрдага кўшин тортди. Тўхтамишхон эса очик жанг қилишдан чўчиб, чўлга қочди. Уни қувиш бефойда эканлигини англаган Амир Темур муқаррар бўлажак урушга яраша куч тўплашга киришди.

Тарихчилар қайд этишича Амир Темур Тўхтамишхонга қарши 1390 йилнинг қишида юриш бошлаган. Самарқанддан чиққан кўшинлар Сирдарёни кечиб ўтганда, Чиноз яқинида қишлаган соҳибқирон ўз олдида куйган мақсадига кўра, Шайх Маслаҳатнинг қабрини зиёрат қилиш учун Хўжандга борган ва атаган нарзу ниёзларини бева бечораларга улашиб, тагин Чинозга қайтиб келган. Шундан кейин у қаттиқ бетоб бўлиб, қирқ кунча ётиб қолган 1391 йилнинг январ ойида соғайгач, у яна шижоат билан бўлғуси жанга ҳозирлик кўра бошлаган. Жаҳонгир амирларга, лашкарбошию навкарларга совға салом улашган, уларнинг руҳини кўтарган. Ниҳоят, 22 январ куни кўшин Тошкентдан ўтиб, қора сомон деган жойга етишганда, уларнинг ҳузурига Тўхтамишхоннинг элчилари етиб келган. Бу бежиз эмасди, албатта. Амир Темур катта кўшин билан ёпирилиб келаётганини эшитган Тўхтамишхон талвасага тушган ва музокара олиб боришга қарор қилган эди. Соҳибқирон уларни ҳурмат билан кутиб олинг, дея буйруқ берган. Тўхтамишхон ҳадя сифатида инъом этган ва элчилар олиб келган лочинни кўлига қўндирган-у, бироқ унга қайрилиб ҳам қарамаган.

Элчилар Амир Темурнинг қаршисида тиз чўкишиб, унга Тўхтамишхоннинг мактубини топширган. Ушбу номада Тўхтамишхон унга қилган хиёнатидан қаттиқ пушаймон эканлиги, Амир Темур агарда гуноҳидан ўтса, бундан буён вассал бўлиб, унинг барча буйруқларини сўзсиз бажариши айтилган эди. Бу Тўхтамишхоннинг навбатдаги найранги эканлиги

Жаҳонгирга сир эмас эди, шунинг учун ҳам унга муносиб жавоб қайтарди. Жавоб хатида нонқўрлик қилган Тўхтамишхоннинг вадаю сўзига ҳеч қачон ишонмаслигини қайд этиб ўтади. Шундан сўнг Амир Темур юришни давом эттирамизми ёки Самарқандга қайтамизми, деган масалани ҳал қилиб олиш учун қурултой чақиради. Қурултойда қатнашган амирлар, шаҳзодаю лашкарбошилар юришни давом эттириш лозим, Тўхтамишхон вақтида тийиб қўйилмаса, барибир бир кун шунга мажбур бўлинади, дейишади. 1392 йилнинг феврал ойи охирларида Амир Темур қўшинлари Ясса, Қорачук ва Саврондан ўтиб, бепоён даштликка чиқишди. Апрель ойининг охирларида қўшин улўғтовга етиб келди. Худди шунда Жаҳонгир баланд чўққига чиққан ва теварак атрофга назар солиб кунгли аллақандай ҳисларга тўлган, шу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдирмоқчи бўлган.

Битиктош ўрнатилгандан кейин қўшин яна олдинга силжиган. Ялиниб ёлворишига қарамай барибир, юриш режасидан қайтмаган, Амир Темур лашкарини қай тариқа ҳолдан тойдирсам экан деб ўйлаган Тўхтамишхон ахири бир қарорга келган, яна рақиб қўшинини ортидан эргаштириб, чўлда қочиб юришни уларни ҳоритишни очликка дучор қилиб сўнг бирдан хужумга ўтишни режалаштириган. Унинг бу ниятини жаҳонгир англаб, рақиб лашкарлари изини топиш учун ҳар томонга моҳир хуфиячиларни жўнатган, набираси жасур лашкарбоши Муҳаммад Султонга қўшин ажратиб бериб, олд томонга юборган. шунингдек Умаршайх Мирзони ҳам 20000 лашкарга бош қилади ва Тўхтамишхонни ахтаришга йўллайди. Умаршайх Мирзо рақиб қўшинлари билан юзма юз келиб, жанга киришади. 1391 йилнинг 18 апрелида Амир Темур ўз қўшинига бош бўлиб, Самара вилоятининг Қундузча деб ном олган жойида Тўхтамишхон қўшинига жанг бошлайди Тўхтамишхон лашкарлари тор-мор этилади.

Амир Темур ғалабани қўлига киритгач ёйиқ дарёсидан кечиб, Саврон, Утрор, Тошкент орқали Самарқандга қайтиб келган. Бу юришга жами 11 ой

вақт кетган. Шундан сўнг ватаннинг шимоли -ғарбий ҳудудлари анча йиллар осойишта турди.

Абу Али Ибн Сино

“ДОНИШНОМА”

Турк оиласидан бўлган ибн Синонинг отаси ниҳоятда ўқимишли киши эди. У “Ивон ас-Сафо” рисолаларини ва Исмоилия маҳзабининг дунёқарашларини севарди. Бир кун Абдуллоҳ Ан-Нотилий деган фалсафани яхши билувчи бир зот билан танишганида ўғли ибн Синони шогирдликка олишини сўрайди. Ан –Нотилий бўлажак алломани ўз тарбиясига олади. Ибн Сино Арастунинг “Мантиқ”ини, Оклидеснинг “Аносир”ини, Батлимуслиннинг “Ал-Мажастини” сани шу буюк зотдан ўрганади. Бундан олдинроқ эса, Исмоил исмли бир зотдан фикҳ илмидан таҳсил олади. Ўн ёшдаёқ “Қуръон”ни ёд олган ибн Сино устозларини шошириб кўядиган зукко бола эди. Фалсафа, мантиқ, фалакиёт, табиий ва риёзий илмлар у жуда яхши биладиган илмлар эди. Булардан ташқари, Ислом тарихини муфассал ўрганди. Ўзи англаган даражада Исломиятни ҳам шархлай оларди.

Ибн Сино 16 ёшидан бошлаб, барча фанлар соҳасида мустақил мутолаа қила бошлади. Бу даврда у кундузлари тинмай, кечалари ухламай китоб ўқишга киришади. “Бу кезларда бирон кеча ҳам кун давомида ухламас эдим, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим...”

Кечкурунлари олдимга чироқни қўйиб олиб, то уйқу босгунча ўқиш ва ёзиш билан банд бўлар эдим... Ухлаётган вақтимда ҳам ўша ўнгимдаги масалаларни кўрар эдим. Шу тахлитда кўп масалалар тушимда менга аён бўлар эди. Шундай қилиб ҳамма илмларни эгаллаб олдим. Инсоннинг қобиляти имкон берар даражада улардан хабардор бўлдим.”

Шу сабали у 18 ёшида етук олим бўлиб етишди. Ибн Синонинг ижодий фаолиятини ўрганувчи олимларимиз уни 300 дан ортиқ илмий асарлар ёзганлигини аниқладилар. Булардан 58 таси фалсафа, 20 таси тиббиёт, 11 таси астрономия, кимё, физика ва бошқалар, 4 таси шеърятга, 2 таси педагогикага доир эди. Ҳамма асарларининг негизида инсон, унинг камолоти ва тарбияси масалалари алоҳида ўрин эгаллаган.

Ибн Сино айниқса, тиббиёт илмига алоҳида меҳр қўйганди. Бу борада у христиан тиббиётшунос олими Исо бин Яхё асарларидан кўп фойдаланган. Чунки у тибда тажрибаларга кўп аҳамият берган табиб бўлган. Қисқа вақт ичида Ибн Сино табобат соҳасида ката шуҳрат қозонади. Ибн Синонинг ўзи бу ҳақида қуйидагиларни ёзган эди. “Тиб аслида қийин илмлардан эмас, шу сабабдан мен қисқа вақт ичида бу соҳада шундай ютуққа эриша олдимки, ҳатто фозил табиблар ҳам менга келиб, мендан тиб илмини ўқийдиган бўлдилар. Беморларга ҳам қатнар эдим. Эришган тажрибаларим натижасида менга даволаш эшиклари шундай кенг очилдики, уни таърифлаб бўлмайди.”

Ибн Синонинг обрў-эътибори кун сайин ошиб борганлигини бир неча эътиборли далиллар исбот қилади. Бухоро амири Нух ибн Мансур (976-997) оғир дардга чалинади. Уни даволашда Ибн Сино фаол қатнашади ва бунинг эвазига у сарой кутубхонасида сақланаётган нодир китоблардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. 1002 йилда Хоразмга боради. Ўша даврнинг йирик маданият марказларидан бири бўлган Урганчда Маъмун академиясида фаоллик киўрсатади. Абу Райхон Беруний сингари буюк олимлар билан ҳамкорликда ишлайди. Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий эгаллагач, Ибн Сино Гургон амирлигига, у ердан Рай, Казвин шаҳарларига ўтиб, сўнг Ҳамадонга-

бувайхийлар ҳукмдори Шамс ад-Давлани даволаган Ибн Сино вазирлик даражасига кўтарилади. Аскарлар орасида содир бўлган исён туфайли Ибн Сино зиндонга тушади. Аммо Шамс ад-Давла яна касалланганда зиндонбанд этилган табиб иккинчи бор уни даволайди ва тагин вазирликка тайинланади.

Шамс ад-давла вафот этгандан сўнг унинг ўғли Само ад-Давла тахтга ўтиради. Ибн Сино вазирликда қолишни истамайди. У Исфохон амири Алоуд-Давлага мактуб йўллаб вазифа сўрайди. Бу хатти-ҳаракати учун Ҳамадон ҳукмдори уни зиндонбанд қилади. Орадан тўрт ой ўтгач, Исфохон ҳукмдори Алоуд- Давла Ҳамадонни босиб олади ва Ибн Синони ҳибсдан озод этади.

Тинимсиз илмий мутолаа, шахарма-шахар дарбадарларча юриш, олимга нисбатан бир неча бор уюштирилган таъқиб ва зиндонлар, албатта, унинг саломатлигига таъсир этган эди. Ибн Сино ҳижрий (428) 57 ёшида вафот этади. Буюк қомусий олимдан жуда ката мерос қолган. Турли манбаларда мутафаккирнинг фалсафа, мантиқ, руҳшунослик, шеърят, мусиқа, геология, минерология, физика, математика, тиббиёт, фалакиёт ва фаннинг бошқа соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асарлари қайд этилади, Олимнинг фалсафага оид “Китоб аш-шифо” асарини ўз даврининг қомусий асарларидан десак муболаға бўлмайди. Унда мантиқ, табиий фанлар, риёзиёт ва илоҳиёт бўйича фалсафий ғоялар ўз аксини топган. Яна бир фалсафага оид асар “Ал ишорот ва Танбихот” (“Ишоралар ва танбеҳлар”) ҳисобланади. Унда фалсафанинг асосий масалалари қисқача бир тарзда баён этилган. Форс-Дарий тилида ёзилган йирик фалсафий асарлардан бири “**Донишнома**” (“Билим китоби” дир. Ибн Сино бу асарини ўзидан олдинги ва ўз давридаги табиий фанлар ва фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шундай бир фалсафий асар яратдики, бу асар ўрта аср Шарқидаги назарий билимларнинг энг юқори чўққисига кўтарилди.

Ибн Сино ўз тарбия системасини яратди, бунда: одоб, астрономия, тиббиёт, мантиқ, фалсафа, табиатшунослик, тил ва унинг грамматикаси,

мусулмон қонуншунослиги фанларини киритди У тарбия жараёни аклий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ва меҳнат(ҳунар ўргатиш) тарбияларининг бир бутунлигини ташкил этади, деб кўрсатган эди. У мактабда ўқиш, тарбия ишларини жамоа тарзида ташкил этиш ғоясини олға сурди. Ўқитиш жараёнининг дидактик асосларини яратди. Унинг фикрича, болани бирдан китобга банд қилиб қўймаслик, ўқиш секин аста, енгилдан оғирга қараб бориш орқали олиб борилиши керак. Ўқувчилар билан олиб бориладиган машқлар уларнинг ёшига мос бўлиши керак, ўқувчиларнинг майл ҳамда қобилятларини ҳисобга олиш зарур.

Ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда чуқур ёритиб берди. У доимо инсондаги яхши сифатларни кўра олди. Яхшилик, одобли бўлиш, камтарлик ва инсонийлик масалаларига кўп асарларида тўхтаб ўтган эди. Айниқса, Ибн Сино оила тарбиясида ота-онанинг ўрнини алоҳида кўрсатади. Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак деб таъкидлаган эди. Буюк аллома Абу Али ибн Сино фикрича, инсон умрининг ҳар бир фасли учун ниҳоятда зарур бўлган алоҳида манавий ахлоқий фазилатлар мавжуд. Қомусий олим **“Зафарнома”** асарида Ануширавони одилнинг зукко вазири Бузургмеҳрнинг ўз донишманд устози билан қилаган ибратли суҳбатларини баён этар экан, савол жавобни ҳам зикр қилади: “Дедим: Ёшларга нима ярашадию кексаларга нима? деди Ёшларга ор ва мардлик, кексаларга ақл ва вазминлик”. Бундан аён бўлдики, орият ва мардлик билан бирга, ёшлик фасли учун энг афзал маънавий – ахлоқий фазилатлардир.

- “Орият” ва “виждон” тушунчалари ўзаро шу қадар уйғунки, айти сабабдан улар бот-бот манодош атамалар сифатида ҳам ишлатилади. “ор-номус”бу ташқи виждон, виждон эса ички ор номусдир” дейди буюк олмон файласуфи Артур Шопенгаур ана шу муштаракликка урғу бериб. Аслида эса, виждон ва орият муносабати сабаб ва оқибат муносабати кабидир. Бунда виждон – сабаб орият эса оқибат мақомида туради. Бошқача айтганда, виждонли одамгина ориятли бўла олади. Виждонсиз одам эса, айти чоқда

ориятсиз ҳамдир. Зеро виждон одамни ҳар қандай тўғри йўлга солиб туради. Одам виждон измидан чиққан заҳоти у бош кўтаради. Рус ахлоқшунос олими А. Скворсов виждонга инсоннинг ўз ҳатти ҳаракатларини эзгулик мезони асосида баҳолаш ва гўзал хулқ – автор андазасидан ҳар қандай чекиниш боис изтироб чекиш лаёқати, дея тариф беради. Инсон қанча маънавий ахлоқий комиллик касб этгани сари унинг ҳаракатлари ҳам виждон талабларига шунча муофиқ бўлади. Орият, худди виждон каби ирода билан ҳам ғоят уйғун тушунчадир. Шу сабаб мулоқотда базан улардан бирини бошқаси ўрнида ишлатиш мумкин. Аслида эса, ирода ва орият муносабати ҳам сабаб ва оқибат муносабати кабидир. Зеро, иродали одамгина ориятли бўла олади. Иродасиз одам эса, айна чокда, ориятсиз ҳамдир. Ориятли одам ўз олдига кўйган мақсадига етиш учун ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга интилади.

Бу йўлда у бот-бот қийинчиликка дуч келса ҳам алсо ортга қайтмайди ва аксинча, аввалгидан ҳам кучлироқ шижоат билан ўзини яна кураш бағрига отади. Орият инсонга туғма ато этилмайди, у тарбия жараёнида шаклланади. Аслида манавий камолот йўлининг поёни бўлмагани каби, орият тарбиясининг ҳам поёни йўқ – у бир умр давом этади. Агар ориятни бинога қиёс этсак, унинг пойдевори албатта, болалик даврида кўйилади. Орият тарбиясида оила, мактаб, маҳалла каби ижтимоий институтлар, маънавий мерос, тарихий анъана урф одату маросимлар каби ижтимоий кадрятлар роли ниҳоятда салмоқли ката авлод ёш наслга орият тарбиясини берар экан, бу ишни кўпроқ ибрат намунаси орқали амалга оширгани мақул., албатта. Чунки ибрат ўзида наинки назария, балки амалиётни ҳам мужассам этади. Ғурур (арабча мамнунлик ҳисси) – инсоннинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғусини англатувчи манавий ахлоқий тушунчадир. Шунини алоҳида такидлаш керакки одамда ғурур орият негизда шаклланади. Зеро, кимнинг қалбида орият кучли бўлса у виждон сасига кулоқ тутган ва ирода кучига таянган ҳолда мутассил эзгулик сари интилади ва шу йўлда қўлга киритган ютуқларидан ғурурланади. Албатта, инсоннинг

ўз-ўзига нисбатан ана шундай қониқиш ҳиссини туюши ҳар қачон нисбийдир. Чунки камолот йўлида турган одам ҳеч қачон ўз-ўзидан тўлик қониқа олмайди. Аслида бундай қониқиш хавфли ҳам – у одамни ўсишдан тўхтатади ва тубан бандга айлантиради.

Луқмони ҳақимнинг азиз фарзандига қилган юз насиҳати

1. Эй фарзандим, улуғ ва қудратли яратувчини тани.
2. Кимга панду насиҳат қилсанг унга аввало ўзинг амал қил.
3. Сўзни ўз қадрингга муофиқ гапир.
4. Одамларнинг қадрини бил.
5. Ҳамманинг ҳақ ҳуқуқини англа.
6. Сирингни маҳфий тут.
7. Дўстни қийин кунда сина.
8. Дўстни фойда ва зиёнда имтиҳон қил.
9. Аблаҳ ва нодон одамлардан қоч.
10. Доно ва зийрак дўстни танла.
11. Яхши ишга қаттиқ кириш.
12. Аёлга қаттиқ ишонма.
13. Софдил ва доно кишилар билан маслаҳат қил.
14. Сўзни исботи билан гапир.
15. Ёшликни ғанимат бил.
16. Ёшликда икки дунё ишларини қилиб қол.
17. Ёру дўстларингни азиз тут.
18. Дўст душманингга юзингни очиқ тут.
19. Ота-онангни ғанимат тут.
20. Устозни отадан азиз деб бил.
21. Харжни киримга қараб қил.
22. Ҳамма ишда ўртача йўл тут.
23. Олижанобликни ўзингга шиор қил.
24. Меҳмоннинг хизматини қоидадек қил.

25. Бировнинг уйига кирганда кўз ва тилиннга эҳтиёт бўл.
26. Либосингни ва баданингни тоза тут.
27. Жамоат билан ҳамдард бўл.
28. Фарзандингга илму адаб ўргат.
29. Иложи бўлса фарзандингга чавандозлик ва мерганликни ўргат.
30. Етик ва ковуш кийишни ўнг оёқдан бошла, ечишни эса чап оёқдан.
31. Биров билан иш қилсанг, ўша одамга лойиқ иш қил.
32. Тунда гапирсанг оҳиста ва мулойим гапир, кундузи гапирсанг ён атрофинга қараб эҳтиёт бўлиб гапир.
33. Оз ейиш ва гапиришни одат қил.
34. Ўзинга ёқмаган нарсани ўзгага раво кўрма.
35. Ишни аввал ўйлаб чораю тадбир билан қил.
36. Ўқимай устозлик қилма.
37. Хотин ва болага сир айтма.
38. Одамларнинг яхшилигига таъма қилма.
39. Пасткашдан вафо кутма.
40. Байт: одамда уч юз олтмиш раг¹ бўлур, Рагларидан бир раги
бадраг² бўлур.
41. Қилинмаган ишни қилинган ҳисоблама.
42. Бугунги ишни эртага қолдирма.
43. Ўзингдан каттага гапни чўзма.
44. Оми (оддий кишиларга) ёмон кўринмасликка урин.
45. Хожандман кишиларни ноумид қайтарма.
46. Ўтган жанжални эсалама.
47. Одамларнинг яхшилигини ўз яхшилигинг билан аралаштирма.
48. Бойлигинг миқдорини дўсту душманга билдирма.
49. Қариндошни қариндошдан айирма.
50. Яхши одамни ғийбат билан ёд қилма.

¹ Раг- томир.

² Бадрог- йомон томир

51. Фақат ўзингни ўйлама.
52. Ёлғон сўзни алсо ишлатма.
53. Кўпчилик турган бўлса сен ҳам уларга эргаш.
54. Бармоқларингни оғиз ва бурнингга тегизма.
55. Одамларнинг олдида тиш кавлама.
56. Оғиз ва бурнингнинг сувини баланд овоз билан ташлама.
57. эснасанг кўлингни оғзингга қўй.
58. Одамларга қараб керишма.
59. Бармоғингни бурнингга тикма.
60. Жиддий сўзни ҳазилга аралаштириб гапирма.
61. Бировни бировнинг олдида хижолат қилма.
62. Қошу кўзинг билан имлаб чақимчилик қилма.
63. Айтган сўзингни яна қайтарма.
64. Бировни бемани кулдиришдан тийл.
65. Ўзингни яқинларингни одамлар олдида мақтама.
66. Ўзингни хотинлардек ясатма.
67. Болаларинг нима деса ўшани қилаверма.
68. Тилни сақла.
69. Гапираётганингда кўлингни силкитма.
70. Ҳамма одамни ҳурматлашни унутма.
71. Ифвогар одам билан суҳбатдош бўлма.
72. Ўлганни ёмонлаш билан ёдламаки, бунинг фойдаси йўқ.
73. Иложи борича биров билан урушма ва хусумат қилма.
74. Бировнинг куч қудратини синовчи бўлма.
75. Улуғлар синовини яхшилик нилан ёдла ва гумон қилувчи бўлма.
76. Ўз нонингни ўзгалар дастурхонида ема.
77. Катталардан олдинда юрма.
78. Мол дунё топаман деб ўзингни қийноқ остига ташлама.
79. Ҳар ким ўзини танимаса сен уни тани.
80. Ғазабинг келганда сўзни танлаб гапир.

81. этагинг биолан бурнингни артма.
82. Куёш чиккунча ухлама.
83. Одамлар олдида ёлғиз ема.
84. Катталардан олдинда юрма.
85. Одамлар сўзлашаётганда сўзларига қўшилма.
86. Бошингни осилтириб ўтирма.
87. Кўчада ўнгу чапга аланлайверма балки тўғри боқиб ерга қараб юр.
88. Иложи борича, яланғоч уловга минма.
89. Меҳмон ҳузурида бировга ғазабингни шочма.
90. Меҳмонга иш буюрма.
91. Девона ва маст билан сўзлашма.
92. Маҳалла бошида бекорчи ва бебошлар билан ўтирма.
93. Фойдаю зиёнга ўзингни уриб, обрўйингни тўкма.
94. Манман ва такаббур бўлма.
95. Одамларнинг сенга хусумат қилишидан қоч.
96. Жанг ва фитнадан қочувчи бўл.
97. Пичоқсиз, узуксиз ва пулсиз бўлма.
98. Ўзингни ўта хор қилмасликка интил.
99. Ҳоксор ва камтарин бўл.
100. Худодан кўрқиш, халққа инсоф қилиш, улуғларга хизмат кичикларга шафқат, дарвешларга саховат, дўсту ёшларга насихат, душманларга юмшоқлик, жоҳилларга жимлик, олимларга тавозе, қилиш билан яша бировнинг молига тама кўзи билан боқма.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

"БОБУРНОМА"

Бобур ота томонидан Амир Темурнинг, она томонидан Чингизхоннинг авлодидир, бинобарин, унинг томирида Марказий ва Ўрта Осиёнинг икки буюк фотиҳининг қони оққан. Бобур 1483 йил 14 февралда отаси Мирза

Умар Шайх ҳукмронлик қилган Фарғонада туғилди. Отаси қазо қилганда Бобурнинг ёши бор йўғи ўн бир йилу, тўрт ой эди холос. “Бобурнома” китобининг илк сатирлари шундан гувоҳлик беради: “... Сарвари коинотнинг шарофати билан ва чахориёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни рамазон ойининг бошида тарих секиз юз тўсон тўққузда (яъни 1494 йил июнида.)Фарғона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим”.

Ёшлик чоғлариданоқ у ишда кўп талотўплару душворликларни бошидан кечиришга мажбур бўлди. Ўзининг бобомерос мулки ҳисобланмиш Самарқандни икки марта забт этади ва икки мартасида ҳам қўлдан беради. Ёши роса йигирма бирга тўлганда, яъни орада муваффақиятсиз кечган ўн йил сўнгида у ота юртини тарк этадида, Ҳиндикуш она Қобулни ишғол қилади. 1511 йилда Бобур Самарқандни қайтариб олишга яна бир бор уриниб кўради. Бу гал ғалаба нашидасини сурган эса-да, келгуси йилдаёқ Самарқанд қўлдан чиқади. Шу тариқа Бобур Самарқандни уч карра забт этиб, уч карра бой беради.Истеъдодли ҳукмдор ўта зукко, илм-маърифатни кадрлар эди. У Алишер Навоий ва унинг замондошларининг асарларини севиб мутолаа қилар эди.Маърифатпарвар Бобур асарларининг мавзуси ранг-баранг бўлиб, у инсоннинг маънавий қиёфаси, фанлар равнақи, ёр, муҳаббат, яхшилик ва ёмонликни қаламга олган. Бобур ўзи забт этган Ҳиндистонда маданият ва маърифат ўрнатди. Бобур ҳаётдан жуда эрта кўз юмган бўлсада, ўлмас асари “Бобурнома” билан ўзига ҳайкал яратди. Бу асар Ҳиндистонда буюк бобурийлар салтанатига асос слоган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таржимаи холи бўлиб, унда муаллиф оддий ва жонли тил билан ўзининг йўл кўйган хатоларию, қозонган ғалабалари, юксак орзу-умидларию тушкун ҳолатлари ҳақида ҳикоя қилади. Мазкур китоб умри давомида кўпдан кўп юксалишлар ва таназзулларни бошидан кечирган инсоннинг ибратомуз тарихидирки,унинг юксалишлари қанчалик сарбаланд бўлса, таназзуллари шунчалик тубсиздир.

Бобур қирқ ети йил-у ўн ой умр кўрган бўлса-да, бироқ бизгача етиб келган бу ноёб асар унинг ҳаётидан атиги ўн саккиз йилни қамраб олган. Даставвал китоб Бобурнинг ўз қўли билан туркий тилда ёзилган. Сақланиб қолган нусхада тафсилот муаллифнинг ўн икки яшарлик чоғидан бошланиб, на унинг таваллуд санаси, на бирон бир олдинги йиллар воқеа ҳодисалари ҳақида эслатиб ўтилади. Ҳаттоки ўз таржимаи ҳоли учун Бобур қандай сарлавҳа танлагани борасида ҳам ҳеч нарса маълум эмас. Темурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Зафарнома”, “Ҳумоюннома”, “Акбарнома” ва бошқаларга тақлидан бу асарни ҳам “Бобурнома” деб аташган. Тафсилотлардаги айрим камчиликлар Бобур ҳаётлик чоғида унинг китоби Шайх зайниддин Ҳавофий форс тилида ёзган “Табақоти Бобурий”дан олинган бир қисм, Бобурнинг қизи Гулбадан бегим 1587 йилда, яъни отасининг ўлиmidан қарийб эллик йил кейин ёзган хонадон шажараси ҳисобланмиш “Ҳумоюннома”дан олинган яна бир қисм ёрдамида тўлдирилган. “Бобурнома”дан ташқари у “Мубаййин” рисоласи, ғазаллар ва рубоий шеърлар ёзган эди.

“БОБУРНОМА”

(парча)

Валодат ва насаби саккиз юз олтмишда Самарқандда эди. Султон Абусаид Мирзонинг тўртинч ўғли эди. Султон Аҳмад мирзо. Султон Муҳаммад Мирзо Султон Маҳмуд мирзодин кичик эди. Султон Абусаид мирзо Султон Муҳаммад мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ мирзо Темурбекнинг учунчи ўғли эди. Умар Шайх мирзо била Жаҳонгир мирзодин кичик, Шоҳруҳ улуғ эди.

Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умар Шайх мирзога бериб, Бобон Қобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Умар Шайх мирзо (менинг падари бузрукворим) паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, қўба юзли танбал киши эди. Тўнни бисёр тор куяр эди, андоғким боғлатурда қорини ичига тортиб

боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини кўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. Киймоқда ва емакда бетакаллуф эди. Дасторни дасторпеч чирмар эди. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди.

Ахлоқ ва афтори: ханавий мазхаблик, покиза эътиқодлик киши эди, беш вақт намозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эди, аксар тиловат қилур эди. Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожи ҳам фарзанд деб эдилар.

Равон саводи бор эди. “Хамсатайн” ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар “Шохнома” ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди.

Адолати бу мартабда эди...Бисёр саховати бор эди. Хулқи дағи саховатича бор эди, хушхулқ ва харроф ва фасиқ ва ширин забон киши эрди, шужў ва мардона киши эрди. Авлоди: уч ўғил, беш қиз мирзодин қолиб эди. Бори ўғлонларидин улук мен – Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим, менинг онам Қутлуқ Нигорхони эди. Аксар қазоликларда ва фатаротларда менинг билан бир эдилар. Қобулни олғондин беш-олти ой сўнгра тарих тўққиз юз ўн бирида тангри раҳматиға бордилар.

...Ушбу йилнинг охирида сешанба кечаси ойининг тўртида офтоб хут буржида эди. Қобулнинг аркида Хумоюн (913 йилда) мутаваллид бўлди. Тарихи валодатини Мавлоно Саидий шоир “Султон Хумоюнхон” топиб эди. Қобул шоирчаларидин биров, “Шохи Феруз кадр” топиб эди, уч-тўрт кундин сўнг Хумоюн исми била мавсум бўлди.

... Одина куни ойининг ўн тўртида хат ва китоблар тайёр бўлуб “Баёншайхка топшируб рухсат берилди. Шанба куни ойининг ўн бешида Оградин узади.

Хумоюнга битилган хатнинг саводи: “Хумоюнга муштоқликлар била соғиниб салом дегач, сўз улким, душанба куни рабиул аввал ойининг ўнида Беккина била Баёншайх келдилар. Хатлардин ва арзадоштлардин ул юздаги, бу юздаги кайфият ва ҳолат мушаххас ва маълум бўлди.

Шукр, бермиш сенга ҳақ фарзанде,

Санга фарзанду, менга дилбанде.

Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилгай, омин ё раббал оламин. Отини Альмон қўймишсен. Тенгри муборак қилгай. Вале бовужудким, ўзунг битибсен, мундин ғофил бўлубсенким, касрати истеъмол билан авом аъламо дерлар, ё эл Амон дерлар, ё эл Амон дерлар, Ўзга мундоқ алиф-лом отта кам бўлур. Тенгри отини ва зотини фархунда ва муборак қилгай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Аъламонни давлат ва саодат била тута бергай.

Тенгри таоло ўз фазлу карами била бизнинг ишимизни ясайдур. Мундоқ копу қарнларда топилмас. Яна сешанба куни ойининг ўн бирида арожиғ хабар келдиким, Балх эли Қурбонни тилаб Балхқа киюрмишлар.

Яна Комронға, Қобулдаги бекларга фармон бўлдуким, бориб, санга қўшилуб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сориғақим салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тенгрининг инояти била ёғийларини босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилгайсиз, иншооллоҳу таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич тортмоқ маҳалларингиздур. Қопуда келган ишни тақсир қилмангиз. Гаронжонлиқ била қоҳиллик Подшоҳлик била рост келмас.

Жаҳонгире таваққуф бар наёбад,
Жаҳон онро бувад кў беҳ шитобада.

Ҳама чизи зи рўи кадхудой,
Сукун меёбат илло подшоҳӣ

Агар тенгри инояти била Балх ва ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхта Комронниг кишиси бўлсин. Агар тенгри инояти била Самарқанд ҳам мухассар бўлса, Самарқандга сен ўтурғил. Ҳисор вилоятини, иншооллоҳ, холиса қилғумдир. Агар Комрон Балхни озирғанса аризадошт қилинг, иншооллоҳ анинг қусурини ўшал вилоятлардин ўқ рост қилғумиздир.

Яна сен ўзинг билур эдингким, доим бу коида маръий эди: Ҳамиша бу коидани маръий тутиб, мундин тажовуз қилманг. Яна ининг била яхши маош қилгайсан. Улуқлар кўтаримлик керак, умидим борки, сен ҳам яхши ихтилот қилгайсан. Анинг ҳам муташарриъ ва яхши йигит қўйибдур, ул ҳам мулозамат ва якжихатликта тақсир қилмағай.

Яна сендин озроқ гинам бор, бу икки уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен юборган киши ҳам рост бир йилдин сўнгра келди. Мундок бўлурму ? Яна хатларингда ёлғузлуқ, ёлғузлуққим, дебсэн, подшоҳликта айбдур, нечукким дебдурлар:

Агар пой банди ризо пеш гир

Ва гар яксувори сари пеш гир

Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йўқтур. Подшоҳлик била ёлғузлуқ рост келмас. Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким агар ўқур хаёл қилсанг эди. Уқуёлмас эдинг. Уқуёлмагандин сўнг албатта тағйир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш билан ўқиса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи ҳейли рост эмас, илтифотни “То” била битибсен. Қулунжни “Ё” била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мавҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда қоҳиллиғинг муғлақ бўладур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била битти: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур, ва ҳам ўқувчиға.

Яна улук иш устига борасен, иш кўрган, рай ва тадбирлик беклар била кенгашиб, аларминг сўзи била амал қилгайсен. Агар менинг ризомни тиларсен, хилватлишинликни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингға чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз унга қарор бергайсен".1526 йили 27-апрелда Бобур Ҳиндистон подшоси деб эълон қилинади ва у асос солган Бобурийлар сулоласи 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилади.

Бобур Ҳиндистонда катта миқёсдаги давлат ишлари билан бир каторда адабий –бадий фаолиятини ҳам давом эттиради ва буюк асарлар яратади. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин”, “Хатти Бобурий”, “Харб Иши”, “Аруз ҳақида рисола” асарлари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларида алоҳида ўрин тутади. Маълумки, Бобур асарлари Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихининг тарақиётида ижобий таъсир кўрсатади. Унинг асарлари жаҳон фани ва маданиятига ғоят катта бойлик бўлиб қўшилди. Бобур кишиларни бирликка, иноқликка, шафқатли, инсофли бўлишга, ватанни эъзозлашга чақиради. Мумтоз адиб аҳолининг осон, қулай савод чиқариш йўлларини излади, кишиларни саводхонликка ундади, адабий тил, нутқ маданияти ривожини учун курашди. У ўз замондошларининг хулқи, ижоди, фанга қўшган ҳиссаларини таҳлил этиб, уларга адолатли баҳолар берди. Бобур адабиёт назарияси, хусусан, аруз вазни ҳақида илмий фикрлар билдириди, тарих, география, ўлкашунослик масаларини, халқ урф-одатларини синчковлик билан ўрганди.

Бобур имкони борича дунёнинг ҳамма мамлакатлари билан иқтисодий-сиёсий алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди. Ҳатто алоқа ўрнатиш учун унинг элчилари Россияга ҳам борганлар. Улар Россиянинг Суздал ва Владимир губернаторлигида бир йил қишлаб, яхши алоқалар ўрнатиб, ватанларига қайтишган. Ўша элчилар шарафига улар қишлаган ёки тўхтаб ўтган жойлари “Бабурино”, “Нижнеэ Бабурино” деб атаганлар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахси ва ижоди адабиётшунос, тилшунос, тарихчи ва географиянинг эътиборини кўп вақтдан буён ўзига жалб этиб келинмоқда. Унинг бадий асарларида ёшларни билим олишга, одобли, ахлоқли бўлишга даъват этиш ғоялари кенг ўрин олган.

Мустақиллигимизга эришганимизда буён Бобур шахсига, унинг адабий, тарихий, географик мероси бўлмиш “Бобурнома” асарига жуда катта эътибор берилиб, унинг тўлдирилган, қайта ишланган нашлари чоп этилган.

Бобур ижоди ҳам маълум тарихий давр доирасига қолиб кетмай, балки замонлар оша янги-янги авлотларга етиб боради. Бунинг сири шундаги, буюк санъаткор ўзи яшаган тарихий шароитни ростгўйлик билан тасвирлай қолмасдан, балки келажакка ҳам чуқур назар ташлади, инсонларни бахт-саодат ва тараққиёт учун курашга йўллади. Жавоҳирлар Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида Бобур ҳақида бундай деб ёзади: “Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди.”

Бобур мирзо шоир, адиб, шеършунос-адабиётшунос, донишманд фақих, тилшунос, табиатшунос мантиқ ва риёзиёт илмларидан яхши хабардор жамоат арбоби сифатида ўзидан бебаҳо маънавий мерос қолдирди. Бошқа одамлардан деярли фарқ қилмайдиган мўъжизагина кўксига шернинг юрагини кўтариб ўтган бу мукаррам зот ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар билан юзма-юз яшаб ўтди, ўзидан сара маънавий хазина ва ном қолдириш учун курашди. У яхшилик шайдоси эди. Бобур қаерда бўлмасин, ҳар доим ватани Андижонни қўмсаган. Энди унинг ниятлари амалга ошаётган бўлса ажабмас.

Андижонда “Боғи Бобур” номида миллий боғ мажмуаси бунёт этилди. Вилоятдаги Адабиёт ва санъат музейи, вилоят ип-газлама хиссадорлик жамияти Андижон давлат университети, 24-сонли умум таълим мактаби, вилоят мусиқали драма ва комедия театри, шаҳар ва туманлардаги кўча ва маҳаллалар унинг номи билан аталади. Ўзбекистон фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. 1992 йил 23-декабрда Халқаро Бобур жамғармаси ташкил этилди, ушбу жамғармага ҳозирги кунда жонкуяр олим

Зокиржон Машрабов раҳбарлик қилмоқда. Бобур ва борийлар меросини ўрганишга, уни халқ оmmasига етказишда жуда катта илмий-маърифий ишларни амалга оширмоқда. Андижонда китобсевар ватандошларимизнинг кадрли ва севимли масканларидан бири вилоят ахборот –кутубхона марказдир. Андижон шахрининг кўркига кўрк қўшиб турган бу мухташам кутубхонага ҳамюртимиз, буюк мутафаккир шоир, давлат арбоби З.М.Бобур номи берилган ҳамда кутубхона фойесига Бобурнинг оқ мармардан ишланган бюсти ўрнатилган.

2007 йилда Андижонда кутубхона ташкил этилганлигининг 100 йиллик юбилейи республика миқёсида кенг нишонланди. Тантана муносабати билан марказнинг 3-қаватида “Кутубхона-миллий тараққиёт кўзгуси” мавзуида республикада биринчилар қаторида ўлкашунослик характеридаги музейи ташкил этилди. Музейдаги “Кутубхона тарих саҳифаларида”, “Бобурийлар сулоласи,” “Бобурнома – жаҳон адабиёти дурдонаси-” каби стентдлар китобхонларнинг энг яқин кўмакдоши бўлиб қолган. У ердаги маълумотлар мунтазам янгиланиб, бойитиб борилиши билан кенг китобхонларнинг севимли масканига айланган. Ҳар йили февраль ойида бу улуғ сиймонинг таваллуд кунлари республикамизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланади. Ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта асрнинг улуғ намоёндаларидан бири, тарихнавис ва табиатшунос олим, ҳамиша барҳаёт шоҳ асарлар соҳиби сифатида ҳамиша қалбимизда яшайди. Бобур ўз байтида таъкидлаганидек,

“Ҳар вақтики кўргайсен менинг сўзимни,

Сўзимни ўқуб, Соғингайсен ўзимни”.

ФАРИДУДДИН АТТОР

“АСРОРНОМА” – сир-асрорлар китоби

Фаридуддин Аттор нафақат буюк шоир, тазкиранавис, мутасаввуф, тарихчи ва файласуф, улуғ муаллимдир. Унинг асарлари буюк шахслар дунёқараши шаклланишига туртки берган. Мир Алишер Навоий олти ёшида Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” китобини ўқиб қандай аҳволга тушган бўлса, Мавлоно Жалолоддин Румий ўн икки ёшида Атторнинг “Асрорнома”сини ўқиб, ана шу ҳолатни бошидан кечирган ва умр бўйи бу китобга бўлган муҳаббати уни тарк этмади. Балхдан Маккага кетаётган Жалолоддин Румий Нишонпурда Шайх Фаридуддин Аттор билан учрашган, бу ҳақда Алишер Навоий “Насойимул муҳаббатда”да шундай ёзган: “Маккага борурда Нишопурда Шайх Фаридуддин Аттор суҳбатига етишдилар. Шайх “Асрорнома” китобини аларга берган экандур. Доимо ўзлари билан асрар экандурлар”

“Асрорнома”нинг ўзбекча таржимаси Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан 1999 йилда чоп этилган, Техрон нашри асосида амалга оширилди.

“Асрорнома” достони 21 мақола, 3306 байтдан иборат. Таниқли олим Иброҳим Ҳаққул ушбу китобга таъриф берганда қуйидаги фикрни айтган: “У инсон моҳият сирларини бадиий талқин қилишга бағишланган асар, яъни ирфоний китобдир” “Асрорнома”да шарият, маърифат, борлик, билиш, инсон муаммоси ва комилликка етишишнинг сирлари баён этилган.

Аттор, жон танани тарк этиб, самовий нурга қўшилишини, таъкидлайди. Танада мавжуд имкониятлар билон ғурурланиб мақтанишнинг хожати йўқ, чунки улар нисбий. Масалан, булбуллар овоз бобида, чумчук кўриш бобида (йигирма фарсанг олисни кўриши мумкин), сичқон ҳид сезиш бобида устун ҳисобланади. Бу дунё инсонни ўзига ром этади. Турли хилдаги бойликлар инсонни асл моҳиятидан четга чиқаради. Ваҳоланки, инсоннинг ўзи хазина бўлиб, ўзидан нур таратиши лозим. Очкўзлик, палидлик инсонни асир қилиб олган. Дев, иблис, маҳлуқлар дўстинг бўлишини хоҳламасанг, деб

таъкидлайди Аттор, бу дунё мулкани уларга бер, шунда маънолар осмонига уча оласан.

Инсон ўзини англаганда, Аллоҳни билиб олади. Агар борлиқ хижоб бўлса, бу ҳол инсонга хуш ёқади. Аттор фикрича, агар инсон борлиқни тарк этса, Аллоҳга яқин бўлади. Аттор ишқ ва ақлни бир-бирига таққослайди. Ишқ инсоннинг қалбида, ақлнинг ўрни эса миядадир. Хирад ёш бола, ишқ эса устакордир, дейди Аттор. Аллоҳ тупроқ ва қон қоришмасидан инсонни вужудга келтирди, сўнгра ер ва осмонни пайдо қилди, хазиналарни ерга жой қилди, тоғни михдек ерга қоқди, инсон танасини очиб, кўнглига турли нарсаларни, жумладан ишқни жойлаштирди. Инсон комилликка етиши учун унинг кўнглида ишқ жўш урмоги лозим, дейди Аттор.

“Низомулмулк ёнига бир пир келади. Унинг қўлида қанор бўлиб у вазирга мурожаат қилади

-Ушбу қанорни олтинга тўлдилинг

-Бу қанорга қанча олтин солмасангиз, у тўлмайди, -дейди вазир.

Бироқ, хизматкорларига пирнинг айтганини қилишга буюради. Хизматкорлари бир сандиқ олтин келтириб, қанорга олтин соладилар. Аммо қанорга солинган олтинни бор-йўқлиги сезилмайди, шунда улар ҳовучлаб олтин соладилар. Ниҳоят, қанор тўлади. Пир тўлган қанорни олиб, вазир ёнига келади ҳамда кутилмаганда унинг бошидан қанордаги олтинларни тўқади.

-Сенга беришга ҳеч нарсам йўқ, сендан олганимни қайтариб, ўзингга бераяпман, -дейди пир”

Аттор, инсон Аллоҳдан ўз жонига маъно сўраши, маънони олиб Аллоҳнинг ўзига сочиши кераклигини таъкидлайди. Маънога эса ишқ орқали етишиш мумкин.

Аттор бу дунёни хаёлга ўхшатади. Инсон бу дунёга ҳеч нарса билан келади ва ҳеч нарсасиз бу дунёни тарк этади. Ҳеч ким бу дунёда устун бўлиб қолмайди. Инсон ўзини англаши кераклигини уқтиради.

“Бир подшоҳ отда сайр қилиб юрарди. Бир киши йўл устида хурсанд бўлиб ўтирган бўлади. Подшоҳ унга юзланиб, савол беради.

-Эй дарвиш, сен менинг ўрнимда бўлишни хоҳлайсанми?

-Олампаноҳ, бундай савол берманг, чунки мен сиздан менинг ўрнимда бўлишни хоҳлайсизми, деб сўраганим йўқ, -дейди дарвиш”

Бу ҳикоясида дарвиш таъкидлайдики, агар инсон менлигини англамаса, унда жону тан ҳам бўлмайди.

Тасаввуф аҳли, жумладан, Аттор ҳам фоний ва боқий дунёни тасаввур қилишларини ўз асарларида баён қилишган. Аттор фикрича, боқий дунёда фоний дунёдаги воқеа ва ҳодисалар мутлоқликдан фориғ бўлади. Масалан боқий дунёда кун кундуздай бўлмайди, тун эса қоронғу кечадек бўлмайди, иссиқ ёз ёки қаҳратон қиш бўлмайди. Бу дунёда кўзгуниг бир томонига ўзингни кўриб, у дунёда иккала томони ҳам ойдин бўлади. Умар худди ойдек ярқирайди. Ваҳоланки, Билол ҳам у ерда қора эмас, оқ тусдадир. Инсон боқий дунёга дардини этолмайди, манманлар қиёматгоҳда худди чумолидек кўринади. Жаннат дейди Аттор, инсон туфайли зийнат топади, агар эзгуликка амал қилмасанг зийнат топмайди.

Аттор, ҳақиқатга таъриф берар экан, тафаккур тушунчасини олдинги ўринга қўяди. Ҳақиқат бу тафаккурга тўлиш, ўзидан кочиб, ўзи билан бўлишдир.

Бир подшоҳ ўз саройини талон – тарож қилиш имконини беради. Унинг барча хизматкорлари турли моддий буюмларни , ўзаро жанжаллашиб талашади. Фақат бир қули подшоҳнинг ёнидан узоққа кетмайди. Бир киши:

-Сен ҳам бирор нарсадан баҳраманд бўл, зарари тегмайди, - дейди.

- мен учун бу ҳаром ишдир, шоҳнинг чехрасини кўрсам мен учун етарлидир,
- дейди кул.

Буни эшитган шоҳ хурсанд бўлиб, хазинадан гавҳар олиб келишни буюради.
Хизматкорлари қимматбаҳо гавҳарни олиб келишади. Шоҳ:

-Мени жуда хурсанд қилганинг боис – бу гавҳарни сенга тортиқ қилаяпман, -
деб гавҳарни узатади.

Кул эса гавҳарни эмас. Шоҳ қўлини маҳкам туттади.

- Менинг мукофотим шу. Бу мукофот олдида гавҳарларнинг бир чақалик
вақоси йўқ, - дейди.

Аттор ушбу ҳикояси орқали ниҳоятда теран ҳақиқатни акс эттиришга
ҳаракат қилади. Икки дунёни ким демаса, у марддир. Биттасини хоҳласа
у одобсиздир, деб таъкидлайди яъни тасаввуф таълимотида Аллоҳнинг
васлини тилаб эътиқод қилиш лозим.

Таркидунёчилик қилиб, Аллоҳдан жаннатни сўрайдиган диндорларга
Аттор қарши чиқиб, қуйидаги мисрасисни келтиради.

Агар жон истаги Ҳақ эрса дийдор,

Нечун жаннатга бўлгайсан харидор.

Аттор моддий дунё ишларига берилиб. Аллоҳни ўйламайдиганларни
қоралайди. Кишининг кўнгли нафс билан шаҳватга банд бўлса, ҳаётнинг
маъноси нималигини англамаслигини таъкидлайди.

“Бир куни фаррош Аттор дўконига киради. Дўкондаги атирлар
ҳидидан ерга йиқилиб қолади. Буни кўрган Аттор гулобни олиб, фаррош
юзига сепеди. Фаррош гулоб ҳидидан беҳуш бўлиб қолади. Бир қанча вақт
ўтиб кўзини очади ва нажосатини бурнига суркади. Нажосатнинг хидидан

фаррош ҳушига келиб, туриб кетади”. Демак, Аттор нафсга берилган фаррошни қоралаб, бадбўйлик нафсга берилгани туфайли атир ҳидига чидолмаслигини таъкидлайди. Жумладан ўттиз йил чиллада ўтириб, Қуръон ўқийдиган дарвешларни асл йўлдан оғанлар деб билади. Нафс тўғрисида Аттор яна бир ҳикояни келтиради.

Олтмишга кирган бир диндор гўшт ейишни орзу қилади. Шу пайт гўшт ҳиди келаётган томонга қараб кетади. Бу йўл уни зиндон томон этади. Ниҳоят зиндонга келиб, посбон бир кишининг баданига тамға босилаётганини ва ўшандан гўшт ҳиди келаётганини кўриб орқасига қайтиб кетади. Демак, нафс инсонни берк кўчага олиб боради, шу боис нафсга берилмасликни Аттор таъкидлайди.

Аттор мусулмонлар кўп, лекин мусулмон бўлиш сўзда эмас, балки амалда бўлмоғи лозимлигини уқтиради. Нафсни итга тенглаштиради.

Нафс натижасида кишининг дили ялқовланиб, танаси танбалликка михланиб қолади, деб таъкидлайди Аттор.

“Қулоғи кар чўлда сарсон-саргардон бўлиб, ниҳоят карвон келишини бир жойда кутиб ўтиради.

- Карвон келгунча бир мизғиб олай, деб ухлаб қолади.

- Карвон келиб қулоғи кар кишини ёнидан ўтиб кетади. Кўзини очиб қараса ҳеч ким йўқ. Қулоғи кар бу оддий киши уйку эса унинг танбаллигидир. Демак, танбаллик туфайли инсон ҳаёт уммонида сарсон-саргардон бўлиб қолишини таъкидлайди.

Аттор ўз қарашларини ифода қилар экан фақат илмли кишининг кўзи равшан бўлишини таъкидлайди. У тафаккур ўрнини юқори деб билади. Аттор фалсафани илму дониш деб таърифлайди. Тана соғлом бўлганидай руҳнинг соғлом бўлишини илму дониш таъминлайди. Илмсиз йўлга тушма, илму дониш қоронғу ва узоқ йўлни ёритади, демак у бўлмаса, чоҳга тушиб кетасан, дейди. Аттор юқорида мусулмон бўлиш сўзда эмас, балки амалда

бўлиши даркорлигини билдирганидек, илм ҳам амалда натижа бериши кераклигини уқтиради. Шу билан бирга ҳар бир фикрни ўйлаб гапириш кераклигини айтади. Хуллас, Аттор илм инсонни юқори чўққига кўтара олишини билдиради.

Олам сир-асрорларини эгаллаб бўлмайдими, шу боис секинлик билан яхшилик уруғини соч. Деб таъкидлайди Аттор. Бугун ижобий томонга ўзгарсанг, фазилатларга эга бўлсанг, эртага сенинг номинг салбий баҳолардан узоқда бўлади. Китоб турли ҳикоялар билан ўша даврнинг жаҳолатга берилган кишиларини тарбиялашга уриниш, улар қалбида инсоний фазилатларни камол топтириш, келажак авлодга ҳам эзгуликнинг баҳоси фақат яхшилик эканлигини насихат қилишга қаратилган. Албатта, китобхон “Асрорнома” китобидан ўзи учун керакли бўлган маънавий озукани олиши шубҳасиз. Айниқса, мустақиллик шарофати билан буюк шарқ алломалари, жумладан Фариддун Аттор ижоди ўзгача шуқух билан ўрганилмоқда. Кенг китобхонлар ҳайрат ва мухаббатига сазовор бўлган ижодкор Акмал Саидовнинг “Атторшунослик” китобида Фариддун Аттор ижод олами, унинг тафаккур хазиналари ҳақида фикр юритилган яна бир нодир манба бўлди. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Аттор инсонни, унинг ички кечинмалари хусусиятини ўз асарига объект қилиб олади ҳамда комил инсон бўлиши учун қандай жиҳатларга эътибор берилиши кераклигини ифодалаб беради.

ХОНДАМИР

"НОМАИ-НОМИЙ"- (Атокли номалар)

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хуросон ва унинг маркази Ҳиротда илм фан ва маданият (меъморчилик, тасвирий санъат, яъни минатюра ва наққошлик, мусиқа ва ҳаттотлик санъати) юксалди. Бунда Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод ва Мирхонд, мавлоно Сайфий Бухорий ва Камолиддин Ҳусайн Жалойир, мавлоно Хожи Муҳаммад ва Шамсиддин Муҳаммад Андижоний. Шунингдек, Дарвешали

сингари ўнлаб забардаст олим ва адибларнинг хизмати катта бўлди. Хондамирнинг ҳам бу улкан маданиятга қўшган ҳиссаси шубҳасиз оз эмас. У ўзининг ўлмас тарихий асарлари билан кўп асрлик маданиятимиз хазинасини бойитди ва илм – фан тарихида ўчмас из қолдирди.

Хондамир (тўлиқ исми: Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Муҳаммад ибн хожа Жалолиддин Муҳаммад ибн хожа Бурҳониддин) 1475 йили Ҳиротда туғилди. Унинг отаси Ҳумомиддин Муҳаммад ўқимишли, фозил киши бўлиб. Султон Али Саиднинг ўғли Султон Махмад мирзонинг вазири эди. Онаси эса машҳур муаррих Мирходнинг қизи бўлган. Хондамир Ҳиротда ўқиб воятга етди. У тарих, илму адаб (адабиёт) ва иншо илмларини мукамал эгаллаб, замонасининг пешқадам олими бўлиб етишди. Унинг юксак камолотга етишишида ўткир зеҳнли, теран фикрли ва зўр ақл-фаросатидан ташқари, Алишер Навоийдек раҳнамо кишининг бўлиши ва унинг илму фан ва маданият равнақига бўлган олий ҳиммати ҳам сабаб бўлди, албатта. Навоий кўп олимлар, шоирлар, наққошлар, ҳаттотлар қатори Хондамирнинг ҳам илмий ишларига бевосита раҳбарлик қилди. Хондамир тарих илмига кўпроқ кизиқар бу ҳавас балоғатга етган ҳамоно уйғонган эди. "Фақиру ҳақир – деб ёзган эди. Хондамир "Хулосот ул-ахборда “ – балоғатга етиши биланок ҳамиша азиз умрини тарих китоблари ва маъруф ахборотларни мутолаа қилишга сарфлай бошлади. Бунинг учун унга тўла шароит яратилган эди. Ўша замонда Хуросонда энг бой ҳисобланган кутубхонанинг калити Хондамирнинг қўлига топшириб қўйилган эди. Бу хусусда Хондамирнинг ўзи бундай деб ёзган эди: Тарих ва хабарларни ўз ичига олган ва ул бузуркворнинг (Навоийнинг) кутубхонасида мавжуд бўлган ҳар бир китоб бу гадонинг ихтиёрига бериб қўйилган эди."

Навоий Хондамир олиб бораётган илмий ишлардан доимо бохабар бўлиб турди. Олим эса ҳамиша ўз режаларини Навоий билан келиб тузади. Илм соҳасида нимаики қилмоқчи бўлса, у билан кенгашди, валинеъматнинг маслаҳатларини олди. Хондамир ўзининг тўнғич асари

“Хулосат ул-ахбор”ни ёзишдан олдин Навоий хузурига борганлиги ва у билан бу хусусда маслахатлашиб, унинг ризолигини олганлигини айтади: "Бу хаёлни (китобни ёзиш хаёлини) ул фазлу камол доирасининг нуқтасига (Навоийга) қабул ва розилик топиб, шу номдор номани (китобни) иншо қилишга ижозат олдим".

Хондамир Навоий вафотига қадар унинг хузурида бўлди ва бир қатор муҳим тарихий асарлар яратди. Навоий вафотидан сўнг замоннинг зайли билан у она юрти Балхга кетиб қолди ва ўша Балх салтанатида ўлтирган Бадуззамон мирзо (1458-1511) нинг хизматига кирди. Бадуззамон ҳам ўқимишли киши эди. У билан ўртасида ота-боладек яқинлик ҳам бор эди. Шунинг учун бўлса керак, Бадуззамон Навоийнинг бу шогирдини ўз қаноти остига олди ва унга зўр илтифотлар кўрсатди. Хондамир Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин Бадуззамон билан Ҳиротга қайтди ва то 1510 йилгача шу ерда истиқомат қилди. У Ҳиротнинг икки марта: биринчи бор 1510 йил шоҳ Исмоил Сафавий (1502-1524) аскарлари тарифидан истило қилишини ўз кўзи билан кўрди, истилолар вақтидаги қирғин ва танлонларнинг шоҳиди бўлди. Унинг Шайбонийхон ёки кўчманчи Ўзбекларнинг Хуросондаги ҳокими Жонвафо мирзо хизматига кирган – кирмаганлиги маълум эмас. Лекин унинг асарлари, хусусан ана шу воқеаларни ўзида акс эттирган "Ҳабиб ус –сияр" асари Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларга қарши руҳда ёзилган. Шунга қараганда, у ўзбек хукмдорлари хизматига ўтмаган бўлиши керак.

1511 йили Ҳирот шоҳ Исмиил аскарлари томонидан ишғол қилинди. Ўша кунлари хондамир Ҳиротда эди. У кизилбошлар қўшни Хонқулибек бошчилигида 1510 йилнинг 9- декабрида Ҳирот остоналарида пайдо бўлганида бир гуруҳ ҳиротлик аъёнлар (шайхулислом Сайфуддин Аҳмад Тафтазаний, амир Низомиддин Абулқолдир Мшҳадий, саййид Гиёсиддин Муҳаммад Ғозий, қози Садриддин Муҳаммад, қози Ихтиёриддин Ҳасан

Турбатий ва бошқалар) билн бирга катта совғалар олиб унинг қаршисига чиққан.

Қизилбошлар ҳукмролигининг дастлабки йилларида яъни 1513 йили Хуросонда қаҳатчилик ва очарчилик бўлди. Натижада минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. (Хабиб ус-сияр, $\frac{3}{4}$, 81-бет). Кўчманчи ўзбекларнинг тез-тез қилиб турган хужумлари ва танловлари натижасида Хуросоннинг теварак атроф булуклари ҳам оғир аҳволга тушиб қолди. Шоҳ Исмоил томонидан тайинланган Хуросон Зайналхон ва Балх ҳокими Дев султон мамлакатда юз берган бу аҳвол туфайли бошланган сиёсий ва иқтисодий тенгликни олдини олишдан ожиз эдилар. Мамлакатдаги бу оғир аҳвол 1515 йилгача давом этади. Ўша йилнинг охирларида Коин вилоятининг ҳокими амир Султон ва Балх ҳукмдори Дев султон Табризга, яъни шоҳ Исмоил ҳузурига бориб Хуросонда аҳвол жиддийлагани ва Гаржистонда Бадуззамоннинг ўғли Муҳаммад Замон ва Ўрдашоҳ кузголон кўтарганлигини маълум қиладилар. Шоҳ Исмоил Хуросонда тартиб ўрнатиш ва у ерда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида Таҳмосп мирзони Хуросон ҳукмдори қилиб тайинлади. Лекин у ҳали ёш эди. Шунинг учун ҳам Амир Султонни унинг оталиғи (озарбайжонча-лўла) қилиб тайинлади. Таҳмосп мирзонинг вазири қилиб эса амир Ғиёсиддин Муҳаммад тайинланди.

Хондамир Хуросонда, айниқса Ҳиротда аҳвол оғирлашгани туфайли 1514 йили пойтахтни ташлаб, Гаржистонга тобе бўлган қишлоғига кетишга мажбур бўлди. Айни шу вақтда Муҳаммад Замон шоҳ Исмоил саройидан қочиб кетди ва Астробод ҳокими Камолиддин Ҳусайн билан қўшилиб қизилбошларга қарши исён кўтарди ва бу вилоятни (Астрободни) қўлга киритиб олди. Шаҳзода кўп ўтмай Журжонни ҳам эгаллади ва ўша ерда туриб Атрак бўйидаги Саинхоний ва Гирай эли туркманларга элчи юбориб улар билан иттифоқлашиш ниятини билдирди. Охир оқибат Муҳаммад Замон қизилбошиларга қарши Атрак бўйи туркманлари билан ҳарбий иттифок

тузиб олишга муваффақ бўлди. Бир талай хуросонлик амирлар ҳам биринкетин мирзога қўшилдилар. 1514 йил 5 ноябрда Астрободдан 8 фарсах масофада жойлашган оқ Машҳад деган жойда Муҳаммад Замон ва унга қарши хожа Музафариддин бошчилигида юборилган қизилбошлар ўртасида шиддатли урш бўлди. Икки кун давом этган бу жангда Муҳаммад Замон ва унинг иттифоқчилари мағлубиятга учрадилар. Шаҳзода билан бириккан хуросонлик амирлар ўз юртларига қочиб кетдилар. Муҳаммад Замон эса туркманлар билан бирга Атрак тарафга чекинди. У туркманлар орасида 2-3 ой истиқомат қилди. Худди ўша кунлари Бадуззамоннинг собиқ амирларидан Ўрдашоҳнинг Гаржистон Кўҳистонни қизилбошлардан озод қилганлиги ва Хуросон амирларининг барчаси у билан қўшилганлиги тўғрисида хабар олинди. Шундан сўнг Муҳаммад Замон Обивард орқали Гаржистонга борди. Ўрдашоҳ уни зўр иззату икром билан кутиб олди. Хондамир шу вақтда Гаржистонда эди. У Муҳаммад Замоннинг бу ерга келганини эшитиб унинг ҳузурига борди ва шаҳзоданинг хизматига кирди.

1527 йили ёзда Хондамир Ҳиндистонга кетишга қарор қилди ва Қандаҳорга жўнади. 1528 йил 3 мартда Қандаҳордан чиқиб, Ҳиндистон томон йўл олди. 1528 йил 18 сентябрда Хондамир Ҳиндистонга, Бобур мирзо ҳузурига етиб келди. Бу вақтда Бобур Ауд шаҳрида турар эди. Ҳиротлик машҳур шоир Шаҳоб Муаммой ва Ҳиротдаги “Султония” мадрасисининг мударриси амир иброҳим Машҳадий ҳам Хондамир билан бирга бу ерга келган эдилар. (Бобурнома, 389-бет). Бобур уларни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қарши олди ва уларга сарой хизматчилари қаторидан жой тайин қилди.

"Ҳабиб ус-сиярнинг" форсча матнини нашрга тайёрлаган Муҳаммад Ҳусайн Кошонийнинг сўзларига қараганда Бобурнинг ўрта осиелик, эронлик ва туркиялик элчилари шарафига берилган зиёфатда, 1528 йил 19 декабрда Аградаги Боғи Беҳиштда зикр этилган ҳамроҳлари ҳам иштирок этганлар.

Хондамир Бобурнинг вафотига қадар ҳамма вақт у билан бирга бўлди. 1529 йил феврал ойида Бобур Бангол вилоятига, султон Маҳмудга қарши юриш бошлади. Хондамир, амир Иброҳим Машҳадий, Шаҳоб Муаммой бу юришда унга ҳамроҳ бўлдилар. (Бобурнома, 429-бет)

Бобур вафотидан сўнг Хондамир тож-тахт вориси Носируддин Хумоюннинг хизматида бўлди ва унинг кишилари қаторидан жой олди. Хондамир 1535 йилда, яъни Хумоюннинг Бурхонпур (Гужорат вилоятига) қилган ҳарбий юриши вақтида вафот этди ва Деҳлида хожа Низомиддин Авлиё ва Хусрав Деҳлавий мазорига дафн этилди. Хондамир бор – йўғи 62 йил умр кўрди. Лекин унинг умри сермазмун, келажак учун фойдали кечди. У яратган ўлмас асарлари туфайли ўз номини тарих саҳифасига абадий нақшлади. Хондамирнинг бой илмий мероси ҳақида фикр юритишдан аввал шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки. У сарой кишиси, ҳукмрон феодал синфнинг вакили эди. Шунинг учун ҳам у ўз синфининг мақсад ва манфаатларига садоқат билан хизмат қилди, ўз асарларида ана шу ҳукмрон синфнинг руҳи ва дунёқарашини акс эттирди. Меҳнаткаш омманинг оғир турмуши эса унинг назаридан четда қолди. Ўз турмушини яхшилаш учун курашган меҳнаткашларни эса аҳли фитна, бебошлар деб атади. Шунга қарамай унинг асарлари диққат билан ўқилса, ундан меҳнаткаш, омма ҳақида ҳам бирмунча қимматли маълумот олиш мумкин.

Умуман, халқимиз ва биз билан қўшни бўлган Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон халқларнинг узоқ ўтмишдаги тарихи ва юксак маданиятини ўрганишда машҳур муаррих Хондамирнинг ажойиб асарлари муҳим рол уйнайди

.Юқорида айтганимиздек, Хондамир ўрта аср фани, хусусан тарих илми тараққиётига баракали ҳисса қўшди. У Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги ижтимоий ва маданий ҳаётини ўз ичига олган 10 га яқин йирик асар яратди. Унинг кўпгина асарлари

оригиналлилиги ва турли туман фактик маълумотларга бойлиги билан муҳим ўрин тутди.

Хондамирнинг "Номайи номий" асари ханузгача илмий жамоатчиликка яхши маълум эмас шу сабабдан бўлса керак, бу асар уларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келаётир. Тўғри асар ҳақида қўлёзма асарлар каталогларида айрим маълумотлар келтирилган. Лекин улар жуда қисқа бўлиб, бу баёнотларни асарга берилган тўлиқ баҳо деб бўлмайди. Ваҳоланки, олимнинг бу асари ҳам зўр илмий қимматга эга. Унда Мовороуннаҳр ва Хуросоннинг XVI аср бошларидаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид шундай ноёб маълумотлар борки, улар бошқа манбаларда ва ҳатто "Ҳабиб ус-сияр" да ҳам учрамайди. Асар қачон ва қаерда ёзилганлиги маълум эмас. Унда баён этилган воқеалардан энг сўнггиси 1521-1522 йилларга оиддир. Шунга қараганда, асарни 1523-1524 йилларда, балки ундан бир оз кейин ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин. "Номайи номий" 9 бобдан иборат бўлиб, қадим замонлардан то 1521-1522 йилларгача мусулмон мамлакатларида иншо илмида қалам тебратган етук олимлар ва фозил кишилар ҳақида маълумот беради. Ундан ташқари, турли табақа: подшо ва султонлар, улуғ амирлар, садрлар, қозию кузотлар, шоирлар ва бошқаларга оид мактублар, подшо ва хонларнинг ёрлиқ ва фармонларидан намуналар,, шунингдек ёзма ва фармонларни битиш тартиб – қоидалари ҳам баён этилган. Асарнинг биринчи боби подшоҳ ва хонлар олий мартабали амирлар, садрлар парвоначилар, муншийлар ва мустафийларнинг ёзишмаларини ўз ичига олади. Бу ерда муҳаммад Замон мирзонинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга Кирмон ва Исфаҳон ҳокими Саид Аслиддиннинг Бухоро хони Убайдуллахон (1533-1539) га ва номаълум бир шайхнинг (машойихи аъзал) Бадиуззамон мирзога ёзган мактублари ҳам келтирилган. Шунингдек, асарда амир Ўрдашоҳнинг ҳам мактуби бор. Булар расмий ҳужжат сифатида диққат – эътиборга сазовор бўлиб, теурийларнинг Мовороуннаҳр ва Хуросондаги сўнгги вакиллари Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Муҳаммад Замон ҳамда

кўчманчи ўзбеклар билан сафавийлар Эрони ўртасида XVI асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий муносабатларни англашда муҳим ўрин тутади. Шунинг эътиборга олиб, мактубларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз. Биринчи мактуб яъни Муҳаммад Замоннинг Заҳриддин Муҳаммад Бобурга йўллаган (1515) мактуби. Унда Муҳаммад Замон қуйидагиларни ёзган: "Шундай қилиб, фатху зафар сураси мурод ойнасида жилва қилди. Агарда мазкур жой олий ҳазратларининг қароргоҳи бўлишга муносиб бўлса, бандога ундан асло қисилиш йўқдир. Бордию, он ҳазратнинг дарё томчиларидай сероб хотири ул жойга мойил бўлмаса унинг ҳокимлигини бирор хизматқорига берадиган бўлмаса, унда умид шулки, меърос ва ҳақдорликка аввал турган бу бандани мазкур вилоятнинг волийси этиб қўядилар.... қолган гапни давлатимиз таянчи бўлган Муборизиддин Муҳаммад Боқий Барлос осмон асос остонининг ходимлари арзига етказди".

Исфохон ва Кирмон ҳокими Саид Асилиддиннинг Убадуллахон номига юборган мактуби алоҳида қимматга эга бўлиб, ҳар икки кўшни мамлакат – Бухоро хонлиги билан Эрон ўртасида XVI асрнинг биринчи ярмидаги муносабатлар қай аҳволда бўлганлигини аниқлашда ёрдам беради. Бу мактубнинг ҳам ёзилган йили кўрсатилмаган. Лекин унинг мазмунидан 1521 йил ёзилганлигини пайқаш мумкин, чунки унда хат ёзилгандан бир йил муқаддам, 1520 сентябрда Туркия ҳукмдори султон Салимнинг вафот этганлиги ва тахтга унинг ўғли султон Сулаймон ўлтирганлиги айtilган. Хат муаллифи, яъни Саид Аслиддин ўзини фалак ходими бўлмиш хоннинг давлатхоҳларидан бири деб атайди. Саид асилиддин Убайдаллахонга хусусан мана буларни хабар қилади: "Кизилбошлар зўр бериб Мовороуннаҳрга ҳужум қилиш тараддудини кўрмоқдалар. Бу хусусда илгари элчилар орқали ҳам хабар қилган эдик. Агар бу мудҳиш аҳвол содир бўлгудек бўлса, фитна ва фасод кучайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу мадҳиш аҳволнинг олдини олиш зарур". Мактубда яна мовороуннаҳр кўшинларининг Кирмон ва Исфохон атрофларини талон – тарож қилиниши

натижасида кўп кишиларнинг ёстиғи қурганлигини айтиб, Убайдуллахонга мавжуд иттифоқни яна ҳам мустаҳкамлаш учун бундан буён бундай аҳволга йўл қўймаслиги сўралган.

Номаълум шайхнинг Бадиуззамон мирзога йўллаган мактуби давлатнинг оила ва мулкка бўлган муносабатлари масаласи ана шу вақтда Шарқ мамлакатларида, хусусан Хуросонда қандай қўйилганлигидан маълум даражада гувоҳлик беради. Бу мактубда Маъйин деган кишининг вафот қилганлиги муносабати билан унинг молу мулкани давлат ихтиёрига олмай, қариндошларига, аниқроғи инисининг сағир қолган болаларига қолдириш сўралган. "Диёнат ва мусулмончилик шуни тақозо қиладики, дейилади мактубда –султонлик остонасининг ходимлари қолган молларини тасарруф қилишда қўлларини тортсинлар".

Муборизиддин Ўрдашоҳнинг мактубида унинг Гаржистонда қипчоқ қавми устидан ғалаба қозонгани ва уларни ўзига бўйсиндирганлиги хусусида гап боради. Афтидан, бу воқеа 1515 йили содир бўлган. Биринчи бобнинг садрлар билан олий ҳукмдор ўртасида бўлган ёзишмаларига бағишланган учинчи қисмида садр лавозимининг қачондан жорий этилганлиги ва унинг сабаблари ҳақида айтилганки – деб ёзади. Хондамир, - садрлик мансаби Султон Маликшоҳ Салжуқийнинг кашфиётларидандир ва бу мансаб ихтиро қилинишининг сабаби шулки жам (нишон) подшоҳ (Султон Маликшоҳ) фазлу камол аҳлининг яхши аҳволи ва ширки фароҳати хусусида доимо саъй-ҳаракат кўрсатадилар, улуғ саййидлар ва марҳаматли уламоларнинг таъзим ва тақримида бағоят тиришиб уларнинг илтимосларини зўр илтифот билан қабул қиларди. Ўша аснода унинг хотирида шу маъно акс этдики, бу шарафли тоифа халойиқ тўрасидан бўлганидан мутаносиб кўрдик, ўзининг муҳим (ва катта) ишларини саранжом қилиш учун (улар) турклар ва (маҳаллий) ҳокимлар мулозаматида борсинлар.

Хондамир садр лавозимини кейинги ўтган ҳамма подшолар ва хонлар ҳам жорий қилганлигини айтиб, бу лавозим эгаси бўлган шахслардан энг кўзга кўринганларини қайд этиб ўтади. Хондамир садрлардан баъзиларининг яна ҳам юқори давлат мансабларига, хусусан соҳиб ихтиёрлик (бош вазирлик) мансабига кўтарилганлигини эслатади. Баъзи садрлар, деб ёзади Хондамир –қадамини бу мартабадан ҳам баландроқ қўйиб мамлакат ва мулкни соҳиб ихтиёр бўлганлар.

Асарда яна бир қанча давлат лавозимлари хусусида ҳам маълумот мавжуд. Улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Парвоначи. Марказий ҳукумат ва унинг девонлари тарафидан чиқарилган фармон ва мактубларини маҳаллий ҳукмдорларига етказиб берадиган мансабдор. Хондамир парвоначилар ҳақида мана буларни ёзади:" Ҳашамат равишлик султонлар баъзан бу мансабни уч қисмга тақсим қилиб, уларнинг ҳар бирини тавочилар девони мол (молия ишлари девони) ва садрлар бошлиғи (саркори саодат) га алоҳида парвоначи тайинланганлар ва кўп вақтлар уларни икки қисмга бўлиб, молия девони ва сдрлар бошлиғи парвоначилигини бир кишининг зиммасига юклаганлар. Ва аҳён аҳён учала саркор учун фақат битта парвоначи тайин қилганлар.

Муншийлар. Подшо ва хонларнинг шахсий котиблари воқеанавислиги. Биринчи табақали муншийлар кундалик воқеалар тарихини ёзиб туриш, иккинчи табақадагилар мактублар ёзиш ва ниҳоят учинчи муншийлар фармон ва ёрлиқлар хозирлаш билан машғул бўлганлар. Хондамир уларни иншо фанининг етук намояндalари деб атади ва бу фанда зўр маҳорат кўрсатиб шухрат топган муншийларнинг номларини ҳам қайд этиб ўтади. Улар орасида машҳур Зафаном асарининг муаллифи Шарафиддин Али Яздий, атоқли муаррих ва давлат арбоби мавлоно Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий ва Мирхондларнинг номлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Хондамир айниқса, иккинчи ва учинчи табақага кирган

муншийларнинг зўр имтиёзга эга бўлганликларини иалоҳида таъкидлайди. "Нишон ва мактублар битиш билан машғул фирқа, – деб ёзади у шон-шараф топганлар ва ҳаётининг кўп қисмини султонларнинг даргоҳи мулозаматида ўтказганлар".

Муставфий. Молия девоннинг бошлиғи. Хондамир муставфийлар муҳим давлат мансабдорларидан эканлигини, баъзилари вазир ҳисоблаганлигини айтади: бу тоифанинг баъзилари фозиллардан бўлиб, иншоода мунтазам бўлганлар. Бундайлардан "Тарихий Гузида", (Танланган солнома) ва "Нузхат ул-қулуб "(Кўнгиллар беағи) асарлари билан ном қолдирган Элхон Абу Саиднинг муставфийси Ҳамдуллоҳ Казвиний темурий хонақоҳлардан султон Абу Саиднинг вазири Афзалиддин ва шоҳ Исмоил молия девонининг бошлиғи малано Шамсиддин Камолийнинг номлари асарда зикр этилган.

Ихтисоб (мухтасиб) Диний урф – одатлар ва шариат қоидаларининг мусулмонлар тарафидан бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдир.

Ҳофизлар. Аслида ўрта асрларда Қуръони мажидни қироат билан ўқувчи кишилар шу ном билан аталганлар. Хондамир Қуръон оятлари ва шунингдек пайғамбарлар сўзларини (ҳадисларни) қироат билан ўқийдиган қорилар ҳофиз деб аталганлиги ва улар шу сабабдан зўр шуҳрат топилганлигини ҳикоя қилади.

Мубашшир. Подшоҳ ва хонларнинг вилоятида вилоятларга мунтазам юбориб турадиган мухтор вакили. Хондамир мубашширларнинг халқнинг ўрта табақасига мансублигини айтади. Шунга қараганда, мубашширлар ўша замонда кўйироқ лавозимда турганлар ҳамда хон ва подшонинг махсус кузатувчилари бўлганлар.

Камончилар, тиртарош ва тирандозлар. Кўпроқ ҳарбийларга мансуб бўлган бу касблар шоҳ Исмоил Сафавийнинг 1522 йили чиқарган фармонида қайд қилинган. Унда камонда ўқ узишда шуҳрат топган бир амирнинг

камончилар ва тирандозлар (ўқ отувчи) қисмига бошлиқ қилиб тайинланганлиги айтилган. Бу шахснинг тиртарошлар (ўқ ясовчилар) ва камон ишлаб чиқарувчи усталарга ҳам бошлчилик қилиши кўрсатилган.

Калонтар. Луғавий маъноси энг катта, энг улуғ ва умуман бошлиқ демакдир. "Номайи номий"да келтирилишича бирон давлат муассасининг бошлиғи ҳам шу ном билан аталган. Бу хусусда шоҳ Исмоил Сафавийнинг 1523 йил май ойида машҳур миннатюрис – мусаввир Камолиддин Беҳзодни подшо кутубхонасининг бошлиғи (калонтари) этиб тайинлаш ҳақида чиқарган фармони диққатга сазовордир. Шуниси муҳимки котиблар (котибон), наққошлар (наққошон) жадвал тузувчилар (жадвал кашон), риёзат (математика) ва бошқа аниқ фанларга оид масалаларни ечувчилар (халкор) зар билан нақш солувчи (заркубон), ложувард (зангори) буёқ билан ишловчилар (ложувардушон) ва бошқа шунга ўхшаш касб – ҳунар эгалари кутубхоналар ҳузурида ишлаганлар. Фикримизнинг исботи учун шоҳ Исмоил Сафавий фармонидан парча келтирамиз: "...Асрнинг нодири мусаввирлар бошлиғи, мазҳаблар етакчиси устод Камолиддин Беҳзодни оёғини хилофат ошён остонанинг мулозамати марказига қўйиб хисравон илтифот ва подшоҳона шафқатни топган бўлиб шу боисдан ҳукм қиламизки хумоюн кутубхона хизматчилари ва мазкур ишга тегишли бўлган ва мерос мамлакатга таалукли бўлган котиблар, наққошлар, жадвал тузувчилар, заркублар, ложувардшуйлар унга тайин ва таалуклидирлар". Ўша йили (1523) берилган яна бир фармонда меъморлар, нажжорлар (дурадгорлар) ва бошқа сарой усталари устидан ҳам калонтар қўйилгани айтилди.

“Номайи номий” да савдгарларга тархонлик имтиёзи бериш ҳақидаги бир фармон (шоҳ Исмоил Сафавий томонидан берилган бўлса эҳтимол) ҳам мавжуд. Фармон 1522 йил 27 йил апрелда чиқарилган. Фармонда савдогарлар (Тужжарон) ўзларининг олди-сотди билан мулку миллатнинг, яъни мамлакат ва миллатнинг фаровонлигини орттираётганликлари, шу сабабдан уларнинг энг етуқларига тархонлик имтиёзлари берилганлиги

айтилган. Биз фикр юритаётган фармон хожа Илёс исмли савдогар номига берилган ва унда мана бандай дейилади: “...Хукми хумоюн содир бўлдики, номи зикр этилган хожа (Хожа Илёс) тархон бўлган ва ўз мамлакатада, ҳамма жойда олди-сотди билан машғулдир. Уни бож, хирож, закот, тамға ва бошқа таклифотлардан, яъни жарималардан озод ва марфиъ ул-қалам солиқ дафтарида чикарилган ҳисоблансин. Доруссалтанат (пойтахт) Ҳирот, унинг теварагидаги мавзелар ва бошқа ўлка ҳамда вилоятларнинг ҳокимлари, доруғалари, бошлиқлари ундан (фармондан) бўйин товламасинлар, ундан суюғоний ва пешкаш талаб қилмасинлар. Мубашширлар, закотчилар ва тамғачиларнинг номи зикр қилинган хожадан бирор нарса олиши ёки махфий равишда талаб қилинишини манъ этсинлар ва хав-хатарли йўллардан (ўтиш пайтида) кузатиб қўйсинлар. Кемачилар (кишти бонон) ёки йўл кўрсатувчилар (рохдорон) хумоюн ҳукмига амал қилиб ундан сувдан ва йўлдан ўтиш ҳақи (яъни киштибоний ва рохдорий) таъма қилмасинлар ва уни саломат ўтказиб ундан бирон нарса талаб қилмасинлар”.

XV-XVI асрларда савдогарларга тархонлик имтиёзи бериш ҳоллари Ўрта Осиёда ҳам бўлган. Масалан, Шайбонийхоннинг савдогарлар табақасидан бўлган Фозил исмли бир шахсга ана шундай ёрлик берганлиги маълум (Бобурнома, 103-бет). Лекин Шайбонийхон даврида ва ундан кейин ўтган шайбонийхонлар замонида савдогарлар табақасидан бўлган бирон кишига тархонлик ёрлиғи берилганлиги маълум эмас.

Хуллас, Хондамирнинг “Номайи номий” асари Эрон ва Ўрта Осиёнинг XVI асрдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотларга эгадир. Хондамирнинг чет эллардаги Шарқ кўлёмалари сақланаётган айрим кутубхоналарда бошқа асарлари ҳам бор. Булардан бири “Осор ул-мулук ва-л-анбиё” (Подшолар ва пайғамбарларнинг нишонлари) бўлиб, “Ҳабиб ус-сияр”нинг мухтасаридир. Бу асар афғонистонлик шарқшунос олим Гўё Эътимодийнинг айтишича, 1525 йили ёзилган.

Хондамирнинг яна бир асари "Қонуни Ҳумоюн", ёки "Ҳумоюннома"дир. Гўё Эътимодийнинг таъкидлашича, бу асар Ҳиндистон подшоси Ҳумоюннинг маноқибида бўлиб зоҳиран унинг (Хондамирнинг) сўнгги асарларидир. Бу асар 1530/31 йили ёзилган.Олимнинг бизгача етиб келмаган, аниқроғи ҳали қидириб топилмаган асарлари ҳам бор. "Ахбор ул-ахёр", "Мунтахаб ул-тавориҳи Вассоф" (Вассоф тарихидан сайланма),"Ғаройиб ал-асрор", ("Ғаройиб сирлар"), "Жавоҳир ул-ахбор, ("Қимматли хабарлар") шулар жумласидандир.

“ХУМОЮННОМА”

Мамлакатимизнинг йирик тарихчи, манбашунос олимлари Бўрибой Аҳмедов ва унинг истеъдодли шогирдлари Азамат Зиё, Наим Норкуловларнинг таъкидлашича, Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган тарихий асарлар, сон жиҳатдан ҳам, илмий қиммати жиҳатидан ҳам Амир Темури бобокалонимиз даврида ёзилган асарлардан қолишмас экан. Булардан энг машҳурлари Абул Фазл Алломийнинг “Акбарнома”, Жаҳонгиршоҳнинг “Тузуки Жаҳонгирий”, Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” асарларидир.

Ҳаммамизга маълум, бизнинг ўлкамизда илм-фан, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа ва хаттотлик санъатлари темурийлар давридан анча йиллар олдин ҳам ривож топган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райхон Беруний номли шарқшунослик институтида, қолаверса, чет мамлактларида халқимиз тарихига оид юзлаб асарлар сақланиб келмоқда. Уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш учун шарқ ва бошқа чет тилларини биладиган, қўл ёзмаларни ўқий билдиган мутахассис олимларни етиштириш талаб қилинади. Истиклол туфайли узок

ўтмишдаги ҳққоний тарихимизни яратиш учун ҳамма шароитлар яратилди. Шундай экан, араб, форс тилларини мукаммал ўрганган тарихчи мутахассисларимизни етиштиришга кўпроқ эътиборимизни қаратиш лозим.

Ҳумоюншоҳ отаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва буюк бобоси Амир Темур каби, давлат ишларини бошқаришда ўзига хос ислохотлар ўтказмоқчи бўлган. Ана шу ислохотлар тарихи ва жараёни ушбу “Қонуни Ҳумоюнӣ” асарида ўз ифодасини топган. Мазкур асарни “Темур тузуклари”нинг ўзига хос давоми, десак ҳам бўлади. Яъни, Темурийлар даври давлатни бошқариш анъаналарининг Ҳиндистон шароитида давом эттирилиши, қўлланиши десак ҳам бўлади.

“Қонуни Ҳумоюнӣ» асари баъзи шарқшунос олимларимиз эътиборини тортган. Масалан, шарқшунос олима Насиба Қориева ўз номзодлик десертатсиясида ушбу асардан фойдаланган. Лекин асар махсус ўрганилиб, тадқиқ этилиб, халқимизга ҳвола этилмаган. Шунинг учун ҳам унинг тадқиқ этилиши долзарб, муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

“Қонуни Ҳумоюнӣ” бизгача уч нусхада етиб келган. Биттаси машҳур Британия музейида сақланмоқда, иккинчиси Техронда ва учинчиси Санкт-Петербургда сақланади. Унинг Ҳиндистонда чоп этилган нусхаси ва инглиз тилига қилинган таржимаси мавжуд. Асар Ҳидоят Ҳусайн томонидан Ҳиндистонда 1940 йилда чоп этилган. Асар гарчи ҳажм жиҳатдан кичик бўлса ҳам (53 бет), илмий қиммати каттадир.

“Қонуни Ҳумоюнӣ” асари форс тилида ёзилиб, унда Ҳумоюншоҳнинг тахтга ўтириши тўғрисида, унинг салтанатни бошқаришдаги ислохотлари, кунларни, ҳафталарни тақсимлаб, иш кунларини белгилаб бориши, ҳар куни қандай, қанақа рангда кийим (либос) кийиши, турли хил ихтиролари, қурдирган кемалари, бозорлари, бунёдкорлик фаолияти, инсонни ҳайратга қолдирадиган тилла тожи, “Бисоти нишот” деб тўқиттирган хурсандчилик гилами тўғрисида кенг маълумотлар берилган.

Шунингдек, Ҳумоюншоҳнинг яқин кишилари ҳамда у тўғрисида замондош шоирлар ёзиб қолдирган маснавий, қитъа, бйт ва шеърлар илова қилиниб, асар бадий жихатдан жуда гўзал тилда ёзилган. Асардаги “Қуръони карим”дан келтирилган оятлар эса, ўқиган кишининг албатта кўнглини равшан қилади.

Юқори келтирилган фактлар ва маълумотлардан Хондамирнинг сермахсул олимлиги яққол кўриниб турибди. У ёзиб қолдирган асарлар, шубҳасиз, тарих фанига қўшилган катта ҳиссадир. Унинг бой илмий меъросини ўрганиш олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоғи лозим.

ЎТАМИШ ҲОЖИ

“ЧИНГИЗНОМА”

“Чингизнома” Олтин Ўрта ва Қозоғистон кўҳна тарихидан, аниқроғи тарихий асарлар жумласидан ҳисобланади. Лекин асар ҳозиргача жуда кам ўрганилган, тадқиқотчи олимлар унинг факт ва маълумотларидан деярли баҳраманд бўлишмаган. Бунинг асосий сабаби асарнинг кам нусхада етиб келганлигидадир. Бизга маълум бўлишича, “Чингизнома”нинг фақат битта нусхаси сақланиб қолган холос. Ўша яккаю ягона нусха ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида 1552/V рақам остида сақланмоқда. У бошқа олтита асар билан бирга муковаланган. Бу асарлар ораида машҳур тарихчи олим Абулғозихоннинг “Шажарайи тарокима” (Туркман халқининг шажараси) деган машҳур асар ҳам бор. Лекин, афсуски “Чингизноманинг” бу нусхаси тўлиқ эмас. Воқеалар баёни машҳур Олтин Ўрта хони Тўхтамишхон тарихи билан узилиб қолган.

“Чингизнома” бир вақтлар Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийлардан Эш Султон (158 йили ўлдирилган) нинг топшириғи билан XVI асрнинг биринчи ярмида ёзилган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи асар муқаддимасида батафсил гапирган.

Асар муаллифи Ўтамиш ҳожи ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Унинг ҳақида фақат қуйидагилар маълум. Отаси Мавлоно Муҳаммад Дўст ўзига тинч ва нуфузли одамлар жумласидан бўлиб, шайбонийлардан Илборсхоннинг саройида хизмат қилган. Ўтамиш ҳожининг бобоси эса ўз вақтида шабонийхонлардан Ёдгорхоннинг хизмтида бўлган. Ёдгорхоннинг улуси Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб хоннинг ўзи асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон билан бўлган тунги тўқнашувда ҳалок бўлган. Ўтамиш ҳожининг ўзи ҳам Илборсхон саройида мунший (котиб) бўлиб ишлагани маълум. Олим ҳақида ҳозирча бошқа бирор нарса дейиш қийин. “Чингизнома” ҳақидаги дастлабки маълумотни Е.Ф.Каль (1863-1891), В.В.Бартолд ва А.В.Валидийлар беришган. Ҳар учала олим ҳам “Чингизнома” ни диққатга сазовор асар деб баҳолаганлар. Лекин шуни алоҳида айтиб ўтмоқчимизки, “Чингизнома” ни ўрганиш борасида Қозоғистонлик шарқшунос олим марҳум В.П.Юдиннинг хизмати салмоқли бўлган. Олим бу асарни рус тилига таржима қилиб, нашр этган (1992), “Чингизнома” материаллари асосида бир неча муҳим илмий мақолалар ёзган. Ҳа ҳақиқатан ҳам, “Чингизнома” диққатга молик муҳим тарихий асар бўлиб, асосан ривоятлар, муаллифнинг эшитган уққанлари ва кўрганлари асосида ёзилган. Ўтамиш ҳожи фақат айрим хонларнинг номини қайд этган, холос. Хонлар ҳақида батафсил маълумот тополмаган. Ўтамиш ҳожи ўтган замонлар ҳақида билимдон одамлардан сўраб – суриштириб кўп ривоятлар тўплаган ва тез фурсат ичида ўзи ҳам ривоятларни яхши билувчи киши сифатида танилган. Хуллас , Ўтамиш ҳожи ўзига керак бўлган ривоятларни кунт билан битта – битталаб йиғиб, Дашти қипчоқ ва Қозоғистонда жуда кўп фактик материаллар тўплаган. Лекин улардан фойдаланганда танқидий услубга амал қилган, ривоятларни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, сўнг китобига киритган. Уларнинг (Олтин Ўрта хонларнинг) кечмишини ўрганиш борасида менда катта хоҳиш интилиш бўлганлиги сабабли, - деб ёзади “Чингизнома” муаллифи, - фалон ерда тарих ривоятларини яхши билган кекса одам борлигини эшитгудай бўлсам,

тўхтовсиз унинг ҳузурига бордим ва сўраб –суриштириб, ҳақиқатни билиб олдим, эшитганларимни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, маъқулларини хотирамда сақладим, маъқул бўлмаганларини рад этдим. Ўтамиш ҳожига маълумот берганлар орасида савдогарлар, сайёҳлар, аслзодалар, ва ҳатто хонлар ҳам бўлган. Бу хусусда муаллиф юқорида номи зикр этилган Илборсхонни алоҳида тилга олади. У ривоятларни жуда яхши билар эди, - деб эслайди Ўтамиш ҳожи унинг ҳақида. Ўтамиш ҳожига тарих ривотларини яқиндан ёрдам берганлар орасида Султон Ғози султон хизматида бўлган Хожитархонлик (Астраханлик) ҳожи Ниёз хитой – қипчоқ қабиласига мансуб бўлган Бобо Алибийлар ҳам бўлишган. Бир сўз билан айтганда – дейди Ўтамиш ҳожи пировардида, - хитой-қипчоқ қабиласидан чиққан ва илгари хожитархон хони Абдулкаримхоннинг катта бекларидан бўлган Бобо Али ҳожаси, яъни ўша Абулкарим вафотидан кейин Макки Муққарамани бориб зиёрат қилиб, ҳожи бўлиб қайтди. Шундан кейин у Султон Ғозихоннинг хизматига кирди. Султон Ғозихон ҳам тарих ривоятларини яхши кўрарди. Шу сабабдан хон ҳазратлари мендан сўрадилар: "Айтишларича, Тўхтамишхон Ўрусхон даргоҳидан қочиб бу ерга келганмиш. Бу қандай юз берди? Бунда ўша Бобо Али ҳожидан эшитганларимни унга ҳикоя қилиб бердим."

“Чингизнома” муаллифи ҳақида яна қуйидагилар маълум. У хоразм ва Олтин Ўрданинг жанубий вилоятлари, хусусан Каспий денгизни соҳиллидаги юртлар ва Волганинг қуйи оқимида жойлашган вилоятлар бўйлаб кўп саёҳат қилди. Бу ерда у нафақат тарихий, балки жўғрофий маълумотлар ҳам йиғди. Масалан, Олтин Ўрта хони Беркахон билан Дарбанд (Озарбайжон)га бостириб кирган Элхон Халоқулихон ўртасида бўлган уруш ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Шу билан бирга диққатга сазовор мана бу маълумотларни ҳам келтиради: “Қулзум (Каспий) денгизни соҳили бўйлаб юрилганда, кўплаб дарё ирмоқлари ва кўрфазларига дуч келасиз. Йўл ўша дарё ирмоқлари устидан ўтади. Ўша ерда кўплаб қум

уюмларини ҳосил бўлган баланд – паст тепаликларга дучор келасиз . Бу ерларни Қир мачақ деб аташади. Банда ўша ерларини бориб кўрганман”. Айрим ўринларда олим Эш султоннинг оғаси Дўст султоннинг (у ҳаммаси бўлиб Хоразмни бир йил –(1557-1558 йили идора қилган) эсдаликлари (дафтари)га суянган. Биз буни Беркахон билан Холокухон кўшинлари ўртасида Дарбандда бўлиб ўтган урушга бағишланган бобда яққол кўрамыз. Бу ерда хусусан бундай дейилган: "Баъзи тарихчиларнинг айтишларича ўша урушда Халоқулихон ўзи шахсан иштирок этган. Унинг кўшини тор-мор этилган, Халоқулихон ўзи бўлса ҳалок бўлган. Бироқ унинг ўша урушда ҳалок бўлганини ҳеч ким билмайди. Лекин ҳазрати олийлари Дўст султоннинг тарихида бундай дейилган: Ўша урушда ҳалок бўлган кўшин хусусида қайғу чекиб, у (Халоқухон) оғир дардга чалиниб, ётиб қолди ва орадан икки ой ўогандан кейин вафот этди". Яна бир мисол Туғлуқ Темур (шахсини аниқлаб бўлмади. Шайбон ўғилларидан бири Мергандан туғилган бир набираси Туға Темур деб аталган Ўшами ёки бошқасими ҳозирча бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш қийин) ҳақидаги ҳикоятда мана бу сатрларни ўқиймиз: "Султонлар ифтихори олий ҳазрат Дўст Султоннинг хотира дафтарида ёзилганки, мазкур Туға Темур улуғ подшоҳ бўлган ва Самарқанд билан Бухорони идора қилган".

"Чингизноманинг" манбалари мана шулардан иборат.Энди асарда келтирилган муҳим ва диққатга сазовор тарихий маълумотлардан айримларини келтирамыз. Бу маълумотлар баъзида учраб турадиган воқеаларга бир тарафлама баҳо бериш ҳолларини ҳисобга олмаганда, ўта муҳим қимматлидир.

Маълумки, Бердибек ҳукмронлиги (1357-1361) дан кейин Олтин Ўрдада феодал ва тожу тахт учун кураш ниҳоятда кучайди. Ўтамиш ҳожи бу ҳақда мана бу маълумотларни келтиради: "Жонибекхоннинг (Ўзбекхоннинг ўртанча ўғли; 1341- 1357 йилларда Олтин Ўрда хони) онаси Тўйқули бегим Мангуйтой Хизрхонни чақиртириб олиб, Сарой Берка

мамлакати тахтига ўтказди. Хўш, бу Хизрхон дегани ким бўлди ўзи? “Чингизнома” муаллифи уни Шайбон наслидан бўлган Мунгутойнинг ўғли ва Хизр ўғлон деб атардилар ва Соинхон (Ботухон) унга (Мангутойга) оққўл деган ердан улус тайин қилган эди. Машҳур Эрон тарихчиси Рашиддиннинг берган маълумотларига кўра, Шайбоннинг ўғиллари орасида Мангутой дегани ҳам бўлган. Рашиддин хусусан бундай деб ёзади: “Шайбонийнинг учинчи ўғли Қадақ. Унинг бир ўғли бўлган исми Тўла Буқа. Мазкур Тўла Буқанинг икки ўғли бўлган. Тўнғичи кенжатой Тумон Темур. Лекин Хизр ўғлонининг Мангутойнинг ўғли эканлиги ҳақида маълумот учрамайди. Аммо, нима бўлганда ҳам Олтин Ўрда хонлари орасида Хизр номли хоннинг ўтганлиги маълум. У ҳақиқатанам Шайбон наслидан бўлиб, Иброҳим ўғлоннинг ўғлидир ва XIV асрнинг 60-70 йилларида Олтин Ўрданинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган шайбоний хонлардан бири бўлган. Умуман олганда, Ўтамиш ҳожининг Бердибекнинг кейин Олтин Ўрдада ҳокимият шайбонийлар қўлига ўтганлиги ҳақидаги бу маълумоти ўта муҳимдир.

Маълумки, Шайбон оғаси Ботухоннинг русия, Крим ва Шарқий оврупа мамлакатлари устига қилган ҳарбий юришлари (1234-1238, 1239-1240) да фаол иштирок этган. Бу воқеалар Рашиддиннинг юқорида тилга олинган китобида умумий тарзда қисқача баён этилган. “Чингизнома” да эса бу хусусда келтирилган маълумотлар бирмунча кенг бўлиб, орасида янгилари, шунингдек Рашиддин келтирган маълумотларга аниқлик киритувчи далиллар ҳам бор. Бир икки мисол келтирамиз. Рашиддин Шайбонийнинг биродарлари Бучак ва Бўри билан биргаликда 1238 йилга Қримга юриши ва ўшанда татқор қалъасини (Қримнинг мустаҳкам қалъаларидан бири) тасарруфига киритгани ҳақида ҳикоя қилади. Ўтамиш хожи шайбоннинг ўша йили Қримнинг яна бир мустаҳкам қалъаси – Қирёрнинг қамал қилгани ва узоқ вақт давом этган жанглардан сўнг ишғол қилгани ва уни олишда ишлатган ҳарбий найрангги ҳақида қизиқ маълумот

келтиради: Шайбонийхон камал муддати чўзилиб кетгач, охири амирларга ва кўшинга: қоронғи тушиши билан то эрта тонгга қадар овоз чиқариши мумкин бўлган идишларни то эрта тонгга қадар овоз чиқариши мумкин бўлган идишларни бир-бирига уриб овоз таратинглар” деб буюрди. Шу зайлда аскарлар ўн кун мобайнида кечаси билан туқур туқир қилиб, қалъа ахлининг қулоғини қар қилдилар. Бир гуруҳ аскарлар шу иш билан банд бўлиб турганда, нақбчилар (зовур қазувчилар, ер ости йўли қурувчилари) чор тарафдан қалъа дарвозаларига қараб нақб қазидилар. Натижада камалдагиларнинг қулоғи қар бўлиб, чўқмоқ, теша ва кетмон овозини эшитмай ғафлатда қолдилар. Нақбларнинг қолдиғи ҳозир ҳам кўзга ташланиб турибди, - дейди Ўтамиш ҳожи. Муҳими шундаки, Шайбонийхон Қримда бир эмас (Татқор) балки икки қалъа (Қирқёр) ни забт этган. Қозоғистонлик олима М.Х.Абусенова ўзининг “Чингизнома” нинг русча нашрига ёзган изоҳларида Қирқёр Чўфит қалъа номи билан машҳур бўлганлиги ва унинг Бахчасарой атрофида жойлашиб, 1299 йили туманбоши Мамай тарафидан вайрон эканлигини айтади.

Шайбон Ботухоннинг Келор, Бошқир ва булор (Булғор) га қилган юришида ҳам иштирок этган ва жангларда ўзини яхши тарафдан кўрсатган. Бу ҳақда Ўтамиш ҳожининг мазкур асарида муҳим маълумотлар учратамиз. Муҳими шундаки, китобда мазкур вилоятлардан бошқа янги бир вилоят – Ўлоқ вилояти ҳам тилга олинган. Поляклар ва можарлар (венгерлар) мамлакати Келар (Колар) деб аталган. Буни мутахассис олимлар яхши билишади. Ўлоқ эса – бу мўғуллар 1239 йили забт этган Улоқут бўлиши мумкин. Ўтамиш ҳожининг мана бу ахбороти ҳам диққатга сазовордир. У бундай деб ёзади: " Шундан кейин Шайбонийхон Колар вилояти устига кўшин тортди. Колар вилояти устига кўшин тортди. Колар – катта вилоят. Уни ишғол қилиш учун кўп уруш бўлди. Охир – оқибатда Шайбонийхон уни забт этди ва ўз пойтахтига айлантирди. Шайбонийхон ўша вилоятда вафот этди."

Олтин Ўрда ва Қозоғистон тарихини ўрганувчилар учун Бердибек вафотидан кейин Дашти қипчоқда юз берган ижтимоий – сиёсий воқеалар ҳақида “Чингизнома” келтирилган мана бу маълумот ҳам ўта муҳимдир. Унинг (Бердибекнинг) замонида – деб ёзади. Ўтамиш ҳожи – фитна ва кўзғолонлар кўп бўлди. Қиёт қабиласига мансуб бўлмиш (туманбоши) Мамай кўшиннинг ўнг қанотини олиб, ўзига тобе қабилалар билан Қримга кетиб қолди. Жир Хутлининг ўғли Денгиз Буқо эса унинг сўл қаноти билан Сирдарё соҳилларига кўчиб кетди. Бердибекнинг Сарой Беркада фақат ичкилар (хон хизматчилари) билангина қолди. У уч йил Беркада хон бўлди, сўнг ўша ерда вафот этди."

Чингизномада келтирилган маълумотларнинг муҳимларидан яна бир-иккитасини келтирамиз. Булардан бири –Дашти қипчоқда ислом динининг шойиъ бўлиши унинг вақти ҳақидаги маълумотдир. Маълумки, кўпчилик тарихчиларнинг ўтмишларининг ҳам, ҳозиргиларнинг ҳам фикрича, ислом бу улкан мамлакатда XIV асрнинг биринчи ярмида яъни Узбекхон тахтда ултирган йиллар (1312-1342) да тарқалган. Ўтамиш ҳожи бу ҳақда бошқача, эътиборга молик фикр айтган. Унинг сўзларига қараганда, бу катта тарихий воқеа Ўзбекхондан қарийб 60-70 йил муқаддам яъни Беркахон замонида юз берган." Дашти қипчоқ мамлакати Беркахонга бўйсунгандан кейин – деб ёзади Ўтамиш ҳожи – у динсизларнинг кўпчилигини ислом динига киргизди. Лекин Беркахон вафот этгандан кейин улар яна диндан чиқиб, эски аслига қайтдилар". Бундан Дашти қипчоқ халқи орасида ислом динини шойиъ этишга уриниш Ўзбекхондан 60-70 йил муқаддам юз берган, деган хулоса қилиш мумкин.

Яна бир факт. Жўчихон билан отаси Чингизхон ўртасидаги муносабат айниқса, ҳар иккалаларининг умри охирида қандай кечганлиги ҳақида тарихий китобларда ҳар хил фикр айтилган. Табақоти Носирий (тахм 1260 йили ёзилган) китобининг муаллифи қози Минҳожиддин Жузжоний (1193 йилда туғилган) бундай деб ёзади:" Жўчихон қипчоқ чўлининг об-ҳавоси ва

сувларини кўриб фазоси кенг, об – ҳавоси ёқимли суви ширин, яйловлари кенг бунақа мамлакат дунёда йўқ, деб ҳисоблади ва кўнглидан отасига қарши исён кўтариш хаёли кечди ва яқин кишиларига деди: Чингизхон ақлдан озибди, чунки кўп одамларни ўлдириб, мамлакатларни вайрон қилмоқда. Фикримизча, уни маҳлиё қилиб ўлдириш лозим. Сўнг Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ билан яқинлашиб, давлатимизни раванқ топтиришимиз ва мўъмин – мусулмонларни қўллаб – қўлтиқлашимиз зарур". Муаллиф сўзидан давом этиб, Жўчихоннинг нияти ва режаларини Чигатойхоннинг отасига етказганлигини, Чингизхоннинг эса фитнанинг олдини олиб, бир гуруҳ одамларни Жўчихон ўрдасига жўнатганлигини ва фитначи ўғлини бир ёқлик қилганлигини таъкидлайди. Ота – бола ораси яхши бўлмаганлигини Рашидидин ҳам айтган. У хусусан бундай деб ёзади: "Хоразм фатҳ этилгандан кейин Жўчихон Ардиш(Иртиш) бўйларига қараб йўл олди ва бориб уғруқ ўрдусига қўшилди бундан сал илгари Чингизхон Жўчига шимолий мамлакатлар, яъни Келор, Бошқард, рус, черкас, Дашти кипчоқ ва бошқа мамлакатлар устига қўшин тортиш ва уларни бўйсиндиришни буюрган эди. У эса бундан бош тортиб, ўз юртига кетиб қолгандан кейин Чингизхон беҳад дарғазаб бўлди ва деди:" Мен уни жанозага тортаман. (бундан буён) мендан меҳр – шафқат кўриб бўлибди"-, деди. Сўнг Чингизхон Чигатой ва Ўрдойхон бошчилигида унга қарши аскар юборди, лекин шу пайтда Жўчихон вафот этганлиги ҳақида мудҳиш хабар олинди. Шунга ўхшаш гап Махмуд ибн Валининг "Баҳр ул- асрор" китобида ҳам учрайди. Хоразмлик машҳур тарихчи Абулғозихон бу воқеа (Жўчихоннинг вафоти) отасининг ўлимидан (1227 йил 25 августда) олти ой аввал содир бўлганлигини айтди. Хўш бу ҳақда, "Чингизнома" да нима дейилган? Унда бу ҳақда мана бу гаплар ёзилган: Жўчихон Чингизхоннинг тўнғич ўғли эди. Чингизхон унга катта қўшин бериб, Дашти кипчоққа тайин қилди ва жўнаб кетаётганда деди: "Майли, ўша мамлакат отларинг учун яйлов бўла қолсин. Унга Хоразмни ҳам қўшиб берди. Жўчихон Дашти кипчоққа жўнаб кетди ва унинг машҳур жойларидан бўлмиш Ўлуғтоққа

келиб тушди. Кунлардан бир куни тогда кийик овида отдан йиқилиб тушди ва бўйни синиб, қазо қлди. “Чингизнома”да келтирилган бу маълумотни батафсил изоҳлаб ўлтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Ҳаммаси ўз-ўзидан равшан. Биринчидан, Чингизноманинг шарофати билан энди Жўчихон ўлган жойни аниқ биламиз – бу Улуғтоғ Марказий Қозоғистонда жойлашган машҳур манзил экан. Жўчихоннинг айнан овда ўлганлиги масаласига келсак, бу масала ҳам тушунарли. Айнан ов феодал ҳукмдорлар учун ўз рақибларидан қутиладиган, уларни бир ёқлик қиладиан бир чора бўлган. Хуллас, Ўтамиш ҳожининг “Чингизнома” асари Жўчи улуси ва Хоразмнинг ўрта асрдаги тарихининг қоронғи тарафларини ёритишда муҳим манба ролини ўйнайди.

ҲОФИЗИ ТАНИШ БУХОРИЙ “ШАРАФНОМАЙИ ШОҲИЙ”

Ўрта Осиё Қозоғистон ва улар билан қўшни бўлган хорижий мамлакатларнинг XVI асрдаги тарихи буйича асосий манбалардан бири “Шарафномайи шоҳий” дир. У кўпинча “**Абдуллонома**” номи билан ҳам машҳурдир. Асар Шайбоний Абдуллахон II нинг топшириғи билан 1584-1590 йиллар орасида ёзилган.

Асар муаллифи бухоролик машҳур шоир ва муаррих Ҳофизи Таниш ибн Мир Муҳаммад ал-Бухорийдир. Унинг ҳаёти илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Айрим қисқа маълумотлар “Шарафномайи шоҳий” муқаддимасида ва баъзи тазкирларда учрайди. Ана шу маълумотларга караганда Ҳофизи Таниш Бухорий ва унинг отаси Мир Муҳаммад Шайбоний ҳукмдорларга яқин одамлар бўлишган. Масалан, отаси Мавлоно Мир Муҳаммад, накшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири, йирик олим Маҳдуми Аъзам Косоний (хожа Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний; (1462-1542) нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Жомеъ ул-мақомат” да айтилишча, шайбоний Убайдуллахон (1534-1539) саройида хизматда бўлган; XVI асрнинг 50- йиллари бошида Қошғарга кетиб қолган ва орадан икки

йил ўтиб ўша юртда қазо қилган. Ҳофиз Таниш Бухорий 1583 йил Абдуллахон II нинг хизматига кирган ва умрининг охиригача шу хоннинг хузурида воқеанавис бўлиб хизмат қилган. Олимнинг туғилган йилини баъзи фактларга таяниб аниқласа бўлади, лекин вафот этган йилини аниқлаб бўлмади. “Шарафномаи шоҳий”да мана буларни ўқиймиз: " Абулғозий Абдулла Баҳодирхон, тангри таоло унинг подшоҳлигини, салтанатини абадий қилиб, фарқадондан(юлдуз) ҳам баланд қилсин, Мовороуннаҳр мамлакатини зўр билан ўзига бўйсиндирди ва шарқ қуёшидек адолат ва инсонпарварлик соясини ўша мамлакатнинг илм – аҳли бошига туширди. Фахрланишга муносиб Бухоро шаҳрини халифалик тахтини оромгоҳига айлантди. (Ўша пайтда) факиру ҳақирнинг ёши ўттиз олтида эди". Маълумки, Абдуллахон Бухорони 1557 йили эгаллаган. Лекин Мовороуннаҳр фақат XVI асрнинг 80-йиллари бошида батамом Абдуллахон қўлига ўтди. Бунга қараганда, Ҳофиз Таниш Бухорий Абдуллахоннинг хизматига у отаси ўрнига тахтга ўтқазилган йили – 1583 йил хоннинг яқин кишиси Кулбобо Қўкалтошнинг воситачилиги билан кирган. Агар у ўша пайтда 36 ёшда бўлса, унда Таниш 1547 йили туғилган бўлиб чиқади.

Ҳофиз Танишнинг қачон вафот этгани маълум эмас. Машхур адабиётшунос олим ва шоир Мутрибий "Тазкират уш-шуаро" асарида жаноби Ҳофиз Таниш уламо жумласидандир. У Махмуд Ҳасан ҳожанинг тазкирасида тилга олинади. Юқорида зикр этилган ҳофизнинг оға-инилари вафотидан кейин хотинини қандайдир жиноят қилганликда айблаб унга даъвогар бўлганлар ва олий фармонга кўра унинг Бухоро минорасидан ташлаб юборилишига эришганлар, деган миш-мишлар бор”- деб ёзган. Ундан чиқадики, Мутрибий тазкирасини ёзиб тамомлаган йили (1604) Ҳофиз Таниш ҳаёт бўлмаган.

Шу ўринда яна бир далил муҳим аҳамият касб этади. Ҳофиз Таниш бошда “Шарафномаи шоҳий” асарини муқадимма, икки мақола ва хотимадан иборат қилиб ёзишни режалаштирган эди. Муқадимма ва ҳар

иккала мақола ёзилган (асарда баён этилган сўнгги воқеа Абдуллахон тарафидан Ҳиротнинг олинишидир, 1588 йил). Лекин хотима ёзилмай қолган. Муаллиф бошда тузилган режага кўра, хотимада Абдуллахоннинг мақтовга муносиб сифатлари, унинг замонида ўтган шайхлар, вазирлар, амирлар, шоирлар, олимлар, шунингдек Абдуллахон даврида қурилган олий бинолар ҳақида ҳикоя қилиниши керак эди. Шунга қараганда Ҳофиз Таниш 1590 йиллари оламдан ўтган. Агар ҳеч бўлмаса у Абдуллахонгача тирик бўлганда асарнинг бу муҳим қисми ҳам ёзилган бўларди.

Ҳофиз Таниш бухорий оғир замонда, яъни Мовороннаҳрда феодал тарқоқлик кучайган, Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш ва марказий давлат аппаратини мустаҳкамлаш учун тинимсиз урушлар олиб борган бир замонда ҳаёт кечирди. Олим буни мана бу ибораларда ифодалайди: "Ҳар тарафдан тесқари шамол эсарди. Ҳар бурчакда фитна гарди осмонга кўтариларди. Ҳар куни жигарни ўртайдиган олов ёқиларди. Ҳар замон бало туфайли юқори кўтариларди. Соғу саломатлик анқодек махфийлик пардаси остига яширинган эди. Тинчлик ва хотиржамлик кибрити ахмар ва ақлу хунарнинг ривожидек кўринмай кетганди. Омонлик ва тўғрилиқ жаҳондан нафратланиб интизом ҳам жамият юлдузлари тўдасидангина чегараланиб қолганди. (Шарафномаи шоҳий, 1-жилд. 38-бет).

Асар мазмунига ўтишдан аввал шуни ҳам айтиш керакки, Ҳофиз Таниш Бухорий замон тақосига кўра, асарда маълум даражада ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини ифода қилишга ҳаракат қилган, хон ва унинг атрофдаги аслзодаларни, бойлар ва нўёнларни кўкларга кўтариб мақтаган, меҳнаткаш халқнинг ҳол – аҳволи бўлса кўп ўринларда сояда қолган. Лекин асар фактик материалларга бой, воқеалар озми – кўпми объектив ёритилган, айрим ўринларда хонлар, султонлар ва амирларнинг баъзи хислати ҳам очиб берилган. Масалан, олим Абдуллахоннинг бобоси Жонибек султон ҳақда гапирар экан, уни мўъмин – мусулмон, динпарвар ва

одил бир киши сифатида таърифлайди. Шундай диппаноҳики – деб ёзади ва сайид мурсалнинг (Ҳазрати пайғамбаримизнинг) шаърий амр фармонларини (мўъмин - мусулмонларга) етказиш ишини тўла бажо келтиради; ҳукумат ва сиёсат ишларини ижро этишда ошиқмас эди. Лекин жаҳли чиққан пайтларда ихтиёр жилови унинг ҳайрат ва ғурур кўлидан тушарди. Тойилувчиларнинг хатолари устига авфу каромат этагини ёпарди". ("Шарафномаи шоҳий" 1-жилд, 113-бет.) Муҳими шундаки, олим тож-тахт соҳибларини адлу –инсофга чақиради: "Бу дунё ўтиб кетувчи соядир. Чунки соя гоҳ олдинда, гоҳ орқада бўлади. Имконият борида одамларга яхшилиқ қил. Билгилки ҳамма вақт бунга имкон булавермайди. Жаҳонда агар бир захира талаб қилсанг, яхши ном энг яхши захирадир". ("Шарафномаи шоҳий" 1-жилд, 98-бет.)

Хуллас, "Шарафномаи шоҳий" йирик шоҳ асар бўлиб, уни Жувайнинг "Тарихи жаҳонкушой" ва Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих" асарлари қаторига қўйса арзийди. Йирик шарқшунос олим В.В. Вельяминов – Зернов жуда тўғри айтганидай "Шарафномаи шоҳий" устида қанча кўп ишласанг, унда ўрганиш лозим бўлган шунча кўп янги фактлар очилади. Шунинг учун ҳам бу асар кўп вақтлардан бери шарқшунос олимларнинг диққат – эътиборини ўзига тортиб келаётир.

"Муаллиф асарни ёзишда хон саройида юритилган махсус кундалиқлар, ишончли ва воқеаларнинг шоҳиди бўлган кишилар оғизидан ёзиб олинган маълумотлардан фойдаланган. Бир икки мисол. У 1551/52 йили Абдуллахон билан Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон) ўрталарида Косон ёнида бўлган уруш тафсилотини баён этаркан уни ўша воқеа тепасида бўлган ва уни кўзи билан кўрган бир гуруҳ одамлардан эшитдим", деб ёзади. Яна ўша Абдуллахоннинг Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли Дўстим султон билан Фороб ёнида 1554 йили қилган уруши тафсилоти ҳам ўша уруш қатнашчиларининг маълумотига асосланган. Ҳофизи Танишнинг ахборотчилари кўпроқ кекса ва хоннинг кишилари бўлган: Ушбу сатрлар муаллифи ул ҳазратнинг

(Абдуллахоннинг) эски паҳлавонларидан бўлган Келдишдан шуни ҳам эшитган эдимки... Асарда баён этилган кўп воқеалар муаллифнинг иштирок этган ва кўзи билан кўрган воқеалардир. Манбаларнинг бу қадар ишончли бўлиши, шубҳасиз, асарнинг қимматини оширган.

Асарда тарихий воқеалар баёни билан бир қаторда Бухоро хонлигининг ижтимоий – иқтисодий аҳволи, маданий ҳаёти, Шайбонийлар давлати ва кўшнининг тузилиши, Бухоро хонлигининг Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Русия давлатлари билан олиб борган сиёсий ва савдо алоқлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирган.

Хонликнинг ижтимоий – иқтисодий аҳволи борасида келтирилган маълумотлар орасида “иктоъ”, “суюрғол”, "танҳо" ва "жоғир" феодал институтлари, улус тартиби ва унинг ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги моҳияти ва ўрни аҳолидан йиғиладиган турли – туман солиқ ва жарималар: хирож, ихрожат, тоғор, улуфа, қўналға, бегор, мадади лашкар, бож, тамға, тансуқот, туҳфа ва ҳоказо маълумотлар, шунингдек ҳарбий – феодал зодагонлар ҳаётида катта ўрин тутган ҳарбий ўлжа ҳақидаги маълумотлар алоҳида қимматга эгадир. Қўшни юртлар ва халқлар устига тез-тез уюштириб туриладиган урушлар ва бундай урушларнинг феодал жамиятда тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Асарда хонлар йирик феодаллар тарафидан Жиззах, Насаф, йирик феодаллар тарафидан Ҳисори Шодмон ва Жайхуннинг сўл қирғоғидаги вилоятлардаги кўриқ ерларини аҳолини сафарбар қилиш йўли билан мардикор ишлатиш йўли билан ўзлаштирилиши, шаҳар, сув омборлари, сардоблар қурилиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг умумий аҳволи ҳақида ҳам кўп муҳим маълумотлар учратамиз. Асарда Шайбонийлар давлатининг тузилиши ҳақида ҳам муҳим маълумотлар учратиш мумкин. Масалан, марказий давлат аппарати-деворлари турли – туман мансабдорлар: оталиқ, нақиб, вазири аъзам, девонбеги, мушриф, хазиначи шиғовул, эшик оғабоши, првоначи, садр, мирохур чухра оғаси, тавочи, жарчи, мунший, туғбеги,

курчибоши, баковул, фаррош кабилар ва уларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқ ва вазифалари ҳақида диққатга молик маълумотлар учратамиз. Шайбонийлар қўшини эса Ҳофиз Бухорий келтирган маълумотларга караганда, отлик ва пиёда аскарлар, шунингдек ўзига хос замбаракачилар (нафтандозлар, манжаниқчилар, тош отувчилар) дан ташкил топган.

Унинг асосий қисмини лашкар, яъни ҳарбий юриш олдидан вилоятлардан тўпланадиган аскарлар ташкил этган. Аскарлар, асосан, ўқ-ёй, найза, қилич, гурзи ва нарвонлар билан қуролланган. XVI аср ўрталарига келиб шайбонийлар қўшинида асосан хорижий мамлакатлардан келтирилган пилта милтиқлар ва кичик замбараклар пайдо бўлди. Асарда мамлакатда XVI Асрда айниқса унинг иккинчи ярмидан бошлаб илм – фан ва маданият ҳам бир қадар ривожланганлигини кўрсатувчи маълумотлар бор. Фан ва маданият айниқса хонлик пойтахти бўлмиш Бухорода раванқ топди. Биринчидан Абдуллахон даврида шаҳар атрофидаги, ундан тахминан бир фарсах (6-7 км) масофада Сумитон (Жўйбор) қишлоғини ҳам шаҳарга қўшиб, унинг жануби-ғарбий тарафида янги девор олинди. Ана ўша сумитонда Жўйбор хожалирининг бобокалони Абубакр Саъд мақбараси атрофида мачит мадраса ва хонақоҳ бино қилинди, бинолар теварагида эса чиройли чорбоғ бунёд этилди. Сумитондан то шаҳар марказигача кенг хиёбон чиқарилиб, унинг икки тарфига анвойи дарахтлар ўтқазилди. "Шарафномаи шоҳий" муаллифининг гувоҳлик беришича, Сумитонни шаҳарга қўшиб олиш ва уни обод қилиш ишлари, Бухоронинг ҳам обод бўлиши қарийб ўн йил (1559-1568) давом қилган (Шарафномаи шоҳий 1-жилд, 279-280 бетлар) бундан ташқари Абдуллахон II даврида фақат Бухоронинг ўзида бир эмас, балки тўртта мадраса (Абдуллахон, Гавкашон, Фатхулла қушбеги, Хожа Муҳаммад Порсо мадрасаси), янги Чорсу (1570 йили, қармина яқинида Зарафшон устига кўприк (1582) қурилди. Шаҳар марказида қурилган Абдуллахон тими деб аталган усти ёпиқ бозор эса нафақат Мовороуннаҳр балки бутун жаҳонда машҳур бўлди. Масжид, мадраса, қарвонсарой, ҳаммом ва бошқа олий

бинолар Самарқанд, Тошкент ва Балх сингари катта шаҳарларда ҳам қурилди. Карвон йўллари устида эса кўприклар, сардобалар қурилди. Вахш Зарафшон ва Жайхундан наҳрлар чиқарилиб, кўплаб қишлоқ ва шаҳар сероб қилинди. Асарда нафақат Бухоро, самарқанд ва Балх шаҳарлари, балки Токент, Термиз, Кўлоб, Ҳирот шаҳарлари ҳақида ҳам эътиборга сазовор фактли маълумотлар бор.

Бу ўринда ҳижрий 966 – 976 (1559-1571) йиллари Абдуллахон II-тарафидан Бухорога яқин сумитон қишлоғида қурдирган мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа иморатлар ҳақида келтирилган маълумот диққатга сазовордир. Асарда бу ҳақда, масалан, мана буларни ўқиймиз: “Тангри таолонинг қўллаб қувватлаши билан хонлик курсиси ва жаҳондорлик мансаби соҳибқирон ҳазратарига қарор топиб, кунлар саҳни ул ҳазратнинг адолат нурлари ва марҳамат асарлари билан безалгач, ўзидан кейин нодир нишонлар, яхши ном ва эсдаликлар қолдиришни истади...” халқ мутадосининг (хожа Муҳаммад Ислонинг) улуғ боболари имом Абубакр Саъднинг нурлари файзли мозори ёнида хонақоҳ, масжид, мадраса ва бошқа олий бинолар қуриб, атрофини ажойиб ва зебо боғу бўстонлар билан безашни кўнгли саҳифасига ёзган эди. Шунинг учун тарих 966 йилда тажрибали муҳандислар, синчков меъморлар вқт толеъни аниқлаб, бино вақтини белгиладилар. Йиллар, ойлар ва кунлар ўтиб, андак замонда, тахминан ўн йил ичида, шундай бир муҳташам бино... қурилиб битдики, қаримлар ҳимматининг фазоси каби кенг саҳнини турли мевали дарахтлар билан безатдилар. Унинг ўртасига ғоят тоза ва тиниқликда офтоб чашмаси каби ярақлаган қавсар мисол ҳовуз ҳам қурдилар. Ул кўнгил очадиган бинолардан ҳар бири баланд пештоқларни ва кенг равоқларни ўз ичига олиб, қутли асар усталар, моҳир наққошлар уларнинг юзига олтин ва ҳал билан ажойиб нақшлар солиниб, бениҳоят латиф ва зебо қилиб турлича тақаллуфлар билан, қошинлар билан безадилар. Олий масжидда беш вақт намоз ўқиладиган эди. Хушовоз ҳофизлари Қуръон оятларини оҳанг билан

ўқишларидан осмон авжида фаришталар рақсга тушардилар. Мадрасасида машҳур олим ва фозиллардан бири муаллимлик илмларидан дарс берарди.

Хонлик шаҳарларида илм-фан, адабиёт ва китоб санъати ҳам ривож топди. Биз сўз юритаётган “Шарафномаи шоҳий” ҳам ибн Араб Муҳаммад катагоннинг “Мусаххир ал-билод”, Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим” каби қимматли тарихий асарлари, Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” “Нусхайи зебони Жаҳонгир” биографик асарлари каби Абдуллахон даврининг маҳсулидир. Асарда Бухорода яшаб ижод этган Мушфиқий Низом Муаммойи, Муҳаммад Дарвиш Охунд, Қози Пояндо Зоминий, мулла Амир Муҳаммад Амин Зоҳид, мавлоно Абдулаҳаким каби кўплаб илоҳиёт олимлари, табиблар ва шоирлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шунингдек, ўзига хос хаттотлик ва наққошлик мактаби шакллангани ҳақида ҳам муҳим далиллар бор. Ҳофизи Таниш Бухорий машҳур Султон Али Машҳадий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шаҳобий, Дрвеш Муҳаммад Бухорий, мавлоно Маҳмуд Музаҳҳиб, Жалолиддин Юсуф, Муҳаммад Мурод Самарқандий каби жуда кўп намояндаларнинг номини ҳам тилга олиб ўтган.

Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон, Туркия Қошғар, Русия ва бошқа мамлакатлар билан XVI асрда олиб борган элчилик ва маданий алоқалар ҳақида ҳам илф –фан учун ўта муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар орасида Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги 1572 -1573, 1577, 1578, 1586 йиллари элчилик алмашинуви, 1584 йили шарқий Туркистон, Муғулистон, Хоразм ва Эрон элчиларининг Бухорога келиши, туркиялик мерган ўқчиларнинг шайбонийлар кўшнида хизмат қилиши, Бухорода фаолият кўрсатиб турган ҳинд савдогарлари уюшмаси ҳақидаги тафсилотлар зўр қимматга эга. “Шарафномаи шоҳий”да келтирилган бу ва бошқа маълумотлар Бухоро хонлигининг ташқи сиёсатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

“Шарафномаи шоҳий” муаллифи мусулмон руҳонийларнинг, масалан, Мовороуннаҳр ва Хуросонда жўйбори хожаларнинг, Бадахшонда Шаҳй Халилуллоҳнинг мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирган. Маълумотлар Абдуллахон ва унинг давлати тепасида турганлар ана шу улкан давлатни бошқаришда Ҳожа муҳаммад Ислом ва хожа Саъд каби йирик руҳоний намоёндаларнинг кўмагига, қўллаб -қултиклашганлигига суянганликларини яққол кўрсатади. Ҳофизи Таниш Бухорийнинг бу асарида Мовороуннаҳр ва унинг ҳудудларида, шунингдек Жануби Туркистонда XVI асрда истиқомат қилган турк мўғул қабилалари: жолоир, найман, қорлик, қипчоқ, қатағон, ўтарчи, беш юз, шақоқу, қулон оёни, кeroит, олчин, минг, баҳрин, уйғур, қанғли, дўрмон, қўшчи, можор, уйшун, чашму абру, булачи, ёбду, кенагас, манғит, тубайи, нукуз, қиёт, бошқирд қабилар ҳақида ҳам фавқулодда муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар нафақат ўша қавмлар тарихини, балки ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда ҳам муҳимдир. Бундан таршқари, хон ва султонларга ҳадя, тортик қилиш (ҳар бир нарсадан тўққиз нафардан) тартиби, одамлар орасида амалда бўлган одатлар ҳақида ҳам қизик фактлар бор. “Шарафномаи шоҳий” тарихий асар бўлиш билан бирга XV-XVI асрга хос бадий асар ҳамдир. “Шарафномаи шоҳий” нинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг яхши нусхалари Санк-Петербург, Тошкент, Баку, Қозон ва Душанбе кутубхоналарида, шунингдек Англия, Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади.

III. Ўрта Осиё мутафаккирлари тарихий -бадий автобиографик асарларининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни

БИНОИЙ

“ШАЙБОНИЙНОМА”

Камолиддин Биноий ўз даврининг йирик шоири бўлиши билан бирга йирик тарихшунос олим ҳам эди. Биноий (тўлиқ исми: Али ибн Муҳаммад ал

Харавий) 1453 йилда Ҳирот шаҳрида мемор устод Муҳаммад Сабнинг ёшлиги, бутун онгли ҳаёти оғир бир замонда – Хуросонда феодал карамақаршиликлар ва Темурийларнинг тожу тахт учун кураши ниҳоятда кучайган бир даврда кечди. Қора қуюнлилар сулоласидан чиққан Жаҳоншоҳ (1438-1468) Шохруҳ вафотидан сўнг мамлакатда кучайиб кетган ихтилофлардан фойдаланиб, Форс вилоятида ҳоким бўлиб турган ўғли Пир Будок султон билан биргаликда Хуросонга бостириб кирди ва Ҳиротни эгаллади. Лекин кўп ўтмай Султон Абу Саиднинг тайзики остида у билан сулҳ тузиб, мамлакатни бўшатиб чиқишга мажбур бўлди. Ўшанда Жаҳоншоҳ устод Муҳаммад Сабзни ҳам оиласи билан (уларнинг оиласида беш ёшли Камолиддин ҳам бор эди)бирга кўчириб олиб кетди. Муҳаммад Сабз уч йил Шерозда истиқомат қилди ва 1461 йили Ҳиротга қайтди. Шундан кейин унинг турмуши қандай кечганлиги ҳақида малумотга эга эмасмиз.

Алишер Навоий, Бобур ва Хондамирларнинг гувоҳлик беришларича, Биноий ўз даврининг кенг малумотли кишиларидан бўлган. Улар Биноийни етук шоир, илоҳият ва иншо олими, мусиқашунос ва истедодли муаррих сифатида тарифлаганлар. Камолиддин Биноийнинг яна бир яхши касб ҳунари бор эди. У отасига ўхшаб яхшигина мемор ҳам эди: унинг Биноий қурувчи деб аталиши ҳам шундан. Балхлик тарихчи олим Муҳаммад Тохир (X7)асрнинг малумотларига қараганда, Биноий отаси билан бирга Балхда бир неча олий иморатларни қуришда ҳам иштирок этган. Масалан 1481 йилда Хожа ҳайрон (ҳозирги Мозори шариф) қишлоғида Али ибн Абу Толиб (656-661 йилларда)нинг мозори устига қурилган иморат ҳам ота бола Биноийларнинг номи билан боғлиқдир.

Лекин Биноий Хуросонда муқим туrolмади. Кўп ўтмай у Табриз(Озарбайжон) га кетиб қолди ва тахминан 1492 йилга қадар ўша ерда Султон Ёқуб Оқ қуюнли (1478-1490) ва Бойсунқур (1490-1493) саройида хизматда бўлди. Сўнг Ҳиротга қайтиб, она шаҳрида уч йил турди ва 1495 йили Самарқандга кетиб қолди. Унинг бу қадар у ёқ бу ёққа кетишида

Хондамир ва “Хафт иқлим” асари муаллифи Амин Аҳмад Розий Биноийнинг Алишер Навоий билан муросаси келишмай қолганлигини сабаб қилиб кўрсатадилар Биноийнинг ўз сўзларига қараганда бунга бази бир олимларнинг ҳасадгойлиги сабаб бўлган.

Биноий Самарқандга келгандан кейин дастлаб хожа Убайдулла Аҳрорнинг иккинчи ўғли хожа Қутбиддин Яҳё (1500 йилнинг 2 август куни ўлдирилган) нинг хизматига кирган 1496 йилнинг июль ойида шоир ва тарихшунос олим Муҳаммад Солиҳ (1535 йилда вафот этган) билан бирга Бобур мирзонинг хизматига ўтди, 1500 йил июль ойида яни Самарқанд Шайбонийхон томонидан ишғол этилгандан сўнг, у ўзбек хонининг хизматига кирди. Камолиддин Биноий 1512 йили Қаршида қизилбошлар билан бўлган уруш пайтида ҳалок бўлди. Камолиддин Биноий ўзидан “Шайбонийнома” номли буюк асар ёзиб қолдирган. Асарда Дашти Қипчоқда XV асрнинг сўнги чораги ва Моварауннаҳрда XVI асрнинг бошларида юз берган ижтимоий сиёсий воқеалар ҳақида сўз юритилади. “Шайбонийнома” да этнографик ва жуғрофий муҳим малумотлар ҳам кўп учрайди. Яқин вақтларгача “Шайбонийнома” Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 844-рақамда сақланаётган ягона нусха ҳисобланиб келинган. Бу нусха ҳаммаси бўлиб 41 варақдан иборат, ҳажми 22X31.5 см чиройли настаълик хатида. Ноёб нусха ҳисобланади ва Шайбонийхоннинг котиби Мирза Муҳаммад Мунший томонидан кўчирилган. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки унинг айрим варақларини 3а,24а, 31а, ва бошқаларни Шайбонийхон ўз қўли билан кўчирган. Лекин кўпчилик текширишлардан кейин бу нусха “Шайбонийноманинг” қисқартирилган нусхаси бўлиб чиқди. (Ўзбекистонда ижтимоий фанлар 1965.2сон, 51-55 бетлар.) Биз уни “Шайбонийнома” нинг номалум нақли деб атадик. “Шайбонийнома” нинг ўша номалум нақли XV асрнинг 70 йиллари бошидан 1500 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Асарнинг “Шайбонийнома” деб шуҳрат топган нусхаси эса 1505

йилларни (1505 йили Хоразмнинг кўчманчи ўзбеклар томонидан истило этилиши) ўз ичига олади. Кўриниб турибдики “Шайбонийнома” унинг яқингача малум бўлмаган нақлларида анча кейин битилган. Шундан келиб чиққан ҳолда иккала асар бошқа бошқа эмасмикан деган фикр ҳам келиб чиқиши мумкин. Лекин уларнинг ҳар учала нусхасини бир бири билан синчиклаб солиштириб ўрганиш натижасида шундай хулосага келдик. Хўш “Шайбонийнома” қисқартирилган нусхасининг яратилишига нима асос бўлган. Асарнинг кенгайтирилган нақли фақат 1500 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади, иккинчиси эса оғир услубда ёзилган ва шерий парчалар ҳам кўп. Маълумки, “Шайбонийхон” даврида 1500 йилдан кейин ҳам кўп воқеалар содир бўлди. 1505 йили Хоразм, 1506 йили Балх, 1507 йили Хуросон кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинди. Шубҳасиз ўзбек хони мана шу воқеаларнинг ҳам асарда акс этишини хоҳлаган, қолаверса унинг услубини ҳам соддалаштиришни муаллифдан талаб этган. Шундан кейин асарнинг қисқача нақли пайдо бўлган албатта.

“Шайбонийнома” тўла нақлининг тили ва услуби оғир бўлишига карамай унинг қисқа нақлидан афзал томонлари кўп. Унда воқеалар бир текис тўла тўқисда ёзилган булиб, қисқа матнда учрамайдиган илм фан учун муҳим янги фактлар ҳам бор. Сўзимизнинг исботи учун бир неча мисоллар келтирамиз.

Асарнинг кенгайтирилган нақли “Футуҳоти Хоний” 73 бобдан қисқартирилган нақли “Шайбонийнома” эса 20 бобдан иборат.

Шайбонийхон ҳамма ўйлаганидай бесавод кўпол бир кўчманчи эмасди. У замонасига яраша кенг малумотли одам қолаверса истедодли шоир ҳам эди. Лекин унинг қаерда ва кимнинг қўлида техсил кўргани лекин унинг тахтга келгунига қадар унинг билан таниш билиш бўлган олимлар ҳақида ишончли малумотга эга эмас эдик. “Шайбонийнома”нинг кенгайтирилган шаклида бу ҳақда муҳим малумотлар учратдик. Ана шу малумотларга кўра

Шайбонийхон ҳокимят тепасига келмасдан бурун ҳам бир неч бор Бухорода бўлган. Биринчи марта келганида у Бухорои Шарифда икки йил туриб мадрасада машҳур илоҳият олими мавлоно Муҳаммад Хитойидан талим олган, машҳур шайх ва олим хожа Муҳаммад Порсо (1419 йили вафот этган) нинг издошларидан Ҳофиз Ҳусайн Бусирий ва унинг халифаси хожа Маҳмудлар билан яқин муносабатда бўлган. Улар ҳатто бир бирлари билан борди келди қилишган. Бир гал Хофиз Ҳусайн Шайбонийхон ҳузурларида бўлса, иккинчи сафар хон унинг ҳузирига ташриф буюрган. Умуман ҳар иккаласининг мажлиси уламо ва шуароларсиз ўтмаган.

Асарда Шайбонийхон ва кўчманчи ўзбекларнинг 1499 йили ҳали Шайбонийхон Самарқандни олмасдан бурун, Насаф ва Кеш вилоятларига қилган юриши ҳақида келтирилган малумот ҳам диққатга сазовордир. Бу ҳақда "Шайбонийнома"нинг қисқартирилган нақлида бор йўғи бир неча сўз (ҳаммаси бўлиб беш сатр) айтилган холос. "Футуҳоти Хионий"да айтилишича ўша йили Шайбонийхон Самарқандни ололмагандан кейин, ката ўлжани кўзлаб Насаф ва Кеш устига юриш уюштирган. Маҳаллий халқ бундан хабар топиб, кўзга илинадиган нарсаларини тоғу тош орасига олиб бориб яширишга улгурган. Шундай бўлсада кўчманчи ўзбеклар Насаф ва Кешнинг атрофидаги қишлоқларни талон тарож қилиб, ката ўлжа билан Туркистонга қайтганлар.

"Шайбонийнома"нинг кенгайтирилган нақлида Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасининг XVI аср бошларидаги, яъни Улуғбек ўлиmidан 50 йил кейинги аҳволи ҳақида ҳам қимматли малумотлар берилган. Бу ерда айтилишича расадхона ўша вақтда ҳам бус бутун бўлган ва "Кўҳак бўйидаги, оби раҳмат бўйида савлат тўкиб турган". Расадхонани Бобур ҳам Самарқандда бўлганида шу аҳволда кўрган эди. Камолиддин Биноий келтирган малумот Улуғбек расадхонаси ҳақида "Бобурномада" айтилган ағпларни тасдиқлайди. Бу эса расадхона Улуғбекнинг фожиали ўлиmidан кейин Хожа Аҳрор тарафдорлари томонидан бузуб юборилган, деган

гапларнинг ғирт уйдурма эканлигини тасдиқлайди. "Шайбонийнома"нинг кенгайтирилган накли катта илмий аҳамият касб этади шунга карамай, асар хали яхши урганилмаган, уз тадқиқотчиларини кутаётган нодир манбалардан бири булиб ҳисобланади.

ХОТАМНОМА

(Парча)

Ҳотамнинг туғилғонини бу тарзда баён қилибдурки, Ҳотам Бинни Тай бинни Қаҳлон бинни Расан бинни Назшаб бинни Қаҳтон бинни Худ.

Яман подшоҳи Тай ҳукамо ва надимларини ҳозир қилиб, толеъини кўриб баён қилди. Ҳаммалари шод бўлдилар:

-Бу ўғил подшоҳ бўлиб, саховат бирла қиёматгача ҳиммати оти қоладур.

Подшоҳ хуш бўлуб, ҳукамо ва надимларини хуш қилиб, ҳазинасидан нисор қилди.

Ҳотам туғилғон куни олти минг ўғул Ямандин ва трофдин таваллуд қилди. Ул болаларни ҳозир қилиб, олти минг энагага болаларни боқмоқга буюрди. Тўрт энага – хуш ва шод ёшни танлаб, Ҳотамни парвариш қилиб, сут бермакка тақин қилди. Ҳотам сут эмгали унамади. Тайга хабар бердики:

-Ҳотам сут эммайдур?

Аҳли нужумларни ҳозир қилиб сўрадики:

-Бола нима учун сут эммайдур?

Аҳли нужумлар айтдики:

-Бу ўғил саҳоват бирла оламда оти машҳур бўладур.

Тоинки ҳамма тифллар ва энагалар бир ерга жам бўлиб, ҳамма болаларга сут бердилар, Ҳотам ҳам сут эмди.

Вақтики сутдан айириб, таом едурғон бўлди. Гоҳи Ҳотамни ташқари олиб чиқиб, бир ғарибни кўрса, қўли бирла ишора қилур эдики: “Менга бир нарсани беринг”,- деб. Вақтики таом келтурса, ул олти минг болалар бирла бир ерга ўлтуриб, таом ер эди...

Ҳотам ҳақида: Киши бирла сўзни мулойиматлик бирла қилур эди. Жамоли ниҳоятда хушрўй эди. “Тула кишилар юзига ошиқ эрди”... “Анинг сўзидан бизларнинг дилимизга хушвақтлик ва тозалик ҳосил бўладур”.

... Ҳотам бонг урдики:

-Эй ҳайвонлар, сизларнинг орангларда нима хусумат бордики, мундоқ, жанг қилурсизлар?!

Оқ йилон айттики:

Бу манинг отамни ўлтурубдир.

Қора йилон айттики:

-Манинг хуроким эрди – едим, эмди муни ҳам ейман.

Хотам айтдики:

-Эй йилон, агар сенга гўшт керак бўлса, ўз баданимдан кесиб берай, бу йилонни қўйиб юбор! Оқ йилонга қараб дедик:

-Агар отангнинг хунини оламан деб хоҳласанг, мени ўлдургин.

Ҳар иккиси жангдан тўхтади. Қора йилон айттики:

-Вақтики жангга гўштнинг ваъдасини қилдинг – эмди бергин.

Ҳотам айтти:

-Қайси жойимдин бераман айткин.

Йилон айтти:

-Ўз юзингдан бергин.

Ҳотам ханжарини ғилофдан чиқариб хоҳладики юзига юрутган. Қора йилон бонг урдик:

-Эй жавон, ман сани озмойиш учун деб эдим. Офарин бўлсин сенинг ҳимматингга!

... Хинду айттики:

-Эй меҳмон, андак тафаккур айланг, иссиқ таом ҳам бордур,- деб меҳмонхонасига олиб, кириб, ўтказди. Бирор соат ўтди. Бир лаганда ширинбиринч олиб чиқти. Ҳотам танаввул айлаб, гурусналигидан осойишта топти...

Ҳотам ул диндудин савол айладиким:

-Мусофирпарвар киши экансизлар, валекин тирикни ўлик бирлан қўшуб қўйдурусизлар, бу нима расмдур?

Ул жавоб бердики:

-Эр-хотун иккиси бир кишидур. Яримни ўлуб, яримни қолса, ул яримни нима иш қилур? Хотун ҳам ололмас, эрга ҳам теголмас. Бу важҳдин куйдуруб юборурлар, - деди.

Алқисса, Ҳотам ул хиндуга видо айлаб, дашт паймо бўлди.

... Ҳотам сўрадики:

-Эй маҳлуқ, сенга ким озор бердики, мудоғ фарёд қиласан? Тулки айтти:

-Сенга раҳмат бўлгай ва санинг диловарлигингга! Бир сайёд менинг болаларимни ва шавхаримни сайд қилиб олиб кетди. Мен анинг учун фарёд қиламан ва гирёнман. Ҳар тарафга югураман, киши манинг фарёдимага етмайдур. Магар сен келибсан. Сан инсон ва ман ҳайвон. Бас, ўз жисминг ва кавмингнинг риоясини қиласан, манинг зоримга қрамайсан.

Ҳотам айтти:

-Инсон қавмида баъзи аҳли дил бордур ва баъзилар тундху ва мардум-озордур. Агарчи мен инсон бўлсам ҳам, адолат қиламан. Ҳотам айттики:

-Эмди ўзунгни бир жойга пинҳон қилгин, мен сайёдни тафаҳхус қилай.

Бас, тулки сахрода бир гўшада пинҳон бўлди. Ҳотам ўрнидан кўпти, Сайёдниг уйининг эшигига келди, эшик қоқти. Сайёд ташқари чиқти. Кўрдикки бир жавон хушрўй эшикда турубдур. Айттики:

-Эй жавон, манинг бирла нима коринг бор? Бизнинг саҳройимиздан эмаска ўхшайсан?

...Сенинг уюнгга келдимки, агар уч-тўрт тулки баччаси бўлса, менга бергин, қиймати вожибини мендан олгин.

Сайёд айттики:

-Етти тулкини сайд қилиб келтурдим. Агар сенга даркор бўлса олгунки, манинг рўзгорим ушбудир.

Бас, Ҳотам айтти:

-Етти тилло бераман.

Етти тиллони олиб сахрога келди. Ҳар бирининг пут-қўлини бандин ечиб, қуйиб берди. Аммо баччалар нотавон бўлуб экан, аммо тулкини эркаги улмакка яқин бўлуб экан, беҳуш бўлуб қолди. Тулкининг модаси ҳам болаларини қучоқлаб, эрининг қошига келди. Вақтики нарини ул ҳол бирла кўрди, бошига туфроқ сочди, гиря ва зори қилмоқни тутди.

Ҳотам айтти:

-Эй тулки, нима учун гиря ва зорига ўзингни ташлайсан?

Тулки айттики:

-Манинг бошимнинг тожи бошимдан кетибдур.

... Жин ўзининг куч-қувватига мағрур бўлуб айттики:

-Хумни келтур.

Бас, Ҳотам гунг хумни талаб қилиб келтурди, айттики:

-Хумга киргил.

Жин кўпти, хумга кирди. Ҳотам оғзини маҳкам банд қилиб айтти:

-Ташқари чиқгин.

Жин харчанд зўр қилди, чиқали бўлмади.

Ҳотам буюрдикки:

-Ўтин келтурунглар.

Халойиқ югурдилар, тўла ўтунни олиб келди. Хумнинг чурасига ва устига ўтинни жам қилиб, қўйдилар жин, пок қўйди.

Ҳамма хосу ом подшоҳ бошлиқ Хотамга офаринларни қилдилар ва зари фаровон Ҳотамнинг олдига олиб келдилар.

Хотам айтти:

-Эй азизлар, манга зар даркор эмас, буларни фуқароларга беринглар ва шаҳарнинг ғарибларига бахшиш қилинглар, айти савобдур...

"Навоийнома"

Алишер Навоий ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафакири. Шу билан бирга жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан биридир. Навоий бутун фаолиятини ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати, мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги учун курашга, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига беғишлади. У улуғ, донишманд, тадбирли давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткорлари, маданият ва илм-фан ҳомийси бўлиб етишди. Алишер Навоий бадий асрларида ўз яшаган даврининг энг муҳим ижтимоий – сиёсий ва маданий масалаларини мавзу қилиб олди. Унинг “Ҳамса” “Ҳазоин-ул – маоний” каби катта бадий асарлари ўзбек адабиётшунос шу билан бирга жаҳон адабиёти хазинасини ўлмас дурдоналари билан бойитди.

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳиротда туғилади. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина темурийлар саройидаги амалдорлардан, онаси “ички (шаҳзодаларга энага) лардан эди.

Оила муҳити Алишернинг болалигидаёқ унда адабиётга зўр хавас уйғотди. Алишернинг отаси маърифатпарвар ва шоир табиат киши бўлиб, илм-фан ва адабиёт аҳлини қадрлар эи. Алишернинг тоғалари Қобулий ва

Ғарибий шоир эдилар¹. Алишерлар уйида тез-тез шоирлар тўпланишиб, шеърлар ўқишар, мушоира бўлар эди. Алишер умри давомида ўзбек ва форс – тожик тилларида бир қанча шеърлар ёзди. У икки тилда гўзал шеърлар ёзгани учун “Зуллисонайн” (икки тил эгаси) номи билан шуҳрат қозонди. Алишер ўзбек тилидаги шеърларига “Навоий” Наво-“куй” сўзидан форс тилида ёзган шеърларига эса “фоний (фано-йўқлик, вақтинча сўзидан) деб тахаллус қўяр эди. XV асрнинг иккинчи ярмида жаҳон тафаккури оламида Алишер Навоийдек даҳо пайдо бўлди. У зот халқ бахти ва келажак тақдирини темурийлар салтанати равнақи билан боғлаб, чинакамига юксак бир таълимот яратди. Шоир меросини ҳеч иккианмай таълимот деб ҳисоблашимизга сабаб шуки, унинг серқирра ижодиёти ялпи олганда, ижтимоий – сиёсий, маънавий – ахлоқий ва ҳатто ижтимоий – иқтисодий қарашларнинг муайян ва мукамал бир тизимга солинган мажмуадан иборат. Синчиклаб кузатилса ўша даврда Навоий айтмаган гап қолмагандек! Бекорга эмаски, “мутафаккир” сўзини халқимизда чинакам даҳолар орасида, асосан Навоийга нисбатангина ишлатамиз. Унинг асарларида ўзбек халқининг равнақини ўйлаш, темурийлар давлатини бардавомийлиги юрт осойишталигига эришиш йўл – йўриқлари, миллатни тарбиялашнинг мукамал интизоми, инсонийлик, комил ахлоқнинг ўша даврга хос маънавий - маънавий тарбиявий (эстетик) ҳам илмий – ҳаётий талқинларини кўрамиз. Бу ижод намуналарида умуминсонийлик билан миллийлик шу қадар уйғунлашиб кетганки, айнан шунинг учун асрлар ўтган сари у илгари сурган ғоялар аҳамиятини асло камайтирмайди, аксинча ортириб бораверади.

Навоий ижодидек меросга эга миллат ўзини чинакам бой халқ ҳисоблашга тўла ҳақли. Бу айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейин янада яққолроқ билинади. Зеро, Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Агар бу

¹Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 8-синф учун дарслик. Т.: Ўқитувчи. 1982.-59 бет

улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султонидир¹”.

**Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.**

Мелодий ҳисобнинг иккинчи минг йиллиги якун топди. Янги аср билан учинчи минг йиллик ҳам бошланди. Шундай кезде “Ўзбекнинг ўтган ўн асрдаги энг буюк даҳоси ким?” деган савол туғилиши табиий. Миллат буюкларни кўп етиштирган, албатта. Лекин ҳозир буюкларнинг буюгини, минг йилликда биз учун, бутун халқимиз учун ибрат бўладиган ягона миллий даҳосини аниқлаш хусусида сўз кетаётир! Модомики, масала шу қадар аниқ қилиб қўйилган экан, тилга беихтиёр Алишер Навоий деган ном келади¹... Ҳазрат Навоий ўтганларидан бери неча ҳоқон, неча султон ўтди.

Лекин ҳайрон қоладигани шуки, Навоий ҳамма асрда ҳам ва ҳамма замонларда бирдай буюк саналиб келмоқда! Беихтиёрхалқимиз орасидаги нақлни эслаймиз: “Ҳақ азиз қилган кишини бандаси хор айламас!” Навоийни Ҳақ азиз қилди. Оллоҳ суйган бандаларига истеъдод беради. Шахс қанчалик пок ва баркамол бўлса, истеъдод ҳам унга шунчалик кўрк-чирой бағишлайди. Алишер Навоий шундай неъматга эришган зот сифатида ҳанузгача ардоқ ила зикр этилади. Буюклик нур манбаига ўхшайди. Навоий номини зикр этганингиздаёқ сизга ҳарорат ўтгандек бўлади. Буюк шахсларнинг замон ва макон тушунчаларидан юқори кўтарила олгани шу бўлса керак. Навоий-миллат дарди билан оғриб ўтган шоир. Агар миллат шоир яратган бадиий мўжизалардан ҳайратланмай қўйса, Навоий руҳи биздан асло рози бўлмайди. Ҳазрат Навоий қошида ҳамиша ўзимизни шифо илинжида турган бир бемордай сезамиз, Шоирнинг битта шоҳ байтини шахрласангиз ҳам унинг ичида яна гавҳарлари қолиб кетаётгандай бўлаверади. Сўзлар катига кирган сари кишининг қулфи дили очилиб, руҳи қанот ёзади:

¹Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. 2008 47-бет

Эй Навоий, дардлиғ назмингни дард аҳли билур,
Дардсиз боғи бўлур они ўқуғоч аҳли дард.

Галлактика қуёш энг кучли ёритгич деб тан олинган бўлса , Алишер Навоийнинг улуғлиги ҳам шундай тан олинган. У туркий халқлар адабиётининг мумтоз шоири ва адиби, миллатимизнинг фахри. Алишер Навоийнинг энг буюк адабий хизматлари туркий адабиётни фусункор форсий адабиётга бўйлатиб, у билан елкадош қилиши бўлди. Дарҳақиқат, масулдор ва салмоқли адабий-илмий мерос қолдириш Алишер Навоийга насиб этди. Падари бузруквори Ғиёсиддин Муҳаммад фарзанди ҳазрати Али ибн Абу Толиб сингари улуғ одам бўлишини ният қилиб Алишер Навоий деб исм берди. Алишер Навоий шарқ мумтоз адабиётининг барча жанрларида бемисил маҳорат кўрсатиб ўлмас бадиият дурдоналарини яратган ўз замонасидаёқ улуғ адиблар нуқтасанги мунаққидлар томонидан эътироф этилган, Чунончи, улуғ фор-тожик шоири Абдурахмон Жомий “Туркий тилда қалам тебратиб, балоғат ва фасохат майдонида от сурган Навоий, агар бу асарларини форс тилида яратганида, форсигўйларга сўз қолмасди” деса, султон ва шоир Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақида ёзган “Рисола” асарида “Назм тариқатининг барча навъида соҳибқиронлик мақомини эгаллабдур,” деб баҳо беради.

Шарқнинг яна бир улуғ арбоби Бобур Мирзо бўлса туркийда ҳеч кимнинг “Онча кўп ва хўп шеър” айтмаганини қайд этади. Тўрт девондан иборат “Ҳазойин-ул –маоний” тўпламини ўқиб ҳаяжонини яширолмаي Навоийга шундай шеърый мактуб битган эди:

**Ашъоринингким, шеър оти то бўлғай,
Таб аҳли анга валау шайдо бўлғай.
Ҳар лафзи дуру баҳри маони анда,
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлғай.**

Алишер Навоий энг кўп ва хўп сўз қўллашда жаҳон адабиётида ҳам назари йўқ ижодкор. У бутун ижоди давомида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаган. Унинг бадий ва илмий асарларида бирорта сўзнинг ноўрин ишлатгани ҳалигача қайд этилмаган. Ҳолбуки, сўз бойлиги кўлами борасида ҳазрат Навоийга яқин турувчи дунёга машҳур адибларни оладиган бўлсак, Пушкин асарларининг сўз бойлиги 21 мингдан ортиқроқ, Шекспир асарларида 20 мингга яқин, Сервантес асарларида эса 18 мингдан кўпроқ. Лекин уларнинг сўзни қўллашида сакталиклар учраши аниқланган. Навоий тилини Туркийда ижод қилган шоир ва ёзувчилар билан қиёслайдиган бўлсак ҳазрат сўз ҳазинасининг буюклиги янада яққолроқ, кўринади. Чунончи, Насимий асарларида 13 мингдан сал ортиқ, Абай ижодида 6 минг, татар адабиётининг йирик намоёндаи Абдулла Тўқай асарларида 14 минг сўз қўллаган. Бу маълумотлар фақат мутахасисларга маълум холос¹.

Бу сўзлар шунчаки шахсий эҳтиром юзасидан айтилган эмас, балки уларни Алишер Навоий даҳосига берилган муносиб баҳо деб билмоқ даркор. Навоий ҳақиқатдан ҳам шеърият соҳибқирони, ҳам эҳтирослари денгиз каби жўш урган беназир шоир, ҳам илмий ҳикмат фалсафа, тасвув соҳибасининг билимдони улуғ инсонпарвар одамийлик концепсиясини яратган буюк мутафаккирдир.

Одами эрсанг демагил одами,

Они-ки йўқ халқ ғамидин ғами.

Кимки “сўз илоҳийдир” деса, буни бизда фақат Навоий хусусида айтиш мумкин. Зеро, Навоийдан кейин биз сўз ва инсон руҳиятининг таназзулга юз берганига гувоҳ бўлдик. Мақбаралар пештоқидан ўчирилган қуроний оятлар, халқ ва миллатни дегани учун қатағон қилинган ҳар бир ҳақгўй шоир билан сўзнинг илоҳийлиги ҳам сўниб борди. Агар сўз қадри ва шеър мақоми ҳазрат Навоий мезони билан ўлчанса, унда бугун ҳеч кимни шоир дейишга тил бормайди. Шарқ шеърияти даҳоларидан бири Рудакийга

“Одаму-шуаро” унвони берилган бўлса, Ҳазрат Навоийга “Шоирлар пайғамбари” дейишган. Навоий оллоҳнинг каломини муқаддас санаб, умрини илоҳий ҳикматнинг сир-асрорларини қалбан ҳис этишга ва сизу биз учун кашф қилишга бағишлаган улуғ шоирлардан саналади. Бутун дунё сўфийлари орасида Навоий мансуб нақшбандия тариқатидаги кўпчиликни ташкил қилар экан, биз бунга бефарқ қарай олмаймиз. Навоийнинг қуйида келтирилган пурҳикмат байтлари ҳам бу тариқат асл ғоясининг оламшумул аҳамиятини кўрсатиб туради:

**Қаноат тариғига кир эй кўнгил,
Ки хамт ўлғай ойини иззат санга ...
Десанг хилватим ангиуман бўлмасам,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдан йироқ тутмағил хушни
Ки, юзланмагай ҳар дам офат санга,
Бу тўрт иш билан рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тенг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгайсан нақшбанд,
Навоий, агар этса навбат санга.**

Рус ёки грузин зиёлисидан Пушкин ва Шота Руставелининг буюклигини исботлашни талаб қилиб кўринг-чи! У сизга ё ажабланиб қарайди, ёки устингиздан кулади. Ахир, бу зотларнинг иккиси ҳам ўз юрти ва миллати тарихида юксак ўрин эгаллашини билмаган, тасаввур этмаган рус-русми, грузин-грузинми? Муҳаммад алайҳисаломнинг пайғамбарлигини исботлаш ҳеч бир мусулмоннинг ҳаёлига келмаганидек, Навоийнинг

улуғлигини кўрсатувчи қўшимча далил излашга ҳожат йўқ. Алишер Навоийнинг буюклигини билмаслик ўзбек миллатининг маданияти тарихи, миллий-маънавият куч-қуввати ва жаҳон бадий тафаккурига қўшган буюк хиссасини англамаслик билан баробар. Алишер Навоий улуғ сиймосини ул зотнинг руҳиятини, баназир шахсияти ва сўзни санъат даражасига кўтарган ижодкор экани билан белгиланади. Унинг шу замонда янги асрда ҳам замонавий шоир сифатида ёдга олинаётгани беҳиммат бўлмаса керак. Навоий каби даҳолар тарғиб этган ғоялар ва фикрлар инсониятни оғир фалокатдан қутқариши мумкин. Битта чумолини оёқ остида қолмасин ёки адашиб овора бўлмасин деб масжиддан то ҳовлисигача авайлаб элтиб қўйган шундай нозик таб ва фаришта сифат даҳо гоҳида ўзини яниб, “Агар ҳавасдин бош-аёғ яланг ҳар ён югурдим, Бошдин аёғим ёмон эрканини ҳалойиққа билдирдим” дея маломат ҳам қилиб қўяди. Бу буюк –тарбия, дунёвий ва руҳоний тарбия!. Гуноҳни-уддабуронлик, зўравонликни-фазилат, андишани-журатсизлик, меҳрибонликни-гўллик, инсофликни-нўноқлик, маданиятлиликни-кўнгилчанлик деб аташ одат тусига кириётган бир пайтда Навоий ижодининг моҳиятини ташкил этган улуғвор ғоялар инсон қалбини ҳимоялашга кўмакка келади:

Кимки бир кўнгли бузуғинг хотирин шод айлагай,

Онча борким,Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Навоий ўз асарларида узоқ давр давомида яшашига ишонар ва бу асарларининг муносиб даражада баҳоланишини орзу қилар эди. “Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келадурки, сўзим мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмагай...” Навоий хато қилмади. Унинг асарлари асрлар ва авлодларга ҳамроҳ бўлиб соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам

топилади. Алишер Навоий беш аср муқаддам инсоннинг кўнгил оламига қараб, ўзлик сари йўлга чиққан буюк бир жаҳонгашта сайёҳдир. У кўнгилларни зиёрат қилади. Навоий-навобахш, руҳпарвар сайёҳ. Бу улуг сайёҳ башариятга бир дунё гузаллик, завқ-шавқ улашади. Бу олам моҳиятини англади, “яхшилик била от қолдириш ажаб саодат” эканидан таълим беради. Алишер Навоий девонларидаги юзлаб шеърларда фано ва фақр деган сўзларга қайта –қайта дуч келинади. “Фано” ҳам “фақр” ҳам мутафаккир бобомиз айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди. Кўпгина шарқ шоирлари сингари фақр деса Навоийнинг кўнглида қувонч ва шодлик қанот қоқди, фано деса руҳи яйраб-яшнади. Навоий фақирлик масаласини қанчалик улуғласа, фано ҳолини ўшанча юқори шарафлайди. Бунга асосий сабаб нима? Бу сўзларнинг бир қатор луғатларнинг изоҳланган мазмунларига асосланиб айтиладиган бўлса, на фақрда, на фанода ибрат ва ҳавасга арзигулик ҳаётий бир маъно топилмайди. Масалан, “Навоий асарлари луғати»да фано калимаси: Йўқ бўлиш; тугалиш; ўлиш; бақосизлик. Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сингиш деб изоҳланган бўлса фақр-камбағаллик, йўқсиллик; дунёдан кечиш дея шарҳланган. Энди мана бу рубоийни кўздан кечирайлик:

**Ё рабки, фано базмида хос айла мени,
Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени,
Ё дохили зумраи хаввос айла мени,
Ё авомдан халос айла мени.**

Илк мисрдаги “фано базми” иборасини оддий шеърхон “йўқолиш, ўлиш, ўликдан қутилиш” мазмунида англашга мажбурдир. Демак, унинг нигоҳида Навоий ўз-ўзидан, ўлимни, тирикликнинг умуман бақосизлигини ёқловчи бир шиор қиёфасида гавдаланади. Ёки:

“Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени”,

фикрини олайлик. Луғатдаги изоҳга асосланилса, “фақр аҳли”ни камбағал, кашшоқ, дунёга қўл силтаган кимсалар гуруҳидан бошқа бир жамоа сифатида тасаввур қилолмаймиз. Наҳотки, Навоий ночор, йўқсил одамларнинг энг олдинги қаторида бўлиш ва кашшоқлик билан фахрланишни орзу қилган бўлса? Ҳеч қачон бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Камбағаллик ва кашшоқлик инсонни нақадар хору зор айлаб, не-не азобу уқубатларга гирифтор айлашини Навоий ҳаммадан кўра яхшироқ англаган. Лекин халқ орасида авомлик, нодонлик ва гумроҳлик Навоий қалбида дард кўзғаб, уни эзганлиги –бу рост, албатта. Аслини олганда, мазкур рубоийнинг ёзилишига асосий сабаб ҳам ана шу дарддир. Шоир авом ранжидан халос айланиш учун Оллоҳга илтижо қилиб, бири иккинчисига йўл очиб, бири бошқасини қўллаб-қувватловчи уч орзуни изҳор этади. Булардан биринчиси, фано ҳолида энг баланд даражага кўтарилиб, руҳий шодлик ва фароғатга эришиш:

Ё рабки, фано базмида хос айла мени.

Фано- тасаввурдаги асосий ва ниҳоятда мураккаб истилоҳлардан бири. Мутафаккир шоирлар уни неча ўйлаб маъноларда қўллаб, бири иккинчисига ўхшамайдиган, гоҳида эса кескин фақрланадиган мазмунларни илгари суришган. Қадимги тасаввуфшунос олимлардан Абу Наср Саррож фикрига кўра, фано ва бақо моҳиятдан ўзаро боғлиқ истилоҳлардир. У ёзади “Фано ва бақо, авом даражасидан хаввос мартабасига кўтарилишни кўзлаган аҳли тавҳиднинг сифатида дахлдор икки номдир. Бошланғичда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушуниларди: илимнинг ўртача чиқиши –бақо, жаҳолатнинг барҳам берилиши-фано. Қўлнинг ўрганган илми ва маърифат асосида инояти илоҳиятга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши –бақо, ўзининг ҳаракатларини кўришдан фоне бўлиш-фано”. (“ал-Лумъа”, 218-бет)

Демак, Навоий кўзда тутган “фано базми”-бу ҳам хулқий покланиш, ахлоқни гўзаллаштириш “тажриба”си, ҳам илм ва маърифат чўққисини эгаллаш саодати, ҳам тавҳид ҳоли соҳиби бўлишдир. Буюк шоирнинг:

Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени,-

деган илтижосига келсак бунинг замиридаги ҳақиқат яна ҳам жозибалироқдир. Аммо тасаввуфда бўлганидек, дин ва адабиёт тарихида фақир сўзи кўп хато ва нотўғри талқинларга дучор этилганлигини ҳам унутмаслик керак. Умуман, фақирда йўқсиллик маъноси бўлгани билан ҳеч бир мумтоз шоиримиз уни қашшоқлик, афтодалиқ тарғиби учун ишлатмаган. Фақир- дарвешнинг ҳеч бир нарсага боғланиб, тақалиб қолмаслик шуурига кўтарилиши, Оллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нимага муҳтожлик сезмаслиги, деганидир. Иброҳим бин Аҳмад Хаввос демиш: “Фақир шараф кийими, пайғамбар либоси, солихлар ризқи, муттақийлар тожи, мўминлар зийнати, орифлар давлати, итоаткорлар кўшки, гуноҳкорлар зиндонидир. Гуноҳларга кафорат, савобларга пешводир. Фақир-даражаларни юксалтирувчи, мақсадга етиштирувчи эрур. Фақир-эзгу амал соҳибларининг шиори, муттақийларнинг йўли ҳисобланади”.

Фақрнинг шунча сир-асрорларини англаган киши фақр аҳли орасида зўр нуфуз қознишни орзу қилмай нима қилади? Шу боисдан Шарқ мумтоз шеърятининг деярли ҳар бир йирик вакили кўнглида фақр ишқи жўш урган ва фақрликни шахс камолотининг дахлсиз мақоми ўлароқ эъзозлаган.

Ҳақ ошиқлари, дарвеш ориф, абдол, аҳли фақир-булар ўтмишда “зумраи хавос”, яъни хос одамлар жамоаси дейилган. Булар ўзларининг гўзал хулқ-атвори, илм- маърифати, айниқса, тўғрилиги, файз соҳиблиги билан халқ орасида зўр обрў-эътиборга эга бўлишган. Бундай зотларга тенглашиш камдан-кам кишиларга насиб бўлганлиги учун кўпчилик уларнинг даврасига кўшилиб, суҳбатларидан баҳра олишга интилишган. Навоий ҳам буни оламондан ёғилажак азиятдан қутилишнинг бир чораси дея таъкидлаган:

Ё дохили зумраи хавос айла мени.

Ҳақиқий рубоий- илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеъри. Рубоийни илм ва мушоҳада кишиси бошқа миқёсда тушунади, билими паст, фикир йўли тор кимса ўзга бир тарзда қабул қилади. Айтайлик юқорида келтирилган рубоийнинг моҳиятига етиб боролмаган ўқувчи мана бу рубоийдаги маънонинг ҳам мағзини чақолмайди:

Бир айбға гарчи халқ қилгай мансуб,

Фақр аҳлидан изтироб эмастур маҳсуб.

Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хуб,

Қизб эрса, маломат дағи бордур матлуб.

Бу оламда қандайдир камчилик ёки нуқсондан бутунлай холи бандани учратиш жуда қийин. Хоҳ ёши катта, хоҳ ёши кичик бўлсин, ҳар кимда ўзига яраша бир қусур кўзга ташланиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда одамнинг ўзи буни пайқай олмайди. Айримлар эса била тура айбини яширишга ё тан олмасликка уринишади ва охир-оқибатда зохири билан ботини, айтгани билан амали ҳеч мувофиқ келмас, ашаддий каззоб, риёкорга айланиб қолишади. Ахир, касални яшириб бўлмаганидек, ёмон хулқ, нафсоний майлларни ҳам хаспўшлашнинг ҳеч иложи йўқ. Биров кўрмаса, уларни бошқа кимдир сезади, кўради. Хўш, бундай пайтда нима қилиш лозим? Навоийбу саволга тасаввуф қаҳрамонларининг энг пешқадами- фақир мисолида жавоб беради. “Фақирлик –менинг фаҳрим эрур”. Пайғамбаримизнинг бу сўзларига содиқ бўла олган ҳар бир фақир ақл-идроки, камтарлик ва хоксорлиги, нафс “жилови” ни қўлга маҳкам ушлай ола билганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Бироқ фақир одоби эришилган ахлоқий-маънавий хислатларга бино кўйиш, кўпчиликнинг муносабатини назарга илмасликни мутлақо маъқуллмаган. Навоийнинг рубоийсида таъкидланишича, халқу халойиқ қандайдир айб ёхуд нуқсон юзасидан фақир аҳлини қоралашса, бундан асло

ранжимаслик керак. Фақир таъна-маломатдан эмас, мактовдан чўчиши лозим:

Фақр аҳлидан изтироб эмасдур махсуб.

Танқиднинг тўғри ё нотўғрилигини аниқ билиш- бўлак масала. Агар кўшилган айб тухмат ва бўхтон бўлмаса, сира оғринмай унга тан бериш ва кечиладиган ноқисликдан кечиш зарур. Танқид мабодо ёлғон ва асосиз бўлса-чи? Бунинг ҳам оғринадиган томони йўқдир, Зеро “Маломатда саломат бор”деб бежиз айтилмаган. Бундан ташқари, фақир соҳиблари маънавий салтанатни саховат, вафо ва ризодан айри кўрмасликлари жоиз:

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,

Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,

Оллига неким келса, ризодур анга шат.

«Махбуб ул-Қулуб»дан

(Парча)

1.”Яхши хотин -олиланнинг давлати ва бахти. Уйнинг оройиши ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса-кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса-жон озиғидир. Оқила бўса, розғорда тартиб-интизом бўлади...”

2.Ҳар кўнгилниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ..”

3. Ҳар кимки сўзи йўғон,ёлғони зоххир бўлғон. Ёлғонни чиндек айтувчи суханвор –кумушни олгун билан рўкаш қилғувчи заргар...”

4. Аччиқ тил захарли найзадек санчилади. Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмас..”

5. “Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтказиб, уни мулзам қилишни истаса, бу олимнинг узи учун ҳақоратдир. Олим, аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши керак, гавҳарни синаб кўриш учун тошга урмаслиги лозим”.

6.”Олийҳиммат одам-баланд парвоз лочиндир, беҳиммат- сичқон овловчи калхатдир.”

7. Саҳоват- инсоният боғининг ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир,Саҳоват одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгзи, балки у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир...”

8. Ҳилм(мулойим табиат) инсон вужудининг хушманзара мевали боғидир ва одамийлик оламининг жавохирга бой тоғидир. Юмшоқ кўнгиликни-ҳодисалар тўла дегиздаги кишилик кемасининг лангари деса бўлади ва инсоният кадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштирса ҳам бўлади”.

9.”Тилга ихтиёрсиз-элга эътиборсиз.Кўп бемаза сўзлайдиган эзма-кечалари тонг отгунча тинмай хурадиган итга ўхшайди”.

10.”Чин сўз мўътабар, яхши сўз-мухтасар. Кўп сўзловчи – зериктирувчи, қайта-қайта гапирувчи- ақлдан озган...Агар сўз гўзаллик зийнати билан безалмаган бўса-унга чинлик безаги етарлидур!..”

11.”Илм ўқиб, унга амал қилмаган –ерни ҳайдаб, уруғ сепиб, ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди.

Байт:

Ким илм ўқиб дуруст амал қилмади,

У уруғ сочиб, ҳосил ола билмади.”

12. “Гавҳар балчиққа тушгани билан- қиммати камаймас..

Улуғ шоир бежизга “шеърят мулкининг султони” деган шарфли номга муносиб кўрилмаган. Дарҳақиқат, у туркий назмни шу даражада юксак мақомга кўтардики, шу шараф ундан олдин ва кейин яшаган ҳеч бир шоирга насиб этган эмас. Ёш Алишернинг 1465-1466 йилларда мухлислари томонидан тузилган “Илк девон”и туркий назм осмонида янги порлоқ юлдуз чарақлаганининг илк хушхабари бўлди. Шундан сўнг дунё юзини кўрган “Бадое ул-бидоя” (“Гўзалликнинг бошланиши”), “Наводир ун-хикоя” (“Нодир тугалланиш”) девонларини улуғ шоир ўз қўли билан тартиб берди ва шу тариқа шеърсевар мухлисларига бўлган чексиз эҳтиромини изҳор этди. 45 минг мисрага яқин -3200 дан ортиқ шеърни қамраган, “Ғаройиб ус-сиғар”(“Болалик ғаройиботлари”), “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”), “Бадое ул-васат”(“Ўрта ёш гўзалликлари”), “Фавойид ул-кибар” (“Кексалик фойдалари”) девонларини ўз ичига олган “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) куллиёти эса “туркий сўз сеҳргари”нинг чинакам мўъжизакорлиги намунаси эди: мазкур куллиётда шоирнинг мумтоз лириканинг 16 жанрига мансуб асарлари: 2600 ғазал, 4 мустазод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 1 мусамман, 4 таркибанд, 1 таржебанд, 1 маснавий, 1 қасида, 1 соқийнома, 210 қитъа, 133 рубоий, 52 муаммо, 10 чистон, 13 туюқ, 86 фард жамланган.

Форсийда битилган 12000 мисрадан ортиқ шеърни ўз бағрига жо килган “Девони фоний” эса шоирнинг “форсугўй” шоирлар баҳсида ҳам пешқадам бўлганини шоён этди. “Хайрат ул-аброр” (“ Яхши кишиларнинг хайратланиши”) , “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”(“Етти сайёра”), “Садди Искандарий” дostonларини ўз ичига олган илк туркий “Хамса” қозонган шуҳрат адабиётимизни дунёга танитди, ундан ўрганиш ва унга эргашишга даъват этди. 1498 йилда улуғ шоир ғирати билан Фаридуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” (“Қуш нутқи”) асарига жавобия тарзида яратилган “Лисон ут-тайр” (“Қуш тили”) достони эса Ғарбу Шарқда тасаввуфга оид нодир қўлланма ўлароқ юксак кадр топди. “Вақфия”,

“Рисолаи муаммо”(Муаммо ҳақида рисола”), “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчами”), “Рисолаи тир андохтан” (“Ўқ отиш ҳақида рисоласи”), “Муҳокамат ул луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) рисолалари, “Сабату абҳор” (“Етти денгиз”) араб тилининг изоҳли луғати эса шоир илмий-ижодий изланишлари сарҳадининг ниҳоятда кенг бўлганидан шаҳодатдир. Шоир ҳаёти ва ижодига оид воқеа ва рақмларга аниқлик киритишда унунг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” (“Беш хайрат”, Жомийга бағишланган), “Холати Паҳлавон Муҳаммад” сингари хотиранома асралари алоҳида аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан, улуғ алломанинг турли йилларда битилган 88 мактубини ўзида жамлаган эпистоляр характердаги “Муншоат” (“Мактублар”) асари ҳам муҳим аҳамиятга эга. “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”), “Насойим ул-муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”), “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам шоҳлари тарихи”), “Тарихи анбиё ва ҳукамо”(“Анбиёлар ва ҳақимлар тарихи”) сингари адабий-тарихий тазкиралари шоирни шу соҳанинг ҳам пешқадамига айлантирди.

“Арбаъин” (“Қирқ ҳадис”, ҳадислар асосида битилган 40 қитъа), “Назм ул-жавоҳир” (“Жавҳирлар тизмаси” 266 рубоийни ўз ичига олган), “Сирож ул-муслимин” (“Муслмонлик нури”), “Муножот”, “Маҳбуб ул-кулуб” (“Қалбларнинг севгани”) асарлари бизни буюк бобокалонимизнинг комил муслмон сифатидаги пок ахлоқи файзу баракатидан баҳраманд этади.

Ҳазрат Навоий Шарқда кенг қарор топган қасидачилик анъанасини ҳам муносиб давом эттирди. Уни ахлоқий –фалсафий мазмун билан бойитди, бадиий такомилга етказди. “Ҳилолия”, “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”, йил фаслларига бағишланган 4 қасидаи фаслияни ўз ичига олган форсий қасидалар туркуми), “Ситтаи зарурия” (“Олти зарурият”, 6 фалсафий қасидани ўз ичига олган форсий қасидалар туркуми) асарлари улуғ шоир бадиий маҳоратининг безавол дурдонасидир.

Биз Навоий асарлари сонини қайд этишда имкон қадар мухтасарликка интилдик. Зотан, шоир қалами тухфа этган катта –кичик асарларнинг умумий адади 5000 дан ошиб кетади. Агар бизда чинакамига Навоийхонлик анъанаси шаклланганида, йилнинг ҳар бир ойида, ойнинг ҳар бир ҳафтасида, ҳафтанинг ҳар бир кунида, куннинг ҳар бир соатида улуғ шоир ҳаёти ва ижодига дахлдор ҳар бир санани нишонлашга тўғри келар, шубҳасиз, бундан миллат шаънини улуғ билган ҳеч бир ватандошимиз афсус қилмаган бўлар эди.

Шубҳасиз , ёзган асарларининг адади улуғ шоир абадиятини таъмин этган бирламчи омил эмас! Навоий ҳаёти –бетакрор ибрат, Навоий ижоди-безавол кадрият! Бу ҳақиқат шоир тириклигидаёқ ўз тасдиғини топган, у нафақат илм ва ижод аҳли, балки оддий халқ ҳам эргашадиган, ибрат ва намуна оладиган, севадиган ва соғинадиган зот даражасига кўтарилган эди. Шоир тириклик чоғидаёқ унинг асарларига ёзилган кўплаб назира-ўхшатмалар, мухаммаслар, халқ орасида кенг тарқалган, шоирнинг ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи халқона ривоятлар бунга ёрқин далилдир. Ўнлаб шоирларнинг ўзига “Навоий” таҳаллусини танлаганлиги эса Мир Алишер асарлари ижод майдонига қадам қўйган навқирон қаламкашлар изланишларига нечоғлик, умидбахш таъсир кўрсатганлигидан шаҳодатдир.

Болалик чоғидаёқ Шарафиддин Али Яздий дуосини олишга Мушарраф бўлган, малик ул-калом Лутфий назарига тушган Алишер Навоий кейинчалик Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Камол Турбатий сингари ўз даврининг нозиктаб зотлари билан устоз-шогирдлик ва дўстлик ришталарини боғлади. Уларнинг ҳаммаслик кўмакчисига айланди, ўрни келганда, илм ва ижод жабҳасидаги қимматли маслаҳатлари билан уларга илҳом, куч ва ғайрат бағишлади. Шу боис Абдурахмон Жомий ўз “Баҳористон” ида Алишер Навоий шаънига самимий таҳсинлар ёғдирди, Хондамир ўз “Макорим ул-ахлоқ” асрини тўлиғича Алишер Навоийга бағишлади, Бобур ўз “Бобурнома”сида шоир шахси ва

ижодига улкан баҳо берди. Давлатшоҳ Самарқандий ва Зайниддин Восифий асарларида Навоий ҳақидаги ибратли лавҳаларга кенг ўрин ажратилди. Ҳуросоннинг шеърпарвар ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро шоир замондошини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади, унга ҳаммаслик бўлди, илмда ҳам, ижодда ҳам унга эргашишга ҳаракат қилди. Ва ана шу дўтлик эҳтироми туфайли ўз “Рисола” сида Алишер Навоий ижодига юксак баҳо берди. Унинг шеърларида қўллаган мингга яқин сўзга изоҳ берилган ва шоир асарларини тушунишни осонлаштирадиган “Бадои ул-луғат” (Толи Имомий Ҳиравий) изоҳли луғати яратилишига бош-қош бўлди.

Навоий ижоди Машраб қалбига ҳам ўт-аланга солганлиги унинг устоз ғазалларига ўхшатмалари, муҳаммаслари мутолааси чоғида яққол кўзга ташланади. Етук шоир ва таржимон, тарихчи ва жамоат арбоби Шермуҳаммад Мунис эса ўзини Навоийга издошликка бошқалардан кўра ҳақлироқ санади. “Сўз ичра Навоийки жаҳонгир турур, Мунисга маоний йўлида пир турур” дея фахр ила таъкид этган шоир ўз исмининг Алишер Навоий исмига моҳиятан уйғун эканлигидан яна бир сурурга тўлди, устозга эргашиб, ўз девонига “Мунис ул-ушшоқ” (“Ошиқлар дўсти”) дея ном қўйди, уни дебоча билан зийнатлади. Бироқ ҳақли равишда таъкидлаш жоизки, бу жабҳадаги пешқадамлик жилови етук шоир ва олим, тарихчи ва таржимон Муҳаммадризо Огаҳий қўлида кетди: шоир Алишер Навоийга муносиб издошлик қилиб, лириканинг у мурожаат этган барча жанрларида ўз кучини синаб кўрди. Бунинг маҳсули ўлароқ “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар тумори”) дея номланган 19 жанр намуналарини ўз ичига олган муаззам девон яратди.

Ўзбек навоийшунослиги ва Навоийномаси тарихида XX асрда қўлга киритилган ютуқларнинг айрича ўрни бор. Айни шу асрда шоир юбилейлари бир неча марта нишонланиб, унинг илмий-ижодий меъросини ўрганиш, адабий сиймосини яратиш йўналишида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан 15 жилдли, 550

йиллиги муносабати билан эса 20 жилдли Мукаммал асарлар тўпламалари нашр юзини кўрди. Шоирнинг турли ёшли китобхонлар учун мўлжаллаб чоп этилган турли тил, ёзув, ҳажм ва кўринишдаги асарлари ададига етмоқ мушкул!

Замонавий сўз санъатимизда Алишер Навоий сиймосига бевосита ва билвосита мурожаат этмаган қаламкаш йўқ ҳисоби. Шоир яратган қахрамонлар, қолаверса, унинг ибратли тўлиқ ҳаёти, асарларидаги ҳикматга тўла лавҳалар қалам аҳли энг кўп мурожаат этадиган телмеҳ воситасига айланганлиги рост! Ойбекнинг ”Навоий ва Гули”, “Алишернинг ёшлиги”, “Навоий”, Л.Батнинг “Ҳаёт бўстони”, Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий”, Мақсуд Шайхзоданинг “Ўртоқ Навоий” сингари асарлари улуғ шоир адабий сиймосига қўйилган безавол ҳайкаллардир. Замондош адибимиз Омон Мухторнинг бу улуғ зот ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қиливчи “Ишқ аҳли” ҳамда “Буюк фаррош” романлари ўзбек Навоийномасининг янги асрдаги илк қадами бўлган эса, таниқли шоир юртдошимиз Самандар Воҳидовнинг Навоий ғазалларига ёзилган 50 мухаммасдан таркиб топган, куни кеча нашрдан чиққан”Бу боғда баҳра боқийдур” китоби эса улуғ бобокалонимиз қалам аҳли қалбига баҳш этаётган безавол илҳомнинг янги маҳсули ўлароқ, шеърят муҳиблари кўнглига қувонч баҳш этди.

Сўзсиз, Навоий ижоди-чексиз уммон. Ҳали бу уммон неча –неча авлодлар ила дийдорлашмоғига, улар қалбини ўз беғрига яширган жавоҳирлари билан такрор –такрор нурафшон этмоғига асло шубҳа йўқ!

Шарқнинг буюк алломари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий эътиқодига кўра, мансабу мартабага кўнгил боғламаган киши оқилдир, олийҳимматдир. Мансабга беписандлик, амал курсидан ўз ихтиёри билан воз кечиш ёки мансаб таклиф қилинганда уни чин кўнгилдан рад эта олиш-саховат. Саховат ва ҳиммат аҳлининг касбидир ва бу улуғ сифат –покиза

кишиларга ҳосдир. Буюк ҳазрат таъкидлаганларидек: “Ҳиммат аҳлиғадуру саҳоват ихтисоси ва бу икки шариф сифат- валоят хоси” (“Валоят” сўзи валийлик, авлиёлик, азизлик, худога яқинлик маъноларига эга). Кўринадики, Алишер Навоий нафси озурда тутган, қаноатли, мансабу амал хирсидан озод, “молу жоҳ ҳаёли риштасини кўнгилдан узган” кишини валийлик мақомига кўтариб, маҳд қиладилар. Шундай талқин Алишер Навоийнинг қатор насрий асарларида кузатилади. Алишер Навоий даврининг доврүкли воизи Мавлоно Муиннинг акаси Мавлоно Низомиддин ҳақида “Мажолис ун-нафоис” да ўқиймиз: “Ва оғаси Мавлоно Низомиддинким, донишманд ва муттақий ва дарвеш ани деса бўлурким, икки қатла Хирий шаҳрининг қазосин таклиф била анга бердилар. Иккаласи қатла ўзин азл қилди. Умид улким, бу қатла қабул қилғай ва азл(рад) қилмағай”.

Алишер Навоий икки марта Хуросон давлатининг пойтахти Ҳирот шаҳрининг казолик лавозимини рад қилган Мавлоно Низомиддиннинг учинчи марта бу таклифга рози бўишини чин қалбдан истайди. Нага? Чунки йирик давлат ва жамоат арбоби, ката ҳаётий ва амалий тажриба соҳиби Ҳазрат Навоий наздида айнан шундай мансабни яхши кўрмайдиган, муттақий, донишманд ва дарвеш табиат кишилар ҳокимиятни бошқарса, мамлакат равнақ топади, эл-улус фаровон яшайди. Одатда, бундай кишилар кўнгли қаттиқ, шавқатсиз, қамчисидан қон томадиган амалпараст кишилардан фарқли ўлароқ виқорли ва ҳилмли бўладилар.

Мансаб севгиси одамни тошнорак қилиб қўяди. Амал кетидан елиб-югуриш, уни муҳофаза қилиш умрини чўзиш, яна каттароғига кўтарилиш орзуси инсонни беҳаловат, айрим ҳолларда дағал ва ғазабдор қилиб, юз кўйга солади. Мансабга ҳирс қўйишдан тийилган инсон эса амал курсисида ҳам ботамкин ишлайди. Чунки киши учун амалдорлик ва амалсизликнинг оғирлик ва енгиллиги бирдек. Аниқроғи, мансабдорликдан кўра, мансабсизлик маъқулроқ. Кўнгилда молу жоҳ ҳаёли йўқлигиндан қалб таскин топиб, руҳ хузур-ҳаловатга тўлади. Муборак ҳадисда таъкидланганидек:

“Дунё муҳаббатини кўнгилдан чиқариш дилга роҳат беради. Дунёга қизиқиш эса ғам ва ташвишни кўпайтиради, тошбағир қилади”.

“Мажолис ун- нафоис”нинг тўртинчи мажлисида ўқиймиз: “Мир Сарбараҳна- Туркистондиндур. Хуштаб ва хушмашраб ва хушеухбат ва ширинкалом кишидур. Атиҳ ул-раҳмон Шайх Лукмон(қуддиса сирриху) мазорида йигирма йилга яқин шайх ва мутававали эрди. Йил бўлдиким , юз минг, юз эллик минг олтунга яқин анинг авғофидин ҳосил қилиб андоқ масрифига еткурдиким, худо ва халқи худо қошида мустаҳсан тушуб ҳеч киши нав айб топа олмади. Сўнгра худ садорат масканида мутаммакин бўлиб , улви ҳимматдин андоқ олий мансабдин ўз ихтиёри била истеъфо қилди”.

Шон-шавкат қидириб ўзини ўтга-чўкка урадиган кишилар учун қанчалик ибрат бор аждодларимиз ҳаётидан келтирилган бу лавҳаларда!?

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да маълумот берилишича, Алишер Навоий Хуросон давлатига қарашли Андхуд ноҳиясида экан, Абдураҳмон Жомийдан мактуб олади. Улуғ дўстининг Навоийга меҳру муҳаббат билан тўлик номаси қуйидаги қитъа билан хотима топган эди:

Зирак он кас, ки дар харобаи даҳр,

Дари ганжинаҳои роз занад.

Жоҳи кўтоҳ пой ниҳад,

Даст дар давлати дароз занад.

Мазмуни:Зийрак у кишики, дунё харобасида, сирлар хазинасининг эшигини қоқади. Қисқа (умрли) мансабни оёқ остига ташлаб, қўлни узун давлатга (яъни ижодий ишларга) уради.Муршиди комил ҳақ.Ҳар қандай мансаб ҳам абадий эмас. Шундай экан:

Ҳар неким бебақодур, анга кўнгил боғламоқ хатодур.

“Илм ўзлаштирмак”, устод Садриддин Айний таъбирича, “оташ пораси олмоқ” усули илми бадеда иқтибос номи билан юритилиб, Қурон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки улар мазмунини шеърда ифодалашни назарда тутати. Қурон оятлари ва Ҳадис ғояларига мурожаат Алишер Навоийнинг туркий ва форсий ғазалларига хос муштарак фазилатдир. Бинобарин, шоир “Арбаин”идан ўрин олган мана бу китъада ҳам иқтибос усули ёрқин кўзга ташланади:

Оналарнинг оёғи остидадур

Равзай жаннату жинон боғи.

Равза боғин висолин истар эсанг,

Бўл онанинг оёғи тупроғи.

Кўринадики, мазкур китъа сатрлари мағзига Муҳаммад Расуллоҳнинг “Ал-жаннату тахта ақдами умма хатинум”, яни “Жаннат калити оналар оёғи остидадур” Ҳадиси шарифининг мазмуни сингдирилган. Улуғ шоирнинг баъзи ғазалларида зоҳиран Қурон оятларига ишора кўзга ташланмайди. Бироқ ўша мисралар теранроқ, назардан ўтказилса, улар замирига Қуроний ғоялар жо этилганлиги аёнлашади:

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,

Айлагил жондан жудо, лек қилма имондан жудо.

Байт моҳиятида “Юсуф сураси 101-оятининг мазмуни яширинган. Мазкур оятда хабар берилади:” (Ё Рабби) Мени мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени ҳам солиҳ бандаларинг қаторига қўшгин”.

Сен неттинг шамъу гулда жилваким, парвонаву булбул-

Бири куйди, бирига бўлди юз дарду бало пайдо.

Мазкур байтнинг “Нур” сураси 41-оятининг билан мантиқан алоқадорлигига аҳамият беилса, юқоридаги фикрларга янада яққолроқ ишонч

хосил қилинади. Қуроний оят қуйидагича акс садо беради:”(Эй Муҳаммад) Аллоҳга осмонлар ва ердаги бор жонзот ҳам, (самода) саф тортган кушлар ҳам тасбиҳ айтиб –покланишини кўрмадингизми?”

Аксар ғазалларда шоир иқтибос меваларини талмеҳ назорати билан зийнатлашга эришган. Улуғ шоирнинг пайғамбарлар ва улар йўлида тўсик бўлган турли кучлар (Қорун, Фиравн, Намруд) ҳаётига оид ривоятларга ишораларида худди шу жиҳат ёрқин кўзга ташланади: Намруд бошчилигидаги мушриклар Иброҳим алайҳиссаломнинг қўл-оёғини боғлаб, оловга отадилар. Жаброил алайҳиссалом ундан “Бирор тилагинг борми?” – деб сўраганида, “Парвардигорим ўзи аҳволимдан огоҳ”, деб фақат Оллоҳдан сўрайди ва Оллоҳх “Биз айтдик: “Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!” (“Анбиё”, 69-оят) – зикр қилинган фармонини юборган, оловнинг ёруғи қолиб иссиғи йўқолган. Туркий девондан олинган қуйидаги байт орқали шоир ҳар бир кишининг пинҳону ниҳон сирларидан фақат Оллоҳгина хабардорлигини уктириб, Иброҳим алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ юқоридаги воқеаларга ишора қилади:

Сабур исми билан қилсанг тажаллий,

Қилиб Намрудға юз минг мудоро.

Қорун мол-мулкка ҳирс қўйиб ҳаволанади ва охир-оқибатда беҳад сарватлари билан йўқ бўлди. Бу ҳақда “Қасас” сурасининг 84-оятида ўқиймиз: ”Ким яхшилик билан келса, бас унинг учун(қилган яхшилигидан) яхшироқ (мукофот бўлур). Ким ёмонлик билан келса, бас, ёмонликлар қилган кимсалар фақат ўзлари қилган ёмонликлари билангина жазоланадилар”. Қуйидаги байтда шоир талмеҳ имкониятларидан фойдаланиб, шу ояти каримага ишора қилган:

Мунча ҳашмат топмоғингдан сўнгра бировни қулунг,

Жо ҳила мукнатда Қорунга тавонгар бўлди тут.

Қурон таркибидаги машҳур қиссалардан яна бири Юсуф аллайҳиссалом саргузаштларига оид лавҳалардир. Маълумки, илоҳий китобларда Юсуф гўзаллик тимсоли сифатида улуғланади. Мана бу байтда Оллоҳнинг гўзаллиги юсуфда акс этганига ишора қилинмоқда:

Неча олам ўртади, хуснинг ўтидан ламъан,

Тушмаган бўлса жамоли Юсуфи Канъон аро.

Мисоллардан аёнлашаётирки, улуғ шоирнинг аксарият байтлари илоҳий-исломий ғоялар заминида вужудга келган. Агар ҳар бир ғазалнинг ботиний маънолари илоҳий китоб билан биргаликда қиёсланиб, жиддий тадқиқ этилса, Ҳазрат Навоий ижодиёти маҳсули бўлган қатор шеърлар унинг маърифий-бадий шарҳи эканлигига, бу билан улуғ шоир ғазалчилик соҳасида ҳам Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий сингари мутафаккирларга муносиб издош бўла олганлигига ишонч ҳосил қилинади.

"Дахнома"

Халқ оғзаки ижодида ҳам жуда кўплаб масалаларни ўз ичига олган номалар мавжуд бўлиб, улар атайин ишқ-мухаббатни, ҳаёт ташвишларини турмуш қийинчиликларини ўзида мужассам этган: "Муслимнома", "Орифнома", "Мухаббатнома," "Дилнома" каби бир қанча номалардаги кишини ҳайратга соладиган замона- зайлидан келиб ўзини фақир бедаво қилиб кўрсатадиган мискинлар ҳолатига тушасиз ва уларни мушкулени осон қилишни ўйлайсиз изтироб чекасиз. Ўша давр билан ҳозирги замонни таққослаб, хулоса чиқариб замонамизда яратилган буюк ишларга дахлдорлик ҳиссини сезиб, машҳурлар ҳаёти нақадар аянчли ва дарбадарликда ҳаёт кечирishiга қарамасдан қалби тўла илм – маърифат, ишқ-мухаббат эканлигига улар фавқулотда ёзиб қолдирган номалар асосида воқиф бўласиз.

Садойи Шарқ журналининг 1965 йил., № 2 сони, 132-151 бетларда берилган “Дахнома” яъни ўн нома Фахриддин Гургоний қаламига мансуб бўлиб, “Вис ва Ромин” асаридан парча келтирилган бу парчада, оташин ишқ ва мухаббат куйланган биринчи нома, иккинчи нома ва ниҳоят 10 номада баён қилиб берилган бўлиб ҳар бир номанинг ўзининг номи мавжуд ҳар бири ҳам алоҳида мазмун ва ўзига хос тарихга эгалиги ҳақида ёзилган”. А.Девонқулов томонидан нашрга тайёрланган ушбу парча, форс тилида берилган, номаи аввал яъни “Биринчи нома” деб бошланади.

Агар чархи фалак бошад ҳарирам,
Ситораи сар ба сар бошад добирам.
Ҳаво бошад девойи шаб сиёҳи,
Хуруфи нома баргу регу моҳей
Нависад ин добирон то бо машҳар
Умеду орзуи мой ба дилбар.

"Маншурнома"

Маншурнома – бирор бир машҳур шоир томонидан бошқа шоирга ёки ёзувчига, унинг етуклигини тан олганлигидан шаҳодат берувчи ёрлик. Кўпгина машҳурларга буюк давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ва фаолиятига юксак эътироф рамзи сифатида берилган баҳони кўпгина асарларда учратамиз. Шунингдек уларга берилган баҳо орқали ҳам унинг бебаҳо инсон эканлигига яна бир қарра гувоҳ бўламиз.

“Шоирлар бўладик, бизни ўзларига таъзим қилишга мажбур қиладилар, лекин баъзан киши ижодкор олдида шошиб қолади: унинг даҳоси олдида таъзим қилиш билан бирга, уни инсон сифатида буюк мухаббат билан севишни ҳам баъзан талаб қилади. Мир Алишер Навоий ана шундай

улуғ инсон ва шоир эди.”

(Ё.Э.Бертельс)

Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру ўзининг “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” китобида “Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик подшоси, жасур, уддабурон инсон эди, у санъатни адабиётни севарди, ҳаётдан лаззатланишни хуш кўрарди...”

...Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли ва жозибали кишилар орасида энг етуқларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва диний фанатизмдан йироқ эди ва бу борада аждодлари сингари диний иморатларни буздиришга йул қўймади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқарди, форс тилида шеърлар ёзарди”.

Навоийнинг турт девондан иборат, “Ҳазойин-ул маоний” тўпламини ўқиган ўсмир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаяжонини яширолмай Навоийга шундай шеърый мактуб битган эди:

Ашъорингким, шеър оти то бўлгай,
Табъ аҳли анга волау шайдо бўлгай,
Ҳар лафзи дуру баҳри маони анда,
Ким кўрди дуреки, анда дарё бўлгай.

Чунончи, улуғ форс тожик шоири Адурохмон Жомий “Туркий тилда калам тебратиб балоғат ва фасоҳат майдонида от сурган Навоий агар бу асарларини форс тилида яратганида форсигўйларга сўз қолмасди” деса, султон ва шоир Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақида “Рисола” асарида тариқатнинг барча навида Навоий соҳибқиролик мақомини эгаллабдур” деб баҳо беради.

Пушкин: “Хрестофор Колумб бизга Американи қандай очиб берган бўлса, Карамзин бизга Россия тарихини шундай очиб берди”-деб айтади (Н.М.Карамзин 1766-1826).

И.Каримов Навоий ижодига баҳо бериб ўзининг “Юксак маънавият энгилмас куч” асарида, “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”-дея таърифлаб утганлар.

Мир Алишер Навоий узининг”Арбаин”, “Насойимул-мухаббат”,”Тухфатул-афкор”,”Мажолис ун-нафоис”,”Хамса”га кирган дostonларида Жомийга махсус урин ажратади ва унинг фаолиятига,аклининг кудратига катта баҳо беради, унинг камолотини ”бир жахонга” , “дарёга” киёслайди. Навоий Жомий хақида шундай сатирларни битади:

Ул сафо ахли покфар Жомий,
Покфар жому пок фаржоми,
Ул якин сози дасгир манга,
Киблау устоду пир манга,
Ки тутубдур жахонни таснифи,
Назм девону наср таълифи..

"СУРГУННОМА"

Янги аср бошларида «**Шаҳидлар хотираси**» хайрия жамғармаси мутасаддилигида «Шарк» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсиддиновнинг «Ўзбекистонда кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари" номли монографиясини нашр этди. Асарнинг ҳар бир саҳифасида келтирилган сон – саноксиз лавҳалар, рақамли далиллар, эътиборли мисоллар машъум кулоқлаштириш сиёсати, оқибатлари бегуноҳ шаҳид бўлган Украина ва Сибирларга бадарға қилинган хоки поклари ўша ерда қолиб кетган минглаб ота – оналаримиз хотирасига бағишланган марсиядек чуқур таассурот колдиради. Муаллиф уни Ўзбекистон ва Украина архивларида сақланаётган, таъбир жоиз бўлса шаҳидлар қони билан битилган, уларнинг заъфарон

чехраларидай сарғайиб кетган хужжатларини изтироб билан кўздан кечириб ёзган. Ушбу сатрлар муаллифлари, уч оға-ини Ўзбекистондан Украинага 1931 йили сургун қилинган «қулоқлар» дан бўлганимиз, мусофирчиликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб – уқубатларининг жонли шоҳиди эканимиз учун ҳам мазкур китоб ҳақида фикр юритмоқчимиз-деб ёзади макола муаллифлари.

Монографияда сургуннинг чексиз азоб – уқубатларини бошидан кечирган жафокашларнинг эсдаликлари келтирилган. Унда қибрайлик Со биржон Мўъминов, Фахриддин Умаров, хонабодлик Раҳимжон Ёқубжонов андижонлик Иминов ва бошқаларнинг матбуода турли даврларда эълон этилган эсдаликлардан лавҳалар бор. Буларни ўқиган бағри тош одам ҳам изтиробга тушиб, қаҳри қаттиқ, халқни ашаддий қушандаси бўлган «халқлар доҳийси» га миллион – миллион бегуноҳ кишиларни ватангадо ва кафангадо қилган қотилга нисбатан қаҳр – ғазаби қайнаб тошади. Китобда ёзилишича, биргина 1930-1931 йилларда ўз юртидан бегона юртларга кўчирилганлар сони 1.803.392 киши (391.026) оила бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра- деб ёзади муаллиф, - қулоқ қилинганлар 3,5 миллиондан тўққиз миллион кишига етган. Қулоқлаштиришнинг бош ташаббусчиси ва бевосита ташкилотчиси Сталиннинг ўзи ҳам 1942 йили Уинстон Черчилль билан бўлган суҳбатида юқорида қайд этилган рақамга яқинроқ рақамни айтган. Р. Шамсутдиновнинг таъкидлашича. Шу учрашувда жамоатлаштириш ҳақида гап очилганда, Сталин дарҳол сергакланиб, бу сиёсат даҳшатли курашдан иборат бўлганини айтган. Шунда Черчилль унга «Ахир сиз миллионлаб майда кишилар билан олишгансиз», деганида унга жавобан: 10 миллион киши билан. Бу жуда ҳам даҳшатли бўлган, бу тўрт йил давом этган»- деб айтган. Бу миллионлаб кишилар тасодифан омон қолган биз фарзандлари каби, ҳар куни, ҳар соат ўлим билан рўбарў турган, чексиз азоб-уқубатлар, хўрлик ва зорликларни бошидан кечирган бечоралар эди.

Китобда келтирилган қуйидаги эсдалик лавҳаси ушбу сатрлар муаллифларидан бирига тааллуқлидир: «Мен ўшанда ўн икки ёшли бола эдим. «Қулоқ» деб пешонасига тавқи лаънатлар тамғаланганлар қоп-коронғу юк ташувчи поезларга тикилганча қирқ кун мобайнида Одессага етиб келдик. 16 минг нафар одамнинг кўпчилиги йўлларда очлик ва касалликдан азоб чекиб, ўлиб кетди, гоҳо жасадни вагонда ортиқ сақлаб туришнинг имкони бўлмаганидан чўлу биёбонларга улоқтиришга мажбур бўлишарди».

Бадарға қилинганлардан ўн икки оилани Одесса вилоятининг Ястреб хуторидаги уйларга жойлаштиришди. Бу уйларнинг эгалари бир неча ой олдин Сибирга сурункасига сургун қилинган экан. Улар кетаётганда ғазабланиб ўт кўйиб юборган уйлардан омон қолганларига тикиштиришди... Бор йўғи 16 квадрат метр сахли хонага 6 жонни жойлаштиришди. У ерда биз кўрган азобларни ташландиқ ит ҳам кўрмаган».

Монографияда келтирилган бундай эсдаликларни ўқиган китобхоннинг бу одамлар қандай тирик қолган экан, деб ҳайратга тушиши аниқ. Украинага, Сибирга ва қизил империянинг турли бурчакларига бадарға қилинганларнинг аянчли, муҳтожли, оч-яланғоч, бинобарин, фақирона мискин ҳаётлари Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», ҳамда «Сургун» номли китобларда ўз аксини топганди. Буларнинг давоми сифатида зукко тарихчи олим, Р.Шамсутдинов машаққатли, бироқ шарафли саъй ҳаракатлари туфайли янги сургуннома юзага келди. Ўтган асрнинг 30-40 йилларидаги сон – саноксиз сургунлар етмаганидек, бағри тош «доҳий» бошчилигида янги-янги террорлар уюштирилган. Китобда қайд қилинганидек, собиқ иттифоқ миқёсида XX асрнинг 50-йилларида етти миллион одам қаматилган. Уларни кўплари Усмон Носир каби Сибир тайгасию, тундрасида мислсиз азоб – уқубатлар туфайли ҳаётдан кўз юмган. Мудҳиш инквизиция даврида ҳам бунчалик кўп одам қурбон бўлмагандир.

Китобда батафсил тасвирланган сургунлар етмаганидай, бадарға дўзахларидан омон қайтганлар устидан яна террор, таъкиб, тазйик ва қувғинлар давом этган. Қулоқларнинг фарзандларига “қулоқнинг боласи” деган тамға осилиб. Уларнинг олий маълумот олишларига монелик қилишган. Аммо шунга қарамай, кимки фан ва маданият соҳасида бирор мартабага эришган бўлса, буни унинг шахсий жасорати деб қабул қилиш тўғри бўлади.

Хуллас, асар мустабид тузум даврида кечган мудҳиш қулоқлаштириш даври ҳақидаги қизил империянинг турли бурчакларига Ўрта Осиёдан бадарға қилинган мазлумлар ва уларнинг ҳозир барҳаёт авлодлари тарихининг ўзига хос энциклопедиясидир. Монографиянинг нашр этилиши маънавий ҳаётимизда катта воқеа. Унинг муаллифи хайрли ишга қўл уриб, минглаб шахидлар руҳини шод, уларнинг авлодлари қалбини эса обод этди.

"ТАЪЗИЯНОМА"

Баъзида газеталар саҳифасида Таъзиянома рукнида мақолалар ҳам бериб борилади, Маҳмудхўжа Бехбудий, «Ойина» журналида икки марта Бухоро маърифатпарварларидан булган Мирзо Сирож ҳақида хабар беради. Биринчи хабар – Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан шоир вафоти муносабати билан ёзилган таъзиянома бўлиб, «Зиёи алим» деб номланган. Бу таъзиянома Мирзо Сирож ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотларни ўзига олган. Мутафаккирнинг хабар беришича Мирзо Сирож 1914 йил 17 январда вафот этган, жума куни Кўкалдош мадрасаси саҳнисида Эшон қози – калон имоматчилигида аҳоли ва шаҳар аъёнлари, уламо, шахулислом, муфтийлар ва жами 5 минг киши иштирокида жанозаси ўқилиб, Қавола дарвозасининг ташқарисидаги аждодлари қабристонида дафн этилган.

Оиласида уч яшар ўғли ва 6 ойлик қизи, 65 яшар отаси қолган. Отасида бу ўғлидан бўлак фарзанд бўлмаган. Жаид намоеਂдалари хаёти ва илмий фаолиятига баҳо беришда айна ҳақиқатда ким эканлигини англаш тафаккур этиш, хулоса чиқаришда бу каби материаллар ҳам юрдам беради. Келажак авлод вакиллари улар хаётий фаолиятидан ибрат сабоқларини олиб яшашга ўргатади.

"ХУП-ХУПНОМА"

XX аср туркистон ўлкасида миллий уйғониш шабадаларини кучайтиради; ўлкада “Таржимон” “Турк юрду”, “Вакт”, “Мулла Насриддин”, “Шўро” каби газета ва журналларнинг муштарийлари сони ошиб борди, улардаги истилохотчилик ҳаракатига бағишланган мақолалар ўлка педагоглари ўз фаолиятига танқидий қарашга мажбур этди. Илк усули жаид мактаблари вужудга келди, она тили ва адабиёт, табиий фанларни уқитиш масаласига эҳтиёж ва этибор кучайди. Исмоилбей Гаспаралининг “Хўжай сибён”, «Алифбо дарслиги», “Раҳбари муаллимин ,ёки муаллимларга йўлдош” услубий қўлланмаси жаид муаллимлари қўлида тез-тез кўрина бошлади. Бу ҳаракатнинг раҳбарлари, намоеਂдалари чет элларда талим олган ёки тарққий этган мамлакатларда бўлган, шарқ ва ғарб марифати, манавиятини эгаллаган, илмга чанқоқ ёшлар эдилар. Улар мустамлака, мутаассиблик исканжасида харобага айланиб бораётган она-ватан жароҳатларига малҳам изладилар. Жаидлар биринчи навбатда, маорифни, мактаб ва мадрасаларни, уларда ўқитиш усулларини тубдан ислоҳ қилиш, талим –тарбия тизимини ўзгартириш, миллатни маънан уйғотиш учун кураш олиб бордилар. Улар ўзбек халқининг минг йилдан ортиқ тараққиёт тарихига эга бўлган тафаккур гулшанидан баҳра олдилар, умуминсоний кадрятларга асосландилар, шу билан бирга турк дунёси халқларининг манавий раҳбари Исмоилбей Гаспрали ўқиш ўқитиш мактаб ва мадраса ислоҳига оид фикрлар тасирида бўлдилар. Озарбайжон халқининг хур фикрли улуғ демократлари Жалил Маматкулзода, Алиакбар Тохирзода

Собирлар билан яқин ҳамкорлик қилдилар. Бу ижодкорлар нашр этган “Мулла Насриддин” журнали, “**Хўп-хўпнома**” мажмуаси ўзбек зиёлилари ўртасида катта шуҳрат қозонди. Бу ҳол Чор Россия губернаторлик сиёсий доираларини анча ташвишга сола бошлади. Мазкур ҳолат Россия ички ишлар вазирлигининг 1900 йил 31 декабрда Туркистон ўлкасига юборилган 13444-рақамли “Мутлақо махфий” фармойишида яққол кўзга ташланди. Унда ҳукумат губернаторларни огоҳ бўлишга даъват қилади: "Кейинги вақтларда татар адабиёти ва матбуоти 14 миллион рус мусулмонларининг кўп асрли турмуш тарзини чиқариш хафига сабаб бўлувчи рух пайдо бўлганлиги сезилмоқда. Бу рух татарлар ҳаётида катта бурилишларга тайёргарлик жараёни кечаётгани ҳақида тахмин қилиш имконини беради. Вазирлик этиборини Гаспирали фаолиятига, янги усулдаги мактабларга, унинг дарслиги асосида она тилини ўқитиш масаласига қаратади. Татарлар, дейилади фармойишида, исломийлик ва туркийлик заминида тараққиёт учун интилмоқда. Шунинг учун политсия департаменти бу ҳаракатни ҳар томонлама ўрганиб, шу соҳада фаолият кўрсатаётган муаллифлар, уларнинг мақолалари, “ёш турклар” билан алоқаси, чет эл марказларида, айниқса Туркияда уларни кимлар рағбатлантираётгани, кимлар томонидан ва қаерда янги усул мактаблари очилгани, кимлар бундай мактабларда дарс бераётгани, кимлар бу мактабларга раҳбарлик қилаётгани каби масалалар ҳақида кенг малумот берган."

1893 йилда Самарқандда Исмоилбей Гаспирали бошчилигида очилган ва бир неча ойгина фаолият курсатган мактабдан кейинги ўзбеклар томонидан очилган усули жаҳид мактабларининг биринчиси эди. Туркистонда етишиб чиққан буюк ислохотлардан бири бўлган Мунавварқори Абдурашидхонов Гаспиралининг ҳамма дарсликлари, ўқув қўлланмалари, бадиий ва публицистик асарлари билан яқиндан таниш, сиёсий қарашлари таъсирида бўлди. У жаҳид мактаблари учун дарсликлар яратди, замонавий ўқитувчилар авлодини тарбиялаб етиштирди. Унинг

бевосита тасирида Маннон Уйғурдек буюк санъат арбоби, ака-ука Хусанхўжа ва Эшонхўжа Хонийлар, ака-ука Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар, Самиқори, Салимхон Тиллахонов, Қаюм Рамазонов, Шорасул Зуннун, Мажид Қодирий каби мураббийлар етишиб чикдилар. Мунавварқори Тошкентда очилган жаид мактаблари учун ўзи тузган дастур ва дарсликларни жорий этди, улар жаид мактаблари учун ўзи тузган дастур ва дарсликларни жорий этди, улар асосида жамоат олдида очик дарслар ва имтихонлар ташкил қилди. Бундан асосий мақсад, биринчидан усули жаид мактабларини бадном қилувчи мутаасиб қадимчиларнинг даъволари асосиз эканлигини халқ олдида намоиш этиш бўлса, иккинчидан халқ ўртасида илм марифатга, янги ўқитиш усулига, замонавий турмуш тарзига рағбат уйғотиш эди. Шунинг учун ҳам Мунавварқори имтихонларга ўқитувчиларнинг оналаридан тортиб, шариат дин пешволаригача, ҳатто ўлкада катта этибор қозонган олиму шоирларни, марифатли бойларни ҳам таклиф қилган. Қўлимизда унинг Исоқхон ва Ҳамза Ҳакимзодага юборган “даъватнома” си мавжуд. Мана улардан бири:

“Ҳурматлу Исоқхонхожи жанобларина!” 1907 йил май ойиндан Тошкентда Таровбоши маҳалласинда “Хония” мактабинда талабаларнинг йиллик имтиҳони бошланур. Сиз ҳурматлудан рижо қилурмизки, тавобингизда бўлган усули жаидия мактаблари мудирлари ила имтиҳон мажлисларина ташриф қилсангиз, муаллим ва шогирдлар сиздан мамнун бўлур эдилар. Муҳибингиз Мунавварқори, 15март 1907 йил.

Мунавварқори Абдурашидхонов жаид мактабларининг кундалик ўқув тарбия ишларидан тортиб, йиллик битирув имтиҳонларини уюштиришгача усули савтия усулини қобилятли ёш ўқитувчиларга ўргатишдан тортиб, мактабларни замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тامينлашгача бўлган узлуксиз жараённи бошқарди. Унинг бу фаолияти даврининг улуғ мутафаккирлари томонидан қўллаб қувватланди.

Махмудхўжа Бехбудийдек жадидчилик ҳаракатининг карвонбошиси унга мададкор бўлди.

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ

"Олтмишнома"

Ўзбек адабиётининг доимий мавзуларидан бири Алишер Навоий мавзуидир. Бу – табиий, албатта. Чунки Алишер Навоий ўзбек адабиёти, фани, саънати, маданияти равнақиға шундай катта улуш қўшганки, фақат у яшаб ижод қилган давргина эмас, кейинги даврлардаги ўзбек маданияти тарихини ҳам Навоийсиз, Навоий таъсирисиз тасаввур этиш қийин. Навоий ижоди, унинг бутун ижтимоий фаолияти адолат анъаналарға асосланган, илгор ғоялар билан суғорилган бўлиб, шу жиҳатлари билан ҳам улуғ шоир бизнинг замондошларимиз қалбига яқин. Ўзбек китобхонлар оммаси шунинг учун ҳам Навоий ҳаётининг ҳар бир даври, ҳар катта ва кичик масаласи билан қизиқади. Айни вақтда Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросондаги сиёсий ва маданий ҳаётда катта роль ўйнаган, халқ бахт-саодати, тинчлик ва осойишталиги учун тинмай курашган ҳамда ўз ҳаётини тўлалигича халқ ишиға бағишлаган буюк шахс эди. Унинг сиймосида халқимиз феодак зулмға қарши туриб, адолат, ҳаконият, халқпарварлик ва ватанпарварлик байроғини баланд кўтарган, ўрта асрчилик жаҳолатиға шеърият ва маърифтни қарши қўйган жасоратли курашчи қиёфасини кўради.

Барот Бойқобилок бу мавзунн шеърий роман доирасида ёритишни ўз олдиға мқсад қилиб қўйган. Бизнигча, Навоийнинг ёшлиги ҳақида шеърий асар ёзишнинг ўз мантиқи бор. Чунки шеър ўзи ёшликнинг тимсоли. Навоийнинг болалигини шеърға солиш эса улуғ шоирда шеърға, шеърий ижодға қизиқиш қачон уйғонганлигини, она табиатға илк шайдолик қайси холда юз берганини, унда шеърий туйғулар қачондан устун кела бошлаганини, шоир дунёқарашн шаклланишидаги асосий омилларни тасиврлаб кўсартиш демакдир. Садридин Айний “ Навоийнинг болалиги”

номи билан бир туркум хикоялар ёзгани маълум. Рус адибаси Лидия Батъ”Хаёт бустони”, ”Миркарим Осим “Зулмат ичра нур” киссаларини Навоийнинг болалик йиллари тасвиридан бошлаган. Алишерга илм -фан сир асрорларини ургатган дастлаб унинг шериятга ошно қилган ажойиб инсонлар тогалари Кобулий ва Гарибийлар булган,

Навоийнинг онаси Масъума Бегим эса, тарихий манбалар хабар беришича, Қобул амиридан бирининг қизи. Романда ҳам шундай тасвирланган. Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” дебодасида ўз ота-онаси ҳақида уларнинг темурийлар хизматини қилганлиги тўғрисида шундай деган эди:

Отам бу остоннинг хокбези;

Онам ҳам бу саро бўстон канизи.

Бинобарин, Навоийнинг ота-оналари ўз ижтимоий мавқеларига кўра элга танилган, сиёсатга яқин шахслар. Алишер туғилган пайтда унинг отаси Шохрух саройида молия ишларини бошқариб турган. Навоий болалиги шох саройи кўйнида хузур – ҳаловат билан эмас, балки ана шундай нотинч, кун сайин ортиб бораётган даҳшатларда кечади. Бирот Бойқобилов шоир ҳаётининг бу даврини шу хил ижтимоий сиёсий ҳаёт воқеалари фониде тасвирлаган. Шохрух вафот этиши билан мамлакатда ур-йиқит, тахт талашлари бошланади.

Шохрух мирзо ҳали кирмай қабрга,

Даъвогар кўпаймиш олий қасрга.

Эл оғзида юрар ҳар хил миш-мишлар,

Маликалар ўғлин тахтга – киш-кишлар.

Деб ёзади муаллиф. Тахтга эришиш йўлида Абдулатиф ҳатто қари бувисини хибсга олишдан ҳам қайтмайди. Бу аҳволни кўрган Ғиёсиддин оила аъзоларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун тинч жойни кўзлаб, бир неча муддат Ироқ томон кетишга мажбур бўлади. Оиланинг бу сафари

мусофирчиликдаги турмушлари, Алишернинг сафар давомида кекса тарихчи олим Шарафуддин Али Яздий билан учрашуви уларнинг Ҳиротга қайтишлари Барот Бойқобилов томонидан ҳикоя қилинган. Тоғаларининг таъсирида жуда эрта қўлига қалам олган Алишер шу 3-4 йиллик сафар давомида ҳам ўқиш –ўрганиш, шеър машқини бир кун бўлса ҳам тарк этмайди.

Хуросондаги ўзаро феодал низолар темурий Абулқосим Бобурнинг тахтни эгаллаши билан якунланди. Тарихдан маълумки, Абулқосим Навоий ва Ҳусайн Бойқаро авлодларига яхши муносабатда бўлган у Алишернинг отаси Ғиёсиддинни сарбадорларнинг собиқ пойтахти Сабзаворга ҳоким қилиб тайинлайди. Лекин тақдир бу оилага қулиб боқмайди. Орадан сал ўтмаёқ Ғиёсиддин вафот этди. Энди нима қилиш керак? Абулқосим Бобур нажот қўлини чўзиб, Алишер ва Ҳусайн Бойқарони ўз тарбиясига олади. Адабиётга ихлосманд Бобур кичик Алишерда катта шеърый истеъдодни парваришлаб хайрли бир иш қилмоқчи бўлади. У бир суҳбатда Алишерга дейди:

Шоир бўлмоқ мушкул шоҳ бўлмоқ осон,
Шоҳдин буюк тургай шоири даврон.
Гарчанд юксак эрур шоҳнинг нуфузи,
Андин баланд тургай шоирнинг сўзи.

Барот Бойқобиловнинг “Нотинч Хуросон” асари мукаддимасидан , то хотимасигача укиган китобхонда шоир даҳосига нисбатан улкан эҳтиром туйғусини тарбиялайди. Зеро, шоир даҳосини мадх этган Барот Бойқобилов :

Фосохат берсин деб суз чаманига,
Олтмиш кушик битдим устоз шанига.
-Дея уз асарини яқулайди.

АСАРДАН (Парча)

Манзилга етгандек шукуҳли карвон,
Маснавийга нуқта қўйдим беармон.

Қушдай енгил бўлиб ростладим нафас
Ва боқдим оламга – кўзимда ҳавас.

Кўз ўнгимдан ўтди уйқусиз тунлар,
Навоий меҳри – ла яшаган кунлар.

Худди минг бир кеча эртак айтгандек,
Ҳироту Машҳадга бориб қайтгандек,

Саргардон кезгандек Тафт йўлларида,
Адашиб қолгандек Язд чўлларида.

Ғамдийда эл билан кайғудош бўлдим,
Навоий қалби – ла туйғудош бўлдим.

Қўлимни узатдим эрк деганларга,
Саодат эшиги берк деганларга.

Нафратим кўзғади зулмгустарлар,
Бошига тож кийган каззобу харлар.

Хаёлим чўлғади хайратли фикрат,
Муқаддас кўринди мулки шеърят.

Навқирон Навоий мени ром этди,
Майи ноб лиммо – лим назми жом тутди.

Шоир карамидан кўнглим руҳланди,
Гулхандек учқунлаб, шеър ишқи ёнди

Фасоҳат берсин деб сўз чаманига
Олтмиш кўшиқ битдим устоз шаънига

Беш аср муқаддам Навоий беҳад
Хамса ишқи билан кўнгли бўлиб банд.

Ҳайратул аброрга нукта қўйиб ул,
Фарход ва Ширинга урган чоғда қўл.

Фақир ҳам тугатди маснавийсини
Яратди, балки ўз Навоийсини!

Барот Бойқобиловнинг Навоийнома асарини уқиган китобхон Навоий оламига яна бир шунгиб , улуг шоир яшаб ижод этган даврнинг нақадар серташвиш булганидан, илм ва шеър аҳлига яшаш, ижод қилиш нақадар мушкул булганидан янада чуқурроқ хабардор булади. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий матонатига тан беради, шахс камолоти учун ҳамма шароитлар яратилган бугунги давримизни ортиқроқ қадирлайди. Шоир роман бобларини қушиқ деб атаган. Китобхон бу қушиқлардан гоҳ завқланса, гоҳ ҳаётни, тарихни урганари.

ХУЛОСА

Қадимийлиги ва сермаҳсуллиги жиҳатидан жаҳон адабиёти тарихида нуфузли ўринни эгаллаган ўзбек адабиёти, адабиётшунослик ва тарихшунослик энг кўп марожаат қиладиган объектлардан бири бўлиб келган.

Хусусан ўзбек мумтоз адабиёти шундай бир маънавий уммондирки ҳар бир номанавис ижоди ўзига хослиги билан доимо диққатни жалб этади. Мазвунинг долзарблиги шундаки, ўрганилган асарлардаги воқеа ҳодисалар, халқимизнинг турли қатламларига оид кишиларнинг (Подшоҳлар, амиру-уламолар, орифу-авлиёлар ва ҳ.к.) давр эврилишларига нечоғлик жавоб бера олганлари такрорланмас лавҳалар билан тасвирланади. Шунингдек, журнал ва газеталар саҳифаларида берилган кичик-кичик мақолаларнинг муҳим адабий эстетик ва ижтимоий мавзуларга бағишланганлиги мазвунинг янада долзарблигини кўрсатади. Мустақиллик даври матбуотида, тарихчи ва адабиёт намоёндаларининг Қадимги даврдан тортиб то ҳозирга қадар ўзбек ва форс –тожик, араб тилларига оид асарлари эълон қилинмоқда. Улардаги адабиётни вазифаси жамият ҳаётига таъсири масалалари баҳсли мунозарали, айти чоғда ўқимишлидир. Шу боисдан ҳам бу баҳсли - мунозаралар ўз илмий ечимини топиши лозим. Мазкур асарларини ўрганиш уларни истиқлол мафкурасини таркибий қисми сифатида тарғиб қилиш баркамол авлодни тарбиялашда аҳамиятлидир.

Ватанимизнинг мозий кечмимши Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий воқеа –ҳодисалар билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон Ўрта Осиё тарихида муҳим ўрни эгалланганлиги туфайли ҳам бу ҳақидаги ёзма манбалар ва ёдгорликлар анчагина, уларда ҳам географик ҳам ижтимоий – сиёсий ва тарихимизга оид муҳим маълумотлар акс этган. Ана шу осори –атикалар орасида номалар алоҳида қийматга эга обидалардир. Номаларнинг аксарияти қадим тарихга эга, бир номанинг замирида олис асрлар катида муҳрланган

аждодлар тарихи уларнинг турмуш тарзи, этник ва миллий қадриятлар мужассамлашган бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган давлатлар ва бошқарув тарихини чуқурроқ тадқиқ этиб, фанда ҳали ойдинлашмаган томонларини маълум даражада тўлдиришда ёзма манбалар юрдам беради. “Номалар” серқирра манба ҳисобланади. Чунки бу манбаларда Ўрта Осиёда рўй берган сиёсий – иқтисодий воқеалар таҳлил этилиб, маданий юксалиш, илм фан, тараққиёти жараёнлари ўз аксини топади. Диний ва дунёвий таълимотларнинг вужудга келиши ва тарқалиши маданий ва маънавий ҳаётга сезиларли даражада тасир кўрсатади. Шунининг алоҳида таъкидлаш керакки, ўрганилаётган манбалар, асосан сиёсий ҳукумдорларнинг бевосита аралашуви ҳамда улар юритган сиёсатнинг таъсирида ёзилганлигини унутмаган ҳолда уларга танқидий нуқтаи назарда эмас, балки тарихий ёндашмоқ лозимдир.

Демак номлар тарихимизнинг қайси даврида ёзилганлигидан қатъий назар , ҳозирги кунимизгача ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмай келаётганлигидан келиб чиқиб, ҳозирги замон янги тарихида давлат ва жамиятни ривожлантиришга муносиб хисса қушиб, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга катта таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Камолов Т. Соҳибқирон ўқиган китоб. Миллий тикланиш:200. 8 июнь.
2. “Темурнома” Амир Темур қургон жангномаси: ҳикматлар Ўрта осие мактаб болалари учун. Сўзбоши муаллифи ва луғатлар асосида.
3. И. А. Каримов.Юксак манавят енгилмас куч. Тошкент 2008.
4. И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз Келажак йўқ. Т.7 Т. Ўзбекистон 1999.
5. А. Фирдавсий. Шоҳнома: Т. Ўзбекистон, 1978.143-бет
6. Заҳириддин. М “Бобурнома”

7. А.Навоий. Сади Искандарий: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.
8. Жўраев. Ҳ. Амир Темур ҳаётномаси. Марифат. 1997.9 апрель 3 бет.
9. Карим Ғ. Соҳибқирон ҳақидаги илк дoston: Ўзб. Адабиёти ва санъати. 2006 6 апрель
- 10.Бозоров. Ҳ Темурномада Соҳибқирон талқини. Марифат 2009. 8 апрель 14 бет.
11. Бобоев Ҳ. Амир Темур кураши: йилнома
12. Қорақолпақнома. Гулистон 1997 йил № 5-26 бет.
13. Зафарнома очерклар. Тошкент. 1971. 288.бет
- 14.Педагогика тарихидан хрестоматия: Тошкент, Ўқитувчи.1993.200.бет
- 15.Бухорий. Ҳ. Абдулланомма.
- 16.Тошпўлат. А. Бухоронома.
17. Пардаева М Д. Ижтимоий фанларни ўқитишда Алишер Навоий асарларидан фойдаланиш. Ўқув услубий қўлланма. Бухоро; 2010.61.бет.
18. Ахмедов. Б. Трихдан сабоқлар- Т. Ёзувчи,1994-432 бет.
19. Қодиров. П. Ҳумоюн ва Акбар. (Авлодлар довони) Тарихий Роман.
- 20.Ахмедов.Б Амир Темур: Тарихий Роман. Махсус муҳаррир. Б. Омон. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.1995.640.бет
- 21.Аҳедов. М. Хондамирнинг “Қонуни Ҳумоюнӣ” асари. Мулоқот. 1999 55-56.бет
22. Бекмуродов. А. Амир Темур Битиги. Бухоро мавжлари 2012.36-37.бет
23. Бойқобилов. Б. Нотинч Хуросон: Тарихий шеърӣ роман. Т. Адабиёт ва Санъат 1985-312.бет.
24. Ортиқов А. Сургуннома. Халқ сўзи- 2001-24 август.
- 25.Садриддин Айний. Эсдаликлар. 8 томлик. Т.1-Т. ЎзССР. Ўздав нашр. 1963 239-б.
- 26.Мирзо Сирож Ҳаким. Сиёсатнома Бухоройи шариф. 13-сон

27. Ал Ғаззолий Абу Ҳамид Муҳаммад иби Муҳаммад. Охиратнома. Т. Ғаззувчи 1994, 24-25 бетлар
28. Каримова Ҳ. Маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган шоҳ ва шоир. Кутубхона Уз .2009. №1 31-33 бетлар
29. Умуров Ҳ. Ҳикматнома . Бухоро мавжлари. 2015 №1 43-б.
30. Ражабов Қ. Абдуллахон II .Бухоро мавжлари 2010. №2, 27-б.
31. Бердимуродов А. Амир Темр битиги. Бухоро мавжлари 2012 №1, 36-б
32. Султонмурод О. Иккинчи минг йиллик даҳоси Алишер Навоий . Тафаккур. 2001, №1. 64-90 Бетлар.
33. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи- Т. Ўқитувчи 1997 528 б.
34. Шодмон С. Улуғ шоир мўъжизаси. Бухоро мавжлари .2011, №1., – 14б.
35. Хайитов Ш. Руҳ ҳаловати. Бухоро мавжлари. 2011, №1, 14-б.
36. Бекова Н. Айлагин жондин жудо. Бухоро мавжлари. 2011, № 1 1. 15-б
37. Иброҳим Х. Учқунда қуёш шуъласи. Бухоро мавжлари. 2011, № -1, 75-б
38. Навоийнома . Бухоро мавжлари 2011 № 1-15 б
39. Ражабова С. Бехбудий ва Бухоро жаҳидлари. Фан ватурмуш. 2000, №3-19б.

Мундарижа

Кириш.....3

I. Номалар мозий даракчилари. "Номалар"нинг ёзилиш тарихи ва унга туртки бўлган шарт-шароитлар

II. Маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган шоир ва ёзувчиларнинг «номалари» тарихни урганиш манбаси сифатида.

Абулқосим Фирдавсий. (Шоҳнома)

Унсурулмоний Кайковус (Қобуснома)
Шарафуддин Али Яздий (Зафарнома)
Низомулмулк (Сиёсатнома)
Салоҳиддин Тошкандий (Темурнома)
Абу Али Ибн Сино (Донишнома)
Заҳриддин Муҳаммад Бобур (Бобурнома)
Алишер Навоий (Соқийнома)
Хондамир (Хумоюннома)
Ўтамишхожи (Чингизнома)
Биной (Шайбонийнома)
Хофиз Таниш Бухорий (Абдуллонома)

III. Ўрта Осиё мутафаккирлари тарихий бадий, автобиографик асарларининг баркамол авлодини тарбиялашдаги ўрни.

Хотамнома

Таъзиянома

Дахнома

Хуп-хупном



Даҳнома

Хуп-хупнома

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Ўринова Бозоргул Зокировна 1956 йилнинг 15 июлида Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. 1989-1992 йилларда Бухоро давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган. 1982 – 2002 йилларда Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасида ишлаш билан бирга, илмий изланишлар олиб борган. 2002 йилда “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий – иқтисодий ва маданий жараёнларни ёритишда вақтли матбуотнинг роли” (1991-2002 йиллар) мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилган.

Грециянинг “Антик Дуне” халқаро академиясининг доктори. Ҳозирги пайтда Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон тарихи кафедрасида хизмат қилмоқда. Бугунги кунга қадар олиманинг 1 та монография, 4 та рисола, 80 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари чоп этилган.